

Виктор Астафьев

Ғамгун
саргузашт



Вуктор Асмадиев

Ғомази соғзузоили

РОМАН



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2015

821.161.1

УЎК: 821.512.433
КБК 84(2Рос-Рус)
А 85


Рус тилидан
Жўра ФОЗИЛ
таржимаси

Виктор Петрович Астафьев XX асрнинг иккинчи ярми рус адабиётининг йирик намояндаларидан бири. У 1924 йилда Красноярск яқинидаги Овсянка қишлоғида туғилган. Онасидан эрта ажралгач, бобоси ва бувиси оиласида, сўнгра болалар уйида тарбияланган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Ёзувчининг «Қари дуб», «Довон», «Сўнги таъзим», «Шох балиқ», «Мунаввар юлдузлар», «Ғамгин саргузашт» каби қатор қисса ва романлари унга жаҳоний шухрат келтирди

ISBN 978-9943-28-322-0

© В.Астафьев, 2015
© «O'zbekiston» НМИУ, 2015






БИРИНЧИ БОБ

Леонид Сошнин хафақон, дилгир кайфиятда уйга қайтарди. У шаҳар чеккасидаги темир йўлчилар қўрғонигача узоқ йўл босиши керак бўлса-да, автобусга чиқмади. Ярадор оёғи оғриси оғрир, лекин пиёда юриш асабни тинчлантиради. Нашриётда ўзига билдирилган фикрларни чиғириқдан ўтказди, бундан кейин нима қилиш, қандай яшаш керак, ўйлаб кўради.

Сирасини айтганда, Вейск шаҳрида арзигулик нашриётнинг ўзи йўқ, унинг бир бўлими ишлаб турарди, холос. Нашриётнинг ўзини эса, мутасадди ўртоқларнинг фикрича, матбаа «салоҳияти» кучлироқ шаҳарга кўчиришганди. Лекин бу «салоҳият» – эски рус шаҳарларининг шалвираб қолган мероси – Вейскдагидан ҳам баттарроқ эди. Босмаҳона панжара билан қопланган, узунчоқ деразали, инқилобдан олдин қурилган кулранг шиштин бинода эди.

Вейск босмаҳонасининг ҳарф териш бўлими ва босма машиналари жойлашган қисми аллақачон ер қаърига кириб кетган, шифтларга қаторлаштириб кундузги чироклар ўрнатилган бўлса-да, бу ер жуда қоронғи, нам ва совуқ. Доимо худди кулок битиб қолгандек чириллаш эшитилади, гўёки ер остида кўмиб қўйилган, секин ҳаракатга келувчи портловчи мослама ишлаб тургандай.

Нашриёт бўлими вилоят газетасининг зўр-базўр ажратиб берган икки яримта хонада жойлашганди. Бу хоналарнинг бирида тамаки тутунига чулғанганича, ҳали телефонига ёпишиб, ҳали атрофга кул сочиб, маҳаллий маданият устунларидан бири – Сироква-



сова Октябрина Перфильевна ўтиради. У маҳаллий адабиётни илгари ҳаракатлантиради. Сироквасова ўзини ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма нарсани биладиган одам ҳисобларди. Гўё бутун мамлакат маданияти бўлмаса ҳам, ҳарқалай, Вейскда иқтидор ва салоҳиятда унинг олдига тушадиган киши йўқ. У ҳозирги давр адабиёти тўғрисида ҳисобот ва маърузалар қилар, газета орқали нашриёт режалари билан ўртоқлашар, ана шу газеталарда Вергилий, Данте, Савонароли, Спиноза, Рабле, Гегель, Экзюпери, Кант, Эренбург, Юрий Олеша, Трегуб, Ермиловлардан ўринли-ўринсиз парчалар келтириб, Эйнштейн ва Луначарский руҳини безовта қилиб, жаҳон йўқсиллари дохийларини ҳам ёддан чиқармай, маҳаллий муаллифларнинг китобларига тақризлар ёзарди.

Сошниннинг китоби тақдири аллақачон ҳал этилган эди. Тўпламга киритилган айрим ҳикоялар кичикроқ бўлса-да, марказий журналларда босилди. Улар ҳақида 2–3 марта тақриз, мақолаларда эслатиб ўтилди. Китоб беш йил навбат кутди, режага киритилди, тасдиқланди. Энди фақат таҳрир қилиш, безаш керак эди, холос.

Сошнин билан иш юзасидан учрашувни роппароса соат ўнга белгилаган Сироквасова нашриёт бўлимига ўн иккида кириб келди. Тамаки ҳиди таратганча ҳарсиллаб, Сошниннинг ёнидан ўтар экан, ҳиркираб, «кечирасиз», деди. Паст товушда сўкина-сўкина узоқ вақт бузуқ кулфда калит айлантирди. Ниҳоят, эшик ғирчиллаб очилди. Йўлакка кулранг, заифгина нур тушди. Ташқарида иккинчи ҳафтадирки, қорни бўтқага айлантирган, катта-кичик кўчаларнинг дабдаласини чиқарган майин ёмғир қуярди. Декабрь ойи бўлишига қарамай, дарёда муз кўчиши бошланганди.



Оёғи симиллаб оғрир, елкасидаги янги яра ёндирар, устига-устак чарчоқ туфайли Сошниннинг уйқуси келарди. У тунлари ухлаёлмас, қоғоз ва қалам билан жон сақлаб, тонг оттирарди. «Хат-қалам васвасаси тузалмас касал экан-да», – ўзича кулиб қўйди Сошнин ва пинакка кетди. Лекин бу орада девор тақиллаши тинчликни бузиб юборди.

– Галя, – деди Сироквасова калондимовғлик билан, – халиги буюк зотни буёққа чақир!

Галя – машинистка, ҳисобчи ва яна котиба ҳам эди. Сошнин у ёқ-бу ёққа қаради, йўлакда ҳеч ким йўқ. Демак, «буюк зот» унинг ўзи экан-да?


– Хой, қаердасан? – Галя оёғи билан эшикни очиб, сочи калта қирқилган бошини йўлакка чиқарди. – Кирсанг-чи, чақиришяпти.

Сошнин янги бўйинбоғини, кафти билан сочларини тўғрилай бошлади. Болалигида кўшни аёллар, Лина хола тез-тез сочини силаб туришгани учун у шунга ўрганиб қолганди.

«Хотиржамлик, хотиржамлик керак!» – деди ўз-ўзига Сошнин ва мулойимгина йўталиб қўйиб, сўради:

– Мумкинми, хузурингизга кирсам? – собиқ тезкор ходимнинг синчков нигоҳи Сироквасова хонасидаги ҳамма нарсани бир йўла илғай олди. Бурчакда қадимий ёғоч жавон, шаҳарда ҳаммага таниш, ҳамманинг жонига теккан қизғиш, жиққа ҳўл пўстин йўнилган ёғоч найзага кўндириб қўйилган. Пўстиннинг илгичи йўқ экан. Унинг ортидаги бўялмаган жавонда бирлашган нашриётда чоп этилган адабий маҳсулот териб қўйилган. Олдинда анча дид билан безатилган калин муқовали совға китоблар.

– Ечининг, – Сироквасова эски жавонга ишора қилди, – илгаклари йўқ, миҳ қоқиб қўйилган.



Ўтиринг, – у қаршисидаги ўриндикни кўрсатди. Сошнин ёмғирпўшни ечгач, Октябрини Перфильевна унниққан қоғоз жилдни худди этаги остидан олгандай илиб олиб, жаҳл билан олдинга ташлади.

Кўлёмалари солинган жилдни Сошнин зўрға таниди. Уни нашриётга топширгандан буён қоғоз жилд жуда мураккаб ижодий йўлни босиб ўтганди. Собиқ тезкор ходимнинг нигоҳи яна шуни қайд қилдики, жилд устига чойнак қўйилган, унда мушук ҳам бирпас ўтирган, кимдир чой тўккан. Сироквасованинг ҳар қайсиси бошқа-бошқа ижодкор пуштикамаридан бўлган уч билағон ўғли жилдга тинчлик кабутари, юлдузли танк ва самолёт расми-ни чизишган.

Сошнин ўзининг биринчи хикоялар тўплами учун бу кулранг жилдни авайлаб-асраб қўйганини яхши эслайди. Ўртасига оқ қоғоз ёпиштирди, жуда янгилик бўлмаса-да, сарлавҳасини «Ҳаёт – ҳамма нарсадан қимматли», деб бўёқ билан чиройли қилиб ёзиб қўйди. Ўшанда шундай деб таъкидлаш учун унда ҳамма асос бор эди. У нашриётга қўнглида ҳали ҳеч қачон ўзи туймаган янгиланиш, яшаш, ижод қилиш, кишиларга фойда келтириш иштиёки билан борганди. Ўлим чангалидан бир амаллаб қутулганлар, «у дунёдан қайтиб келганларнинг» ҳаммасида шундай ҳолат юз беради.

Жилд юзига ёпиштирилган оқ қоғоз кулранг тус олибди. Кимдир уни тирнабди, булар майлига, лекин қалбидаги байрамона кайфият, у нурли туйғулар қани? У маҳаллий арақхўр мутафаккирлар йўл-йўлакай ёзган икки тақриз илова қилинган кўлёмасини кўриб турарди. Бу арақхўрлар Сироквасовага тақризлар ёзиб бериб, пул ишлашар, милиция ҳаётини акс эттирувчи ижод билан мутлақо ишлари ҳам, дардлари ҳам йўқ, улар милиция-

ни фақат хушёрхонада кўришарди. Ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамият учун инсонлар эътиборсизлиги нақадар қимматга тушишини Сошнин яхши биларди. Буни у бир умрга миясига жо килиб олганди.

– Хў-ў-ў-ўш, демак, ҳаёт ҳамма нарсадан қадрлироқ, – Сироквасова тамаки симирди, тутунга чулғаниб, тақризларни тез-тез варақлар экан, лоқайдлик билан дам-бадам такрорларди, – ҳамма нарсадан қимматли, ҳамма нарсадан қимматли...

– Мен беш йил олдин шундай деб ҳисоблардим.

– Нима дедингиз? – Сироквасова бошини кўтарди ва Сошнин унинг салқи ёноқлари, палапартиш кўкартирилган ковоқларини кўрди. Яرمىси тўкилиб бўлган қошу киприкларда қора нуқтачалар қотиб қолганди. Сироквасова қулай энгил-бош – замонавий аёлларнинг ўзига хос коржомасини кийиб олганди: тез-тез ювиш ҳам, дазмоллаш ҳам шарт эмас.

– Мен беш йил муқаддам шундай фикрда эдим, Октябрини Перфильевна.


– Ҳозир-чи, ҳозир шундай деб ҳисобламайсизми? – кўлёмани худди қарам қолдиғидай титкилаётган Сироквасованинг бутун вужудидан, сўзларидан заҳарханда ёғилиб турарди, – ҳаётдан бездингизми, кўнглингиз қолдими?

– Ҳали жуда унчалик эмас.

– Шунақа денг? Қизик! Қизик! Жуда яхши, таҳсинга лойиқ! Демак, ҳали унчалик эмас!..

«У ахир кўлёмани эслолмаяпти! Бирор ишни илғаб олиш учун вақтдан ютмоқчи бўляпти-ку. Қани, қандай килиб вазиятдан чиқар экан. Жуда қизик!»

Сошнин Сироквасованинг сўнгги чала-ярим саволига жавоб бермай, кутиб турарди.



– Менимча, суҳбатимиз узоққа чўзилмаса керак. Бекорга вақт сарфлашга не ҳожат. Қўлэзма режага киритилган. Асарингизнинг у ер, бу ерини тузатиб, рисоладагидек қиламан, сўнгра расомга топшираман. Ўйлайманки, ёзга бориб, биринчи босма маҳсулотингиз, айтиш мумкинки, фарзандингиз қўлингизга тегади. Албатта, қоғоз беришса, босма-хонага ҳеч бало урмаса ва режа қисқариб қолмаган тақдирдагина шундай бўлади. Лекин мен сиз билан келажакдаги ишлар хусусида гаплашмоқчи эдим. Матбуотга қараб, баҳолайдиган бўлсак, сиз ҳамон зўр бериб ишляпсиз, шу куннинг мавзуида чиқишлар қиляпсиз, мавзуингиз ҳам муҳим – милиция ҳаёти!

– Инсон ҳаёти, Октябрини Перфильевна.

– Нима дедингиз? Ҳа, майли, бу сизнинг ишингиз. Лекин очиқчасига айтадиган бўлсак, инсоний, боз устига умуминсоний муаммолардан ҳали жуда йироқсиз, иқтидорингиз етмайди! Гёте айтганидек: «Уннер айх бар ви дер химмель», яъни «Осмон янглиғ юксак ва йироқ».

Сошнин буюк немис шоирининг бунақанги сўзларини негадир эслай олмади. Афтидан, Сироквасова ҳаёт ташвишлари билан бўлиб, Гётени ким биландир адаштирган, ёинки нотўғри парча келтирмоқда эди.

– Сиз ҳали воқелик нима эканини тузукроқ ўзлаштириб ололганингиз йўқ, бусиз эса сизнинг милиция ҳаётидан олинган ҳикоячаларингиз, мени кечирасиз-у, янчилган буғдой бўтқасидай бир гап, – Сироквасованинг назариётчилиги тутиб кетди. – Наср оҳанги, мағзи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади – улар сиздан етти тош нарида. Бундан ташқари, доимо янгиланиб, ўзгариб турадиган, ҳаракатчан шакл-шамойил – форма ҳам бўлади.

– Форма нима эканини мен биламан.

– Нима дедингиз? – Сироквасова ўзига келди. Илҳомбахш дийдиё пайтида у кўзларини юмган, столдаги «буюк» фарзандлари чизган қораламалар, уч йил бурун мастлик оқибатида ўзини меҳмонхонада осиб ўлдирган, шу туфайли хамманинг оғзига тушган, ярим авлиёлар сафидан жой олган саёк, саргашта шоирнинг ёғимланган сурати кўриниб турган шиша юзини кулга тўлдириб ташлаганди. Кул Сироквасованинг этакларига, атрофга сочилган, устига-устак кўйлаги ҳам кулранг бўлганидан, бу аёл бошдан-оёқ кулга кўмилган, йиллар гарди остида қолгандай туюлар, шакл-шамойили эскирган ва яна икки-уч мурвати ишдан чиққан телевизордаги тасвирга ўхшаб кетарди.

– Формани биламан, дедим. Чунки форма кийиб юрганман.

– Мен милиция либосини назарда тутган эмасман.

– Нуктадонлигинингизнинг қадрига етмабман, маъзур тутасиз, – Леонид газаби қайнаётганлигини сезиб, ўрнидан турди, – агар сизга бошқа керагим бўлмаса, кетишга рухсат этсангиз.

– Майли, майли, – Сироквасова сал уялинқираб, суҳбат мавзуини бошқа томонга буриб юборди. – Ҳисобчи сизга бўнак ёзиб беради. Бир йўла олти-миш фоизини. Лекин бизда пул масаласи ҳар доимгидек чатоқроқ.

– Раҳмат. Кераги йўқ. Мен нафақа олиб турибман, ўзимга етади.

– Нафақа? Қирқ ёшда қанақа нафақа бўлиши мумкин?

– Мен қирқ икки ёшдаман, Октябрина Перфильевна.

– Бу эркаклар учун кексалик ёши эмас, айти кирчиллама пайт-ку, – доимо нимадандир норози,

нимадандир хуноб барча аёл зоти сингари Сироквасова ҳам ҳушёр тортди, тилғламалик қила бошлади, захархандасини ярим ҳазил оҳангига айлантиришга уриниб кўрди.

Лекин Сошнин унинг гап оҳангидаги ўзгаришни, ўйноқиликни ҳазм қилолмади, таъзим бажо келтириб, нимқоронғи йўлакка чиқди.

– Бўйнингизни синдириб олмаслигингиз учун эшикни очиб тураман, – кичкирди унинг ортидан Сироквасова.

Сошнин жавоб қайтармади. Ташқарига чиқиб, ўйма нақшлар билан безатилган айвонча остида бироз турди. Нақшларни бекорчиликдан ўзини қаёққа уришни билмаган, кўли югурик кимсалар сарғиш ширинкулчага ўхшатиб тимдалаб ташлашганди. Леонид иссиқ ёмғирпўши ёқасини кўтариб, бўйинини ичкари тортди ва сассиз бўшлиқ қаърига қадам қўйди. У тамаддихонага кирганида, бу ернинг кунда-шундалари шовкин-сурон билан кутиб олиб, «сухбат»га тортмоқчи бўлишди. Сошнин бир қадаҳ коньяк олди. Уни бир кўтаришда бўшатди ва оғзи курукшаётгани, кўкраги эса қизиб бораётганини ҳис этганича, бу ердан тез чиқиб кетди. Елкасининг увишиб оғриши шу иссиқлик туфайли йўқолгандай бўлди, оёк оғриғига эса, у кўниккан, тўғрироғи, тақдирга тан берган эди.

«Яна ичсаммикан? Йўк, керак эмас! – Бир қарорга келди у, – анчадан бери ичганим йўк эди. Маст бўлиб қолишим мумкин...»

У қадрдон шаҳри бўйлаб қадам ташлар экан, хизматда ўрганган одатига кўра, ҳўл қалпоғининг айвончаси остидан атрофда нималар бўлаётганини кузатиб борарди. Йўлда машина кам, кўпчилиги тўхтаб турибди, одамлар жуда эҳтиёткорлик билан юриб боришади. Ҳосил бўлган яхмалак ҳаракатни

эмас, балки ҳаётни ҳам тўхтатиб қўйган. Одамлар уй-уйларида ўтиришар, пана жойларда ишлашни афзал кўришарди. Осмондан эса қуйгани қуйган. Сув ирмоқчалар, дарёчалардек оққанида ҳам бир гўр эди. Рангсиз бу суюқлик пала-партишлик билан айланар, тешик-туйнуклардан қайта қуйиларди. Қор тагида пана бўлган ахлатлар, қоғоз ва тамаки қолдиқлари, ивиган қутилар, шамолда шалдираб турган елим қоғозлар яна юзага чиқиб қолганди. Қора заранг дарахтлари, кулранг теракларга қарға ва қарқуноқлар ёпишиб олишган. Уларнинг айримларини шамол учириб кетмоқчи бўлар, бечоралар шу захотиёқ бутуққа янада қаттиқроқ тирмашишар, амаллаб ўрнашиб олишгач, унлари ўчарди.

Сошниннинг фикру хаёллари ҳам худди об-ҳаво сингари секин-аста гимирлаб турарди. Ҳа, фикрлар оқиб келмас, югургиламас, фақат гимирлаб турарди, холос. Бу ҳаракатда олис шуъла ҳам, орзу-умид ҳам йўқ, фақатгина бундан сўнг қандай яшайман, деган ташвиш бор эди.

Энди милицияда ишлаёлмаслиги ўзига аён эди. У ўрганиб қолган – ёмонликни тағ-томири билан йўқот, жиноятчиларга қарши кураш, кишилар оёйишталигини таъминла, деган ақида темир йўлнинг боши берк изига ўхшаб қолди. Темир излар тугади, уларни боғлаб турган ёғочлар ҳам тамом бўлди, энди ҳеч қанақа йўналиш ҳам, йўл ҳам йўқ. Бу ёғи тап-тақир. Бошинг оққан томонга боришинг, жойингда айланиб юришинг ҳам мумкин. Агар буни ҳам истамасанг, боши берк издаги вақт ўтиши туфайли ёрилиб, шамолда қуриган, энди ёпишқоқлиги ҳам қолмаган охирги хариға ўтириб, пинакка кет ёки бор овозинг билан бақир: «Ўриндиққа ўтираман-да, ўйлаб кўраман. Сўққабошлар қандай кун кечирсин бу ёруғ дунёда...»

Сўқкабошлар қандай кун кечирсин бу ёруғ дунёда? Ўзинг ўрганиб қолган иш, давлатнинг кийим-боши ва овқатинг бўлмагач, яшаш қийин, албатта. Кийим ҳақида ҳам, овқат ҳақида ҳам бош қотириш керак. Кир ювиш, дазмол босиш, овқат пишириш, қозон-товоқ ювиш учун жой ҳам даркор.

Бирок энг муҳими бу эмас. Муҳими, узоқ вақт жинойтчилар ва жинойт қилмайдиганлар тоифасига ажратиб келинган халқ орасида ўзингни қандай тутишинг, қандай яшай олишингда. Жинойтчилар дунёси, ҳарқалай, унга таниш – ҳаммаси бир хил. Лекин, буниси-чи? Доимо гала-ғовур, ранг-баранг ҳаракатда бўлган бу дунё қанақа экан? Қаёққа кетяпти? Нима учун кетяпти? Улар нималарни орзу қилишади? Таъблари қандай? «Оғайнилар! Мени ҳам ола кетинглар! Мени ҳам даврангизга кўшинглар!» – дея Сошнин одатича шўхлик қилмоқчи ҳам бўлди. Лекин, афсуски, ўйин тугади. Ҳаёт ўзининг кундалик ғам-ташвишлари билан шундоқ рўпарага келди-қолди. Оддий кишиларнинг оддий кунлари қанақалиги эса маълум.

Сошнин олма сотиб олмоқчи эди. Лекин бозорнинг «Хуш келибсиз!» деган сўзлар эгри-бугри қилиб ёзилган дарвозаси ёнида қийшанглаб, ўтган-қайтганга хиралик қилаётган Урна лақабли маст аёлни кўриб қолди. Аёллик киёфаси қолмаган бу мавжудот арақ ва тартибсизликларга кўр-кўрона, телбаларча интилар, бирорта тиши қолмаган, ўрадай қоп-қора оғзига нисбат бериб, уни Урна дейишарди. Бир вақтлар бу аёлнинг бинойидай оиласи – эри, болалари бор эди, темир йўлчилар маданият уйи ҳаваскорлик тўғарагида Мордасовага ўхшатиб кўшиқлар айтарди. Ҳаммасини араққа тикди, сотиб ичди, бой берди ва Вейск шахрининг шармандаи шармисор, «диккатга сазовор кишиси»га

айланди. Милициянинг энди у билан иши йўқ, ҳеч қанақа жазо, қамоқ қор қилмай қўйган. Уни хушёрхонадан ҳам қувиб солишади, қариялар уйи эса қабул қилмайди. Чунки Урнанинг фақат афт-ангоригина қари кўринади. Жамоат жойларида у ҳаммада касди бордай, ўзини шармандаларча, сурбетларча тутайди. Урна билан курашишнинг иложи ҳам, бирор чораси ҳам йўқ. У кўчаларда йиқилиб қолса-да, чордоқ ва ўриндиқларда ётиб юрса-да, ўлмайди, музлаб ҳам қолмайди.

*Оҳ, қувноқ кулгимнинг
Жазманлари доим топилар...* -

бўғиқ товушда куйларди Урна, аммо бу овоз ҳавога ҳам, совуқ бўшлиққа ҳам сингиб кетмас, табиат ўзининг шармандаи шармисор фарзандини бағридан хайдаб чиқарар, инкор этарди гўё. Сошнин бозорни ҳам, Урнани ҳам четлаб ўтди. Замину осмон ҳамон ўша совуқ томчилар, ўша совуқ оқим билан тўла, хирагина нурнинг, шуурсиз ернинг, соғинч ва андуҳнинг чеки йўқдай эди. Бирдан ана шу шуурсиз заминда жонланиш юз берди, гап-сўзлар, кулги қулоққа чалинди, чорраҳада хавотирлик билан машина ғийкиллади.

Тинчлик шоҳқўчаси бўйлаб, унинг қоқ ўртасидаги чизиклар ёқалаб бўйнига бўйинтурук илинган от секин юриб борар, олифтанамо қирқилган думини онда-онда силкиб қўярди. От йўл ҳаракати қоидаларини билар ва тақаларини ўзига бино қўйган хотинлар хориж этикчаларини қандай тақиллатишса, шундай тақиллатиб, «бета-раф ер»дан кетиб борарди.

От эгар-жабдуғи, анжомлари тартибли, жонивор ҳеч кимга, ҳеч нимага эътибор бермай, бамайлихотир ўз йўлида кетмоқда эди.

Одамлар отни хайрихоҳ назар билан кузатишар, юзлари ёришиб, жилмайишар, ортидан лукма ташлаб қолишарди. «Хасис хўжайинидан бош олиб кетяпти!» «Ўз-ўзини қазига топширмакчи», «Йўк, у хушёрхонага боряпти, у ер отхонадан иссиқроқда», «Бекор гап! Лавря-казакнинг жуфти ҳалолига эри қаердалигини хабар беришга кетяпти...»

Сошнин ҳам жилмайиб кўйиб, отни нигоҳи билан таъқиб этди – жонивор пиво заводи томон кетмоқда эди. Отхона ўша ерда. Отнинг эгаси пиво заводи аравакаши Лавря Казаков, халқ тилида Лавря-казак генерал Белов корпусида хизмат қилган қари гвардиячи, учинчи даражали «Шухрат», яна жуда кўп жанговар орден ва медаллар нишондори. У ҳозир ситро ва шунга ўхшаш алкогольсиз ичимликлардан дўконларга ташиб бўлиб, жанговар юришлар, замонавий шахар тартиб-қоидалари, аёлларнинг қутуриб кетгани-ю, эркакларнинг латтачайна-рмижғовлиги ҳақида ҳангомалашиш учун улфатлари билан доимий кўналғаси – Сазонтъевск ҳаммоми тамаддихонасига кириб олган, ақлли отини эса, ёмғирда бўкиб, дийдираб турмасин, деб ўзини пиво заводига жўнатиб юборган. Вейск милицияси ва фақат угина эмас, бутун ерли халқ пиво заводи араваси қаерда турганини кўришса, шу ерда Лавря-казак ҳангомалашиб, дам олаётганини билишар, бунга кўникиб қолишганди. Лавря-казакнинг оти эса жуда ақлли, ҳамма нарсани тушунади ва ўз гамини ўзи ея олади.

«Мана, кўнгил ҳам бироз ёришди, расво об-хаво ҳам энди кишини унчалик эзмайди, – ўзича бир қарорга келди Сошнин, – кўникиш керак, Россиянинг шу гўшасида туғилиб ўсдингми, энди кўникиш керак. Хўш, нашриётга борганинг-чи? Сироквасова билан суҳбат-чи? Э, куриб кетмайди-

ми? Бирор кун ишдан олиб ташлашади, вассалом! Китобнинг ўзи унчалик эмас-да! Биринчи китоб, содда, тақлидчилик руҳи билан суғорилган. Боз устига, беш йил мобайнида эскириб ҳам кетди. Кейингисини яхшироқ ёзиш керак. Эҳтимол, Москвада ҳам нашр этса бўлар...»

* * *

Сошнин дўконга кириб, нон, булғор шарбати, бир шиша сут, агар шу қуруқшаган, кўкимтир бўйни узун, тирноқли панжалар чиқиб турган мавжудотни товук, дейиш мумкин бўлса, товук сотиб олди. Нархи эса ғозники билан барабар. Лекин бу ҳам ўйлаб ўтиришга, афсусланишга сабаб бўлмайди.

Угра пишириб, иссиғида еб олиш мумкин. Қарабсизки, яхши тушлиқдан сўнг, Архимед қонунига мувофиқ, иситиш батареясидан оқаётган томчиларнинг бир маромда чакиллаши, эски девор соатининг тақ-туқи, ёмғир шовуллашига қулоқ тутиб, бир-икки соат маза қилиб китоб ўқилади. Сўнгра эса, тунни билан ижод қилади. Ижод қиладими, йўқми, ҳар ҳолда қандайдир, ўзига хос, тасаввур кучи билан яратилган оламда бир муддат яшайди.

Сошнин темир йўлчиларнинг янги мавзесидаги эски икки қаватли уйда яшарди. 7-рақамли уйни йиқитишни унутишганди. Сўнгра ана шу хатога сиёсий тус бериш учун уни иссиқ сув, газ, оқова қувурларга улаб қўйишди. Ўттизинчи йилларда соддагина меъморчилик лойиҳаси асосида қурилган, қачонлардир ойнаванд роми бўлган, чайлачага монанд томи кулранг бу уй икки катта иморат ўртасида қисилиб қолган, итоаткорлик билан ер-парчин бўлиб турарди. Бу уй одамлар учун ўзига

хос ёдгорлик, мухими, бир давр белгиси, болалик хотираси ва яхши манзилгоҳ бўлиб хизмат қиларди. Замонавий мавзеда яшовчилар меҳмонларни ана шу ёғочдан қилинган, йўқсил уйни қоралаб йўл топишга ундардилар. «Шундоқкина сарик уйнинг ёнидан ўтгандан сўнг...»

Сошнин ўзининг кадрдон уйини яхши кўрармиди ёки уни аярмиди, билиб бўлмади. Эҳтимол, ҳам яхши кўрар, ҳам аярди. Чунки, у шу ерда ўсиб-улғайган, шу уй ва ётоқхонадан бўлак ҳеч қаерда истиқомат қилмаган. Унинг отаси отлиқ аскар, генерал Белов қисмида Лавря-казак билан бирга жанг қилган, Лавря – оддий аскар, отаси – взвод командири бўлган. Отаси урушдан қайтмади. У отлиқ аскарлар қисми душманнинг орқа томонига қилган юриш пайтида ҳалок бўлган. Онаси Вейск бека-ти техника хизмати идорасида ишлар, шу уйнинг иккинчи қаватидаги тўртинчи хонадонда синглиси билан яшарди. Хонадон тўрт девори теппа-тенг икки хона ва ошхонадан иборат эди. Бир хонанинг икки деразаси темир йўлга, иккинчи хонанинг ҳар иккала деразаси ҳовлига қарарди. Бу хонадонни қачонлардир ёш темир йўлчилар оиласига беришган, онасининг синглиси, яъни Сошниннинг холаси жияни чақалоқлигида унга қараб туриш учун қишлоқдан келган эди. Сошнин уни онасидан кўпроқ билар, яхши эсларди. Чунки, уруш йиллари идора хизматчиларини вагонларни бўшатиш, қор тозалаш, колхозларда ҳосилни йиғиб-териб олишга тез-тез сафарбар этиб туришар, шу боисдан онаси уйда камдан-кам бўларди. Бояқиш, ўша йиллари ҳолдан тойди ва уруш охирлаётган кезларда қаттиқ шамоллаб, касал бўлди ва қазо қилди.

Бола холаси билан қолди. Лёня ёшлигида холасини Лина деб чақирарди, шунинг учун бу ном

хотирасига маҳкам ўрнашиб қолди. Лина хола онасининг изидан бориб, техника идорасида унинг ўрнини эгаллади. Ҳамма ҳалол кишилар каби улар ҳам кўни-кўшниларга суяниб, шаҳар ташқарисидаги кафтдек ерга картошка экиб, мойнани зўрға етказишарди. Баъзан бирор янги нарса олишса ёки байрам қилишга тўғри келса, пул етмай қолган пайтлар ҳам бўларди. Холаси турмушга чиқмади, бунга уриниб ҳам кўрмади. «Менинг Лёням бор, унга қарашим керак» деб такрорларди у. Лекин холаси қишлоқчасига мириқиб қўшиқ айтиб, рақсга тушиб дам олишни яхши кўрарди.

* * *

Шундай тоза, шўрпешона аёлни ким бу кўйга солди? Вақтми? Одамларми? Ёки енгилтаклик, кўр-кўрона тақлидчиликми? Афтидан, ҳар учаласи ҳам.

Ўша бекат, ўша идорада уни тўсин ортидаги алоҳида столга ўтказишди. Сўнгра жуда баландга – темир йўл Вейск бўлимининг тижорат бўлимига кўтаришди. Лина хола уйга пул, мусаллас, озиқ-овқат олиб кела бошлади, жуда кувноқ бўлиб қолди. У энди ишдан кечикиброқ қайтар, олифтагарчилик қилар, у ёқ-бу ёғини бўяган бўларди. «Оҳ, Лёнька, Лёнька! Менга бир гап бўлиб қолса, сен ҳам адо бўласан», – дерди у баъзи-баъзида. Холасига жазманлари кўнғирок қилиб туришарди. Лёня гўшакни олар, саломлашмай, кўполлик билан сўраб қоларди: «Ким керак?», «Лина керак эди», «Бизда бунақаси йўқ», «Қанақасига йўқ бўлар экан?», «Шунақасига йўқ, вассалом!» Холаси гўшакни тимдалаб кўярди. «Мени, мени чақиришяпти...», «Э, ҳа, сизга Лина хола керакми? Шундай десангиз бўлмайдими, ахир!.. Марҳамат! Бемалол!» Шў тариқа холаси-

ни яна биров кийнагач, гўшакни узатади. Бечора гўшакни маҳкам қисиб, гапира бошлайди: «Нега кўнғироқ қиляпсан? Айтгандим-ку, сенга кейин, деб... кейин, кейинроқ! Қачон, қачон, деб безор қилдинг-ку!..» Кишининг ҳам кулгиси қистайди, ҳам жаҳли чиқади. Бояқиш холаси соддалиги, тажрибасизлигидан бехосдан валдираб қўяди: «Лёня мактабга кетсин, кейин...»

Лёня бўлса, аллақачон димоғдор ўсмирча бўлиб қолган:

– Мен hozир ҳам кетишим мумкин, фақат қанча вақтгачалигини айтиб қўйсанг бўлгани, – дейди.

– Қўйсанг-чи, Лёня, – қизариб-бўзариб, кўзларини яширарди холаси, – идорадан кўнғироқ қилишаяпти, сен бўлсанг, худо билади, нима балоларни ўйлаяпсан?..

Бола холасини заҳарханда, нафратомуз нигоҳ билан куйдирар, адо қиларди. Айниқса, у ўзини унутиб, дабдала шиппагини ечиб, оёғини оғзига қўяр, ўнинчи синф қизларига ўхшаб ноз-фирок қила бошлар, полни супуриши керак бўлган йигитча, албатта, супурги билан холасининг оёғини тўғрилаб жойига қўяр ва дўрилдоқ товушда куйлай бошларди: «Иштиёк, ҳаяжон, босилгин энди...»

Бу ажойиб аёл бир умр унинг учун яшади. Шу боисдан у холасини ҳеч кимга раво кўрмас, жуда қизғанарди. У ахир, замонавий болакай ва шунинг учун ҳам ниҳоятда худбин эди.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг олис Карпатдан келтирилган, кошинлар билан безатилган, лекин барибир чиройи очилмай, янада тунд тус олган биноси олдида, гилос ранг «Волга»да чарм камзулча, қуён терисидан тикилган телпак кийган

шофёр йигит – Ванька Стригалева мудраб ўтирарди. У жуда кизик одам эди: йигит ҳеч нима ўқимай, нималарнидир хаёл суриб, машинада неча кеча-кундузлаб ўтира оларди. Сошнин бошқарма фарроши Паша тоға ва унинг дўсти, қария Аристарх Капустин билан балиқ овига борган пайтлари бўлган. Чоллар чакка соқол қўйган ёшгина йигит кун бўйи машинада уларни кутиб ўтирганидан ўзларини ноқулай сезишарди: – Сен, Ваня, лоақал, газетами, китобми ўқисанг бўларди.

– Э-э, ўқиб нима қиламан. Барибир, бир тийинлик фойдаси йўқ, – дерди Ваня ва ширингина ҳомуза тортиб, керишиб қўярди.

Мана, Паша тоғани олиб кўрайлик. У доим супургани супурган. Қиради, киртишлайди ҳам. Қорнинг ўзи йўқ, эриб кетган, у бўлса, сувни ҳам супураверади. Супур-сидир – бу Паша тоғанинг асосий иши эмас. Унинг ақлу ҳуши балиқ ови билан банд. Боз устига, хоккей ишқибози, фаррошликка ҳам ўз мақсадига эришиш учун жойлашиб олган. Паша тоғани ароқхўр, деб бўлмас, у онда-сонда ичиб турарди. Шу боисдан, пулини икки-уч бўлакка бўлишдан асраб қолиш учун, фаррош супургиси билан «ўз харажатларини» қоплаб турар, пенсиясини бус-бутун хотинига топширарди. У эса ҳисоб-китоб, миннат-иллат билан унга «бозор пули» берарди. «Мана бу, Паша, сенга балиқ ови учун – беш сўм, мана бу уч сўм эса, лаънати хоккейинг учун».

Ички ишлар бошқармасида ҳамон бир неча от ва кичик отхона сақланиб келарди. Отхона Паша тоғанинг дўсти Аристарх Капустиннинг қарамоғида эди. Улар қадрдон ва жонажон милициянинг «остини» қовлаб, бошқарма биносига туташ иссиқлик қувурларигача етиб боришди. Шу қувурларга от

гўнги, тупрок, ириган-чириган алламбалолар ташлаб, беркитиб кўйишди. Улар бу ўрада йил давомида шунақанги чувалчанглар етиштиришардики, бундай ажойиб хўрак учун қариялар доим эъзозда эдилар. Уларни хоҳлаган уловга, ҳатто, бошлиқларнинг машинасига ҳам жон-жон, деб ўтказишарди. Лекин бошлиқларнинг машинасида юришни Паша тоға ҳам, Аристарх Капустин ҳам хуш кўришмасди. Кундалик турмушда бошлиқлар ва хотинлари уларнинг меъдасига теккан. Шу боисдан, табиат кўйнида бутунлай озод, эркин бўлиб дам олиш, бошлиқларни ҳам, хотинларни ҳам унутишни истардилар.

Қариялар эрталаб соат тўртда кўчага чиқиб, музда чуқурча ўядиган анжомларига суянганча туришарди.

Тез орада машина тормоз берар, улар асфальт юзидан ялаб олишарди, гўё. Кимларнингдир кўли қарияларни шундоқ кўтариб олиб, кишилар орасига тикиб кўярди. «А-а, Паша, А-а, Аристарх! Ҳали тириксанлар!» – овозлари эшитилар ва шу дақиқалардан бошлаб кўпни кўрган балиқчилар ўз кадрдонлари даврасида юракка ҳам, танга ҳам дам беришар, «ўз одамлари» билан фақат «ўз ишлари» хусусида чакчаклашардилар.

Паша тоғанинг ўнг кўли оқ чандиқлар билан қопланганди. Балиқчилар, нафақат, балиқчилар, балки, шаҳарнинг бутун жамоатчилиги Паша тоғанинг чандиқларига, унинг жангда орттирган яраларига нисбатан ҳурмат билан қарашарди, эҳтимол. Балиқчиларнинг аксарияти асабий. Улар сув ҳавзаларида тўлқиндай у ёқ-бу ёққа шалолаб, музни ўйишади. Сўкиниб, аввалги балиқ овларини эшлашади. Балиқларни кириб юборгани учун тараққиётни лаънатлашади ва бошқа ҳавзаларга бормаганларига пушаймон қилишади.

Паша тоға эса, балиқчиларнинг бунақа тоифасидан эмас. У бир жойга ўрнашиб олиб, табиатдан эҳсон кутиб ўтираверарди. Холбуки, у манаман деган балиқчидан қолишмас, ҳар доим уйига йўқни йўндириб, боридан бозор айлаб, шўрвага етадиган балиқ олиб келарди. Шундай пайтлар ҳам бўлардики, Паша тоға шарманка – яшик, қоп ва ички кўйлагини балиққа тўлдириб келар, ўшанда бутун бошқарма, айниқса, оддий ходимлар балиқ шўрвага тўйишар – чол ўлжасидан ҳаммага улашарди. Қария Аристарх Капустин эса, бироз китмирок. У балиқни ўз уйида, ромлар орасида қуриитар, сўнг чўнтақларини тўлдириб, Сазонтъевск ҳаммомининг емакхонасида пайдо бўлар, қоқланган балиқ билан столни тарақлата бошларди. Шўртаккина газакнинг ишқибозлари доимо топилар, улар чолни текин пиво билан сийлардилар.

* * *

Паша тоға тўғрисида бўлмағур бир уйдирмани айтиб юришар, лекин қариянинг ўзи ҳам буни маъқуллагандек кулиб қўярди. Эмишки, Паша тоға муз тешигига тикилиб турар, ўтган-қайтган ҳар бир балиқчи, «Хўш, қалай, пўкак кимирляптими?» – дея хиралик киларди. Паша тоға жим, саволларга жавоб бермайди. Лекин барибир уни ҳоли-жонига кўйишмайди. Охири, Паша тоға чидаб туролмайди, лунжидаги тирик чувалчангларни тупуриб ташлаб, сўкинади: «Сенларнинг касофатингдан бутун хўрак музлаб қолади энди!»

Қайсидир йилнинг баҳорида Паша тоғанинг содиқ йўлдоши – Аристарх Капустиннинг қидир-қидир васвасаси тутиб қолди. Кечга томон Светлое кўлига қуюлувчи дарё жунбишга келиб, музларни парчалаб, лойқа тўлқинлар балиқларни кўлнинг

ўртасига қараб ҳайдади. Айтишларича, оқшомдан деярли қоронғи тушгунча, чўртан илина бошлади, ерлик балиқчилар анча-мунча ўлжа соҳиби бўлишди. Лекин тонгга яқин лойқа сув чегараси ўзгарди ва балиқлар яна ортга қайтишди. Қаёққа кетишди, билиб бўлмайди, Светлое кўлининг кенглиги 15 чақирим, узунлиги 70 чақирим бўлса. Паша тоға ўз шериги Аристарх Капустинга зуғум қиларди. «Типирчилама. Ўтир бир жойда. Балиқнинг энг зўри шу ерга келади...» Лекин бир ерда ўтириш қаерда дейсиз? Шайтон йўлдан оздирган қария Аристарх Капустин кўл бўйлаб зир югурарди.

Паша тоға ярим кун Аристарх Капустинга ўпка қилди. Қармоқ билан битта-яримта дуркунгина балиқ тутди. Майда балиқчаларга илакишиб, чўртанбалиқ икки марта қармоқ ипини узди. Паша тоға чўктирмани муз остига тушириб, чўртаннинг жиғига тегди, авради ва илинтириб олди. Ана сенга, эркалик оқибати! Сувошти дунёсининг йиртқичи муз устида шалоплаб, атрофга сув сачратаяпти, оғзида узилиб қолган, майин хўракли қармоқ иплари, сурбет даҳан ясамага ўхшаган ялтироқ тишлар билан безатилган. Паша тоға чўртанбалиқнинг оғзидан хўракни олмайди. Бу шаллаки, безори, камбағал балиқчиларнинг ризкига кўз олайтириш нима эканини билиб кўйсин.

Тушга яқин пештоқига «мактаб-интернат» деб ёзиб кўйилган сокин ибодатхона дарвозасидан икки ўспирин – бири тўққиз, бири ўн икки яшар ака-ука Антон ва Санька чиқиб, кўлга келишди. «Охирги дарсдан қочиб келишяпти», – ўйлади Паша тоға, лекин болаларни қораламади. Улар ҳали бир умр ўқишади. Баҳорги балиқ ови эса, байрамдай бир гап – лип этиб ўтиб кетганини билмай қоласан. Ўсмирлар ўша кун Паша тоға билан биргалик-

да катта фожиани бошдан кечирдилар. Болалар эндигина ўрнашиб ҳам олган эдиларки, уларнинг қармоғига катта балиқ илинди-ю, шундоқ муз тешигига етганда тушиб кетди. Балиқни тушириб юборган ўсмирларнинг кичкинаси эди. У аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади. «Зарари йўқ, ҳеч зарари йўқ, – уни юпатарди Паша тоға, – ҳали бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлади! Ҳеч қаёққа кетмайди! Мана, сенга конфет ва шаҳарнинг тешиккулчаси!»

Паша тоға ҳаммасини олдиндан кўра билди ва ҳисоб-китоб қилиб қўйди. Пешинга бориб, дарё суви қўл лойқа қисмининг янада ичкарироғига силжийди. Лойқаларни оқизиб кетади ва катта «йиртқич» балиқ овига чиқади. Ваҳшийларча гумбурлатганча муз ўйиб, этикларни тапиллатиб, атрофни ҳақорат-дашном сўзлар билан ларзага солган балиқчилар тўдалари кўрқоқ ҳамда сезгир, болохонадор сўзларни ёмон кўрадиган бу балиқни «бетараф ер»га, яъни Паша тоға эрта тонгдан бери бирор оғиз ёмон гап айтмай, ўсмирчалар билан сабр-тоқат ила кутиб ўтирган ана шу жойга ҳайдайди.

Унинг ҳисоб-китоби ўзини тўлиғича оқлади. Бардоши, камтарин каломи эвазига ҳар бири бир қадокдан келадиган учта балиқ муз устида ётар, уларнинг ғамгин нигоҳлари осмонга қадалганди. Бундан ташқари, иккита катта балиқ қармоқдан тушиб кетди. Лекин Паша тоғанинг ҳасад нималигини билмаган қалбини қувончга тўлдирган, кичкина балиқчилар – Антон ва Санька эди. Улар ҳам ўзларининг милтиқ ўқидан ясалган чўқтирмалари билан иккитадан катта балиқ тутишди. Кичкинаси кичқирар, кулар ва пўкак қандай қимирлагани, қанақа қилиб тортиб кетганини қайта-қайта

хикоя қиларди. Ийиб кетган Паша тоға уни рағбатлантирарди: «Ана, кўрдингми, сен бўлсанг, йиғлаб ўтирибсан? Ҳаёт ўзи шунақа, баъзан илинади, баъзан илинмайди...»

Шундан сўнг фақатгина балиқчиларни эмас, балки кўл бўйида яшовчи бутун аҳолини ва Вейск шахрининг бир қисмини ҳайратлантирган, ларзага солган воқеа содир бўлди.

Шайтонми ёки балиқчилар пирими, йўлдан уриб, Паша тоға тарақлатиб, муз ўйиб ўтирмаслик учун болакайлар парма билан ўйган жойга сурилди. Майда, кўл балиғи овлашга мослаштирилган чўктирмасини энди туширган ҳам эдики, нимадир тарақлаб, шунақанги зарба бердики, Паша тоғадек тажрибали балиқчи қармоқни кўлида зўрға ушлаб қолди.

Нақ етти килою етти грамм келадиган каттакон судак, у кейинчалик дорихонадагидек аниқлик билан ўлчанди, торгина муз тешигига тиқилиб қолди. Паша тоға ўзини қорни билан муз устига ташладида, кўлини тешикка тиқиб, балиқнинг ҳиқилдовидан қисиб олди. «Ур!» – буюрди у ўсмирларга боши билан музўйғичга ишора қилиб. Болаларнинг каттаси сакраб ўрнидан турди. Музўйғични кўтарди ва қотиб қолди. Қанақасига «Ур!» Қанақа қилиб уради? Кўл-чи? Кўл нима бўлади? Шунда кўпни кўрган, чиниққан фронтчи кўзларини телбаларча ола-кула қилиб бақирди. «Ур! Уравер, урушда ҳам шундай пайтлар бўлган!» Бояқиш йиғитча терга ботиб, музни ўя бошлади. Тезда қон қизил ипдай бўлиб, музни тешиб ўтди. «Чапга! Чапга! Ўртароққа! Ўртага ол! Ўртага! Ипини кесиб қўйма...» – команда бериб турарди Паша тоға. У шалпайиб қолган балиқни сувдан чиқариб, муз устига ташлаганда чуқурча қонга тўлган эди. Паша

тоға шу захотиёқ оёқларини тапиллатиб, диконглай бошлади, додлаб юборди. Лекин тезда ўзига келиб, тишларини такиллатганича, сандикчасини очиб, болаларнинг кўлига арақ тўлдирилган флягани тутказиб, карахт бўлиб қолган кўлини ишқалаш, ярани зарарсизлантиришни буюрди.

Ички ишлар бошқармаси ҳовлисида қаторасига икки кун намоёиш бўлди. Ўртада турган Паша тоға кўлларини ёяр, бақирар, сакрар ва кўшиқ ҳам айтарди. Буларнинг ҳаммасини деразадан кузатиб турган Сошнин кинокамералардан фойдалана олмаслигига афсусланарди. Бу кинолента ажойиб томоша бўлиши мумкин эди! Учинчи кун деганда хўжалик ишлари бўлими бошлиғи Паша тоғани тиббиёт бошқармасига юборди ва у ерда жафокаш балиқчига «маиший шикастланганлиги» тўғрисида далолатнома беришди, яъни унга сариқ чақа ҳам тўланмайди. Шунда ҳамма ходимлар қахрамонни ҳимоя қилишга ўтиб кетдилар. Тиббиёт бошқармаси вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига кўнғирок қилиб, адолатни қарор топтирдилар – «маиший» шикастланиш сўзи «жанговар» дея тузатилди.

* * *

Бутун тижорат бўлимини бирданига суд қилиб, қамаб юборишди. Лина хола жонига қасд қилди. Уни сақлаб қолишди ва суддан сўнг ахлоқ тузатиш колониясига жўнатишди. Уни жуда оз муддатга камашди, лекин холаси ҳам, у билан бирга Лёня ҳам жуда кўп азоб-укубат, шармандагарчиликларни бошдан кечирдилар. Сошнин ўшанда вилоят ички ишлар бошқармасининг махсус мактабида ўқирди. Холаси ҳол-жонига қўймай, шунга кўндирганди: «Кийим-бош, овқати бепул, кўз-қулоқ бўлиб туришади, иши ҳам яхши – адолат учун кураш...»

Холаси бир балога гирифтор бўлишини сезиб юрганини, шу сабаб жигаргўшасини яхшироқ ишга жойлаштириш гамини еганини Лёня кейинроқ тушуниб етди. Сошнинни ўқув юртидан ҳайдашларига сал қолди. Идора хизматчилари, еттинчи ва қўшни уйларда истиқомат килувчилар (бола уларнинг кўз ўнгида ўсганди), энг аввало, отасининг қуролдоши ва ўртоғи Лавря-казак унга кафолат беришди. Лавря-казак соч-соқолини киртишлаб, атир сепди, бошмоқларини тозалади. Янги костюм кийиб, кўксига «Шухрат» орденлари, яна икки қатор нишон тақиб олиб, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ҳузурига борди ва у билан узоқ суҳбат қилди.

Кейин Лавря-казак ўз қадрдон отини эгарлади ва улар Лёня икковлон Лина холани кўриб келгани жўнадилар. Лина хола жанговар фронтчи олдида тиз чўкди ва ўшанда унинг жияни, бўлғуси осойишталик посбони чеккага ўгирилиб, кўз ёшларини юта-юта, жиноятчиликка қарши курашишга, айниқса, гуноҳсиз кишиларни йўлдан урадиган, уларнинг қалбини ногирон қиладиган кимсаларга шафқатсиз бўлишга қасам ичди. Лина холани афв туфайли озод қилишди. У кимёвий тозалаш бўлимига ишга кирди, уйда кир ювиб, оз-моз пул ишларди. Бояқиш доимо бурчак-бурчакларда суқулиб юрар, кундузлари одамлар кўзига кўринмасликка интилар, паст товушда гапирарди. Ўлиб қолганида эса, Лёнянинг назарида, холаси тобутда ҳам ғужанак бўлишга, кўзларини, совун бужмайтирган қўлларини одамлардан қора ёпқич билан беркитишга уринаётгандек туюлди.

Ҳали Лина хола ўлмасидан бурун Сошнин махсус мактабни битирди. Олис Хайловск тумани участка нозири бўлиб ишлади ва ўша ерда уйла-

ниб, хотини билан қайтди. Лина хола Лёнянинг ҳаёти изга тушаётганини кўриб, оз муддат хурсанд бўлиб юришга ҳам улгурди. Унинг Света исмли қизчасига энагалик қилди. Ўлаётганида эса, неварасига мактаб ёшига етгунча қараёлмаслигидан, ёшларга жуда оз муддат ёрдам берганидан афсуслана-афсуслана кўз юмди.

Эҳ, бу ёшлар, бебошлар!.. Улар учун энг инсонпарвар конституциядан сал четга чиқилса, алоҳида фармон билан ётқизиб олиб, савалаш жазоси жорий этилса эди. Бўз бола йигитни кишилар кўз ўнгида, кенг майдонда навжувон аёл, навжувон аёлни эса бўз бола роса саваласа...

* * *

Лина холанинг вафотидан сўнг Сошнинларнинг кичкина, ҳали унча мустаҳкам бўлмаган хонадони янада ишончли ва фидойи хола – Граня Мезенцеванинг қўлига ўтди. У Сошнинларга ҳеч қанақа хола-пола эмас, балки темир йўл ёқасидаги барча етимлар, хўрланганлар, ёрдам ва қаровга мухтож бўлганларнинг қариндоши эди.

Граня хола машқ тепалиги ва унга туташ ерларда стрелкачи бўлиб ишларди. Стрелкачининг уйчаси шундоқ бекатдан чиқаверишда эди. Бу ерда қачонлардир қурилиб, сўнг унутилган, алаф қоплаган боши берк из ҳам бор эди. Қияликда бир неча жуфт занглаб ётган ғилдирак, икки ўқли вагон қолдиклари, бир тўда ёғоч ётарди. Ёғочлар чириб кетгунча Граня хола бу ерга ҳеч кимни йўлатмади. Истеъмолчиларни кутди. Охири, ҳеч ким келмагач, хариларни арралар билан кичик бўлақларга бўлди. Атрофда тўда-тўда бўлиб юрган болалар бу ғўлаларни ўйнашар, улардан паровозлар ясашарди. Граня холанинг фарзанди йўқ эди. Шу боис, у

бола тарбиясида махсус билим ва иктидорга эга эмасди. Бор-йўғи болаларни яхши кўрар, уларнинг ҳеч бирини эркалатмас, ҳеч қайсисини урмас, сўкмас, кичкинтойларга худди катталардек муомала қиларди. Уларнинг табиатини билиб олиб, тизгинга солар, бу ишга замонавий маслаҳатгўй матбуотнинг таъкидларига қарши ўларок, педагогик истеъдод ва куч сарфлаб ўтирмасди. Граня хола атрофида эркаклар ва аёллар вояга етишар, темир йўл ишини ўрганиб, меҳнат тажрибасига эга бўлишарди. Стрелкачининг уйи жойлашган гўша кўпчилик болалар, жумладан, Леонид Сошнин учун ҳам боғча, ўйин майдончаси, меҳнат мактаби, баъзилар учун эса, кадрдон уй бўлиб хизмат қиларди. Бу ерда меҳнатсеварлик ва биродарлик руҳи ҳукмрон эди. Болакайлар таёкларни бири-бирига боғлаб, хари тўшашар, боши берк изда мурватлар очиб-ёпиб, қўллари билан шағал ташишарди. Улар байроқчаларни силкитиб, «дут-дут»лаб сурнай чалишар, стрелкани ўзгартириш, тормоз бошмоқларини ташиш ва ўрнатишда Граня холага кўмаклашишарди. Темир йўл анжомлари ҳисобкитобини юргизиш, уйча атрофини супур-сидир қилиш, ёз ойларида митти гуллар экиш, сугориш ҳам уларнинг иши эди.

Йўргакни булғайдиган, темир йўлнинг қаттиқ интизоми ва меҳнатига қобилияти бўлмаганларни Граня хола «ишга» қабул қилмас, унинг фақиргина уйчасида улар учун шароит йўқ эди.

Граня холанинг эри, Чича Мезенцев (бу қанақа ном, уни ким қўйганини ҳеч ким билмайди) Темир йўлчилар маданият уйи қошида гўлаҳлик қилар, гўлаҳхонадан инқилоб ва диний байрамларда чиқар, чунки унинг туғилган куни Воздвиженьегга тўғри келарди. Граня хола темир йўлнинг масъул

ходими сифатида бир кеча-кундуз ўтказиб, ўн икки соатдан ишлар, ҳафта охирида икки кун дам оларди. У эрига бир кеча-кундузга етадиган озик-овқат ва яримта арақ олиб борарди.

Вейск шаҳрида ўша Лавря-казак тарқатган латифа тилдан-тилга кўчиб юрарди. Чичанинг ёнига, иссиқ гўлаҳхонага маҳаллий ҳаваскорлик балетининг димикиб кетган вакиллари кириб боришибди.

«Чича! Онангни сени!.. Ҳозир ташқарида қайси ой, қайси фасллигини биласанми, ўзи?» «Февраль бўлса керак», «Июнь, июнь тугаб бораяпти! Сен бўлсанг, ўт қалаганинг, қалаган! Ҳатто, гир айлантирамиз десак, шерик қизчалар кўлимиздан сирғалиб тушиб кетишяпти».

Лёня темир йўлчилар кўрғонининг барча йигитлари каби машинист бўлишга тайёрланар, биродарлари билан чўғда пиширилган картошка, «аччик олма», яъни пиёз билан туз ер, Граня холанинг мис чойнаги жўмрагидан арзон малина чойи ичарди. Чойнак жўмрагидан чой ичишни у яхши кўрар, одатини шу чокқача ҳам ташламаган ва бу оилавий жанжалларга сабаб бўларди.

* * *

Кунларнинг бирида Темир йўлчилар маданият уйидаги иситиш батареялари совиб қолди. Истироҳат боғини ҳамда осмонни тутун билан қорайтириб турган мўри маданият уйининг оҳак билан оқартирилган орқа девори ёнида яққол кўзга ташланиб қолди. Ишлаб-ишлаб ҳолдан тойган қоқсуяк аёл Сочи қирғоғида ястаниб ётгандай, бинонинг орқа томони ҳаёсизларча очилиб қолди. Атрофда нимадир юз бергандек эди. Қандайдир ҳамма ўрганиб қолган бир чизги Вейск шаҳри манзарасидан ғойиб бўлганди. Мўридан ўрлаётган

тутун тобора ингичкалашиб, охири тўхтаб қолди. Чича адо бўлди. Темир йўлчилар газетасидаги «Ажойиб меҳнаткаш» мақоласида ёзилганидек, «жанговар постида ҳалок бўлди». Кишилар бу мақоладан Чичанинг қачонлардир қизил партизан бўлганлигини, жанговар ордени ва гўлаҳликдан орттирган «Меҳнат зарбдори» нишони борлигини билиб олишди.

Чичани кўмишгандан сўнг Граня хола анча вақт қарахт бўлиб юрди. У кир-чир бошмоқларини кийиб олиб, секин одимлар, ҳатто, қорачиқлари ҳам кўринмайдиган ёрқин кўзларини қишлоқча пешонабоғ билан паналаган, темир йўл қонун-қоидаларига ҳилоф бўлса-да, бу рўмолини ишда ҳам ташламасди. Машинистлар, поезд тузувчилар ва йўловчилар унинг ғамини рўйхотир қилиб, хатосини юзига солишмасди.

Лекин ғам-алам якка юрмас экан. Тепаликдан тушиб келаётган вагондан тахта учиб кетиб, Граня холанинг бошига келиб тегди. Ўша, тахталарни пала-партиш симбанд қилган, боши бузук, арақхўр Вейск бекати пасткам бурчагидаги болалар чинқирғини эшитганда, қонга беланган аёлни пўлат излардан тортиб туширишга уринаётган боғча ёшидаги бир тўда кичкинтойларни кўрганда, эҳтимол, бир умр гуноҳини ювишга ҳаракат қилган, ўзи яхши ишлаган ва бошқаларни ҳам одатдагидек меҳнат қилишга ундаган бўлар эди.

Граня хола товукқа ўхшаб, бошини эгри тутар, ҳамма нарса ялтираб, кўзига иккита кўринарди. Темир йўлчилик ишига у энди яроқсиз эди.

Граня холанинг эри ўз мойнасини ҳеч қачон, ҳеч нимага сарфламасди. Граня хола эридан қолган жамғармага темир йўлчилар кўрғони ҳовлисида кўшимча иморатлари бўлган уй сотиб олди. Бу уй

Граня хола қачонлардир ишлаган боши берк изларнинг шундоққина ортида эди. Магадан олтин конларига жўнаб қолишни орзу қилган бекат дурадгорининг бу ховличасини Граня хола аллақачон кўз остига олиб қўйган эди. Тез орада Граня холанинг уйида жониворлар пайдо бўлиб қолди. Темир йўлда яраланган ит – Варька, қанотлари қирқилган қарға – Марфа, бир кўзи чикқан хўроз – Ундер, думсиз мушук – Улька. Уруш бошланиши олдидан Граня хола ўзининг Вяткадаги кадрдон қишлоғидан вагонга босиб, бир ғунажинни олиб келди ва дугонанинг чалакам-чагги, йиғлоқи шеърлар ёзиб юрган жиянидан бу ажойиб жониворга ном топиб беришни илтимос қилди. Темир йўлчилар кўрғонининг безорилари бирор тузукроқ ном топишолмади. Уларнинг миясига нуқул бўлмағур, ҳаёсиз лақаблар келаверди. Оқибатда жонивор кадрдон қишлоғининг номи билан – Варакушка деб атала бошланди. Шу ном билан сигир бўлди, умр-басар қилди.

Уруш йилларида Граня хола шу сигир орқасидан тирикчилик қилди. Эрта тонгдан кеч шомгача у учлари тугиб боғланган бўз парчасида сигирнинг тагига тўшаш учун ёғоч қиниғи ташир, йўл чеккалари, Вейка дарёси соҳилларидан ўт юлиб келар, унинг ҳеч қанақа бедазори йўқ эди. Шунга қарамай, Граня хола бутун қишга етадиган беда ғамлаб оларди. Унинг Варакушкиси жуда меҳрибон, ювош, ҳамма нарсани тушунадиган, агар таъбир жоиз бўлса, ватанпарвар сигир эди. Сутнинг кўп қисмини Граня хола яқин орадаги госпиталга – ярадорларга олиб борар, энди темир йўл уйчаси эмас, ховлиси атрофида ўралашиб юрган бир талай болақайларни сутга тўйғазарди. Граня холадан темир йўлчи қўшнилари, кўчириб келинганлар ҳам сут харид қилиб туришарди. Тушган пулга Граня

хола нон карточкалари, яқин ўртадаги колхоздан сигир учун хўрда сотиб оларди. Варакушқадан бўлган бузоқчаларни сутдан ажралгач, бўйнига ип солиб, госпиталга олиб борарди. Урушдан сўнг, госпиталь ёпилгач, Граня хола темир йўлчилар касалхонасига бир қанча вақт сут етказиб турди, сўнгра сигирни ҳам ўша ерга элтиб берди. Оёқлари оғриб, қўл томирлари шишиб кетган Граня хола кучсизланиб қолди. Вақт-соати келиб, уни ҳам темир йўлчилар касалхонасига олиб кетишди. У ерда сал дам олиб, ўзига келгач, Граня хола хожатхона ва йўлакларни ювишга, касалхона кийимларини ямаш, дазмоллашга тушиб кетди. Уни касалхонанинг болалар бўлимида энагаликка қолдиришди. У боши берк излар ёнидаги уйини бировга сотдими, ёинки, бекат майдончасини кенгайтириш учун уйини бузишдими – буни Леонид билмайди. Ўшанда у Хайловскда ишлар, хизмат, спорт ва бир нозанин унинг хаёлини банд этган, Граня холани унутиб юборган эди.



ИККИНЧИ БОБ

Хайловскдан қайтганидан сўнг, кунларнинг бирида Сошнин темир йўл кўприги ортида, темир йўлчилар куни шарафига оммавий халқ сайли бўлаётган ерда милиция гуруҳи билан навбатчилик қиларди. Мўйсафид Вейка дарёси ёқалаб кетган ўтлоқларни, заъфарон толзорлару қонталаш бутазорларни сайл кунларида (бу ерда айтишларича, табиат қўйнида базм пайтида) булғаб ташлашар, кирғоқдаги бутазорлар, яқин орадаги дарахтларни ёқиб юборишарди. Баъзан илҳом келиб, фикрлар ҳаволаб кетганда, пичан ғарамларига ўт қўйишар,

кўкка ўрлаётган алангани кўриб севинишар, латта-путгаларни чор-атрофга сочишиб, шишаларни чилпарчин қилиб, ҳамма ёқни ифлос қилишарди. Бу «табиат кўйнидаги» маданий-оммавий бебошликнинг оддий бир кўриниши эди.

Ўша кунги навбатчилик унчалик серташвиш эмасди. Азалдан ўз қадрини билган темир йўлчилар кўнгилхушлик қилаётган металлурглар ёинки шахтёрларга нисбатан ўзларини анча сипо тутишарди. Улар оила-оила бўлиб байрам қилишар, битта-яримта ўткинчи бурнини кўтариб, «ғиринг-пиринг» деб қолса, тезда уни ҳовуридан туширишга кўмаклашишар, милиция хушёрхонага олиб кетмаслиги учун кўздан пана қилиш чорасини кўришарди.

Бир вақт Сошнин не кўз билан кўрсинки, яқин орада жойлашган кўл томондаги бутазордан чит кўйлаги йиртилиб кетган, дуррачасининг бир учини ерда судраган аёл чикиб келяпти. Унинг сочлари паришон, пайпоқлари ергача тушиб кетган, бошмоғи лойга ботган, Сошнингга жуда-жуда таниш кўринган бу аёлнинг ўзи ҳам яшил сувўтларига беланганди.

– Граня хола, – аёлнинг истикболига отилди Леонид, – Граня хола! Сенга нима бўлди?!

Граня хола ерга кулади. Леониднинг этакларини кучоқлаб олди:

– Оҳ, шармандалик, шармандалик! Оҳ, бу қанақа шармандалик!..

– Нима гап ўзи, ахир? Нима бўлди? – Сошнин гап нимадалигини англаёзган, лекин бунга ишонгиси келмай, Граня холани силкитмоқда эди.

Граня хола майса устига ўтириб, атрофга аланглади, кўйлаги кўкрагини тўғрилаб кўйди, сўнгра пайпоғини тиззасигача тортди-да, йиғини бас қилиб, шуурсиз сўз қотди:

– Хе, шу... Хўрлашди, билмадим, қайси гуноҳларим учун...

– Ким, қаерда? – шошилиб, деярли, шивирлаб сўради Сошнин, – унинг овози бирдан синикиб, қаёққадир йўқолганди. – Ким, қаерда? – У гандираклаб кетди, «ох» тортди, ўзини тутолмай, тўппончаси гилофини йўл-йўлакай очиб, бутазор томон югурди. – Отиб ташлайман, отиб т-а-ш-л-а-й-м-а-н!

Леониднинг шериги уни қувиб етди, бармоқлари қалтираб, тепкини кўтаролмаётган қўлидан тўппончани зўрға тортиб олди.

– Нима бўлди сенга? Сен нима қияпсан ўзи?

Дарё ўзанида Граня холанинг кўзларига ўхшаш мевалари кўришиб турган қарағатнинг топталган буталари орасида тўрт шоввоз устма-уст ухлашарди. Граня холанинг кўк хошияли дастрўмолчаси лойга қоришиб ётарди. Қишлоқда, қизлик пайтларида у ва Лина хола дастрўмолчаларига шунақанги кўк хошия тикишарди.

Кейин эса, ўша тўрт шоввоз қаерда бўлганлари, ким билан ичганлари, нима қилганларини эслолмадилар. Тергов пайтида тўрталаси ҳам йиғлаб, кечиршни илтимос қилишди. Темир йўл тумани судьяси одил, халқпарвар аёл Бекетова зўравонлар, талончиларга жуда шафқатсиз эди. Чунки, ҳали болалигидаёқ, Белоруссия истило қилинганда келгинди зўравонлар зулмини кўп кўрганди. У мишиқи шаҳватпарастларнинг учтасини 8 йилдан қаттиқ тартибли қамоқ жазосига ҳукм этганда (тўртинчиси ҳамма айбни шерикларига тўнқаб, қутулиб қолди), тўртовлон янада қаттиқроқ йиғлашди.

Суддан сўнг Граня хола қаёққадир ғойиб бўлди. Афтидан, у кўчага чиқишга ҳам уяларди. Леонид уни касалхонадан қидириб топди. Граня хола қоровулхонада яшарди. Ҳаммаёқ оппок, худди ўша стрелкачининг унутилмас уйчасидек шинам, озода. Идиш-товоқ, чойнакча, пардалар, дераза токчасида «Ванка-шалаббо» гули қирмизи товланиб турибди, ёронгул алангаланаётгандек. Граня хола Леонидни ўтиришга таклиф қилмади, лабларини кимтиб, кафтларини тиззалари орасига қисганча, маъюс бир ахволда ўтираверди.

– Сен билан мен, Леонид, яхши иш қилмадик, – деди у ниҳоят, бемаврид ёркин тортган кўзларини ердан узиб, Сошнин қотиб қолди, Граня хола бир умр уни Лёня дер, фақатгина қаттиқ хафа бўлган, бегонасираган лаҳзалардагина йигитнинг исмини тўлик айтарди.

– Нима қилибмиз?

– Ёш умрларни хазон қилдик. Бунчалик узок муддатли қамоққа улар бардош беролмайдилар. Бардош берганда ҳам, сочлари оқариб, бир ахволга тушиб қолишади. Уларнинг иккитасининг (Генка ва Васьканинг) фарзандлари бор. Генканинг бир боласи суддан кейин туғилди.

– Граня хола! Граня хол-а-а! Улар сени хўрлашди! Таҳқирлашди! Сенинг оқ сочларингни ҳам назарга илишмади-ку?!

– Хўш, нима бўпти?! Осмон узилиб, ерга тушибдимми? Ё мен ўлиб қолибманми? Бироз йиғлаб-сиктардим. Алам қилади, албатта. Лекин бунақа жабру ситамларни энди кўрибманми? Чича, ўз эрим, нималар қилмаган, дейсан. Бунақа гапларни айтаётганим учун мени кечиргин. Сен энди катта одамсан. Милицияда ишлайсан, ҳар хил расвогар-

чиликларнинг кўпини кўргандирсан, эҳтимол. Чичанинг кўнглини топмасам, белкуракни олиб, мени бино атрофида айлангириб, кувгани кувган эди. Бу тирриклар эса эзгилашди, лойга булғашди... Лойни ювса, кетади-ку, ахир.

Улар бир-бирларидан қочадиган бўлиб қолишди. Лекин Вейскдай шаҳарчада бир умр кўз-кўзга тушмаслигининг сира иложи йўқ. Бу ерда ҳаёт жуда тор доирада ҳаракат қиларди. Бир-бирлари билан кўришишдан анча олдин улар бу учрашувнинг муқаррарлигини ҳис эта бошлардилар.

Леониднинг барча ички аъзолари узилган-дек бўларди. Йўқ, балки, улар гужанак бўлиб, шундоққина кўкраги остида тугилиб қоларди. У жуда узоқдан илжая бошлар, бу ноўринлигини билса-да, оғзини йиғиштиришга, юзидан қулгини йўқотишга қурби етмасди. Бу табассум унинг юзига ёпиштирилган ҳам ҳимоя ниқоби, ҳам оқловчи бир ҳужжат эди. Худди давлат берган ич кийим ортига босилган тамғадай. Унинг нигоҳини илғаган Граня хола ерга боққанича, бошида калит ва болға белгиси ҳамон ўчмаган қалпоқ, эгнида темир йўлчиларнинг эски шинели, дабдаласи чиққан бошмоқларини шапиллатиб, ёнламасига сирғалиб ўтиб кетарди. Бу кийим-бошларнинг ҳаммасини Граня холага ҳали темир излар бормаган, форма керак бўлмаган ёққа кетиш тараддудини кўраётган дугоналари беришган бўлса керак, деб ўйларди Леонид.

– Эртангиз хайрли бўлсин! – дерди Граня хола эрталабми, кечкурунми эканлигидан қатъи назар. Сошнин сезардики, агар Граня хола табиатан мулойим, камсукум бўлмаганида, у билан саломлашиб ҳам ўтирмасди. Ва ҳар доим юзида бемаъни табассум билан қуловигача ботириб қоқилган михдай бўлиб, йўлкада турар экан, бу афтодаҳол

аёлнинг ортидан югургиси, ҳаммага эшиттириб: «Граня хола, мени кечир! Кечир, бизларни!» – дегиси келар, лекин бунинг уддасидан чиқолмасди. «Хайрли эрта, саломат бўлсинлар!» – дерди у ҳазил оҳангида Штепсель ва Тарапункага тақлид қилиб. Бу дақиқаларда у ўзини, украиналик чаккон қизиқчилару бутун эстрада вайсакиларини, барча ҳазил-мутойибани, адабиёт, хизмат, ёруғ жаҳон, дунёдаги ҳамма-ҳамма нарсани ёмон кўриб кетарди.

* * *

Идрок этиш мумкин бўлмаган нарсалар ва ҳодисалар қаторида у ҳали ҳеч ким охиригача тушунтириб беролмаган рус характери, адабийчасига, баландпарвоз қилиб айтганда, рус қалби аталмиш матоҳни англаш лозимлигини ҳис этарди. Бу ишни ўзи сезмаган ҳолда узоқлашиб қолган, йўқотган энг яқин кишилари: Лина ва Граня хола, хотини билан қизи, билим юртидаги, мактабдаги дўстларидан бошлаш керак бўлади. Энг аввало, буни ўз-ўзига исботлаши, оқ қоғозга тушириши керак. Оқ қоғозда эса, ҳамма нарса худди булоқ сувидагидек кўриниб туради. Ҳаммасини очиб ташлаш керак: бесўнақай суяклару махфий, кўримсиз жойларгача, ижоднинг ҳаракатлантирувчи кучи, унинг энг асосий сирини бўлган ўша номаълум, идрок этилмаган туйғуни ақл кўзи билан кўриш керак, ўйларди Сошнин. Бутун умр бўйи дам олмасдан, сўнгги нафасгача «фикрлаш ва жафо чекиш» учун қанчадан-қанча куч, матонат, бардош керак бўлади. Эҳтимол, у охири-оқибат, ҳеч бўлмаганда, ўз-ўзига тушунтирар: нега руслар азал-азалдан аристонларни жуда аяшади-ю, кўпчилик ҳолларда ўзларига, қўшнилари – уруш ва меҳнат ногиронларига нисбатан лоқайд, совуққон бўлишади? Улар сўнгги бурда нонни ҳам аристону

конхўрга, суяк-суягингни қарсиллатиб синдиргувчи муттаҳамга беришга, ҳозиргина қутуриб юрган, энди эса, қўллари орқасига қайрилган ашаддий безориларни милициядан тортиб олишга тайёр турардилар-у, ҳожатхонада чирокни ўчиришни унутадиган қўшнларини кўришга кўзлари йўқ. Чирок учун тортишиш шу даражага бориб етадики, улар касал кишига бир култум сув беришдан ҳам бош тортишлари, унинг хонасига яқин йўламасликлари мумкин.

Жиноятчилар бундай оккўнгил халқ орасида тараллабедод, маза қилиб яшайди, улар азалдан Россияда шундай кун кечиришади.

Онадан туғилганига йигирма икки йил бўлган бир шоввоз ёшлар қаҳвахонасида араққа тўйиб олгач, сайрга чиқди ва йўл-йўлакай уч кишини чавақлаб ташлади. Ўша кунини Сошнин марказий туманда навбатчилик қиларди. У қотилнинг изига тушди ва ҳайдовчини шоширганча, уни қувиб етди. Лекин шоввоз – «қассоб» қочишни ҳам, яширинишни ҳам хаёлига келтирмасди. «Октябрь» кинотеатри ёнида тик туриб, музқаймоқ ялар, «иссиқ»дан кейин ўзини совитарди. Эғнида қарқунок, тўғрироғи, тўқ қизил рангдаги спортчилар камзули, кўкрагида қизил йўл-йўл из. «Қон! – ўйлади Сошнин, – қўллари камзулига артган-да, пичокни кўкрак чўнтагига яширган».

Одамлар инсон қонига беланган «артист»дан кўрқиб, уни четлаб ўтишарди. У лабларида нафратомуз ханда билан музқаймоқни еб бўлади. Сўнгра танлабми, танламайми, яна битта-яримтани сўйиб ташлайди.

Икки ўртоқ кўчага орқаларини ўгирганча темир панжарага ўтириб олиб, улар ҳам музқаймоқ ейишарди. Ширинликка ўч бу йигитчалар, нима

ҳақдадир гаплашишар, хохолаб кулишар, ўтган-қайтганга тегажоғлик, қизларга шилқимлик қилишарди. Уларнинг камзуллари, елкаси, қалпоқлари кимирлаганига қараб, тараллабедод кайфиятда эканларини англаш қийин эмасди.

Қассобга энди икки дунё баробар, уни кимирлатмай қўлга олиш лозим. Шундай зарба бериш керакки, қотил йикилаётиб, девордан лат есин. Кўпчилик ўртасида унинг қўлларини қайира бошласанг, ўзими, ўртоқларими, орқанга пичоқ солиб қолишади. Сошнин юриб кетаётган машинадан туша солиб, панжарадан сакраб ўтди-да, бир зарб билан «қассоб»ни деворга парчинлаб, қарахт қилиб қўйди. Хайдовчи икки қувноқ йигитчанинг ёқасидан олиб, панжарадан ағдарди ва ариқчага қапиштирди. Бу орада ёрдам етиб келди: милиция бандитларни боришлари лозим бўлган ёққа етаклаб кета бошлади. Гражданлар норозилик билдириб, бир тўда бўлиб милицияни ўраб олишди-да, «бечора болалар»ни ўкситишга йўл қўймай, осойишталик посбонларини ҳақоратлай кетишди. «Нима қилишяпти бу ифлослар, махлуқлар, а?» – кенг костюм кийган, фақатгина қоқ суяклари қолган бир киши қалтираб, иложсизликдан ногиронлик ҳассасини йўлгага урганча жаврарди: «Об-бо, изкувар-ей! Мана сенга, милиция! Кўрдик қанақасига бизни кўриқлашар экан!..», «Бу яна куппа-кундузи, халқнинг кўз ўнгида!», «У ёқда уларнинг қўлига тушиб кўр-чи...», «Қанақа ширин бола! Жингалаксоч болакай! У хайвон бўлса, бояқишни боши билан деворга урди-я!»

Сошнин тишини-тишига қўйиб, жим турарди, лекин милицияга яқинда ишга келган хайдовчи чидаб туrolмади: «Шу жингалаксоч боланинг қўлига тушсангиз эди! У тилларингизни ҳам, умрларингизни ҳам қиска қилиб қўярди...»

Аллақачон пенсияга чикқан, лекин тирикчилик учун майда-чуйда ишларни бажариб юрадиган, денгиз пиёдаларининг собиқ командири ўша куни милиция бўлимида деворларни бўяётган эди. У бобоси, шимол балиқчиси умрида қанча балиқ тилган бўлса, ундан ҳам кўпроқ фашистни чавақлаган эди.

«Одамларни нега ўлдирдинг, ҳароми, чаёнвачча», – хорғин товуш билан сўради у «кассоб»дан.

– Хе, шундоқ, башаралари ёкмади менга! – бепарво жилмайиб жавоб қилди у. Собиқ жангчи чидаб туролмади, қотилнинг ёқасидан бўғиб олиб, ерга йикитди.

«Оғрияпти! Уришга ҳаққинг йўқ! Кўйвор, кўйвор!» – дея бутун туманни бошига кўтариб бақираётган шоввозчани собиқ жангчи кўлидан зўрға ажратиб олишди. Сўнгра «кассоб» терговчига кўзларини маъсумона бакрайтирди: «Нахотки мени отиб ташласа? Нахотки энг олий жазога ҳукм этишса?! Мен ахир, ўлдирмоқчи эмасдим...»



УЧИНЧИ БОБ

«Бўлди, бўлди! Бугунча стар энди» – деди Сошнин ўз-ўзига, об-ҳаво айниганда чулғаб оладиган узундан-узук, ғамгин хотираларидан кутулиш учун. Ва уларнинг рутубати, юкидан халос бўлишни ис-таб, елкаларини силкитди. Юзини сийпалаб қўйиб, кадамини тезлатди. Унинг хонадони буғ билан иситилса-да, алмисоқдан қолган печка ҳам бор эди. Бу печка ажойиб бир иншоот бўлиб, Сошнин уни дўстлик ҳақи ҳурмати куз пайтлари Лавряказак келтириб берадиган ўтин билан киздирарди. «Ҳозир печкани ёқамиз, ажойиб шўрва қиламиз, аччиққина чой дамлаймиз. Бу ноқулай ҳаётни ҳам,

расво об-хавою елкани куйдириб турган лаънати офриқни ҳам жи и урсин. Ўзи бундай олганда, умуман, ҳаёт ёмон эмас, баъзан омадинг чопади, баъзан чопмайди...» Сошниннинг кўз ўнгида супурги ушлаган Паша тоға, Лавря-казакнинг ўз кадр-қимматини сақлаган ҳолда уйига кетаётган оти пайдо бўлди ва у жилмайди. «Терговни билимдонлар олиб боради» фильмидаги қўшиқ оҳангида хуштак чалди, факатгина милиционерлар эмас, балки аҳоли ўртасида ҳам оммалашган «Агар нимадир, қаердадир, негадир, содир бўлса...» қўшигини хиргойи қила бошлади. Бу билан у афтидан, ўзи яшайдиган уй зинапојаси остида шишани иситиш қувурига қўйиб олиб, мусаллас ичишга ҳозирланаётган уч улфатнинг жиғига теккан эди. «Нега буларнинг ҳаммаси учта бўлиб юришади-а? Учликларнинг бундай фаоллигини нима билан изоҳлаш мумкин?»

Еттинчи рақамли уйнинг кўздан пана бурчаги – зинапоја остига янги уйлар, бекатдан келган суҳбат ихлосмандлари тўпланардилар. Улар ҳаммаёқни чўчкадай булғаб, тўполон қилар ва муштлашишарди. Қувурдан буғ чиқиб турар, унинг остидаги пол, дераза тахтаси чириб кетганди. Уч улфатнинг бирини Сошнин таниди – аввал маҳаллий, сўнгра пойтахтдаги «Локомотив» футбол жамоаси ўйинчиси. «Локомотив»нинг миси чиқиб, биринчи лигага тушгач, юртдош ўз футбол мартабасини туғилган шаҳрида давом эттириш учун қайтиб келганди. Қўшнилар, биринчи навбатда, Тутишиха кампир, нолирдилар: «Лёш, зина тагида тартиб ўрнатсанг-чи. Пиёнисталарни қувиб юбор. Уларнинг дастидан яшаб бўлмапти-ку!»

Лекин ишда ҳам у шунақанги қаланғи-қасанғилар билан пачакилашавериб, жонига теккан,

бунинг устига асабийлашиш, муштлашиш, ёинки пичоққа рўбарў бўлишни истамасди. Унинг ёлғиз бошига бунақанги ғавғолар етиб ортади. Лекин ба-рибир, бадмастларни бу ердан йўқотишга тўғри келади. Аҳоли талаб қилаяпти. «Аmmo бугун таас-суротлар керагидан ҳам ортиқча бўлди», – бир қарорга келди Леонид ва таниш турма сартаро-шининг сўзларини эслади: «Ҳамма безорию кис-савурларнинг соқолини олишнинг имкони йўқ». У мажруҳ оёғини кўтариб, бўш кўлини панжарага тираганча ёшлиқдан машқини олган ҳаракат би-лан дарҳол зинанинг ярмига етиб олганда, ортидан овоз эшитиларди: «Ҳой, сен булбулигўё! Хиль, Эдуард! Саломни еб кўйдингми?»

«Ҳеч нарсани кўрмаяпман, ҳеч нарсани эшитма-япман», – ўзича қироат қилди Сошнин ва оёғини судраб. Юкорига, халоскор гўшаси томон кўтарила бошлади. Бир-икки қадам ташлаган эди ҳамки, ор-тидан қувлаётганларни сезиб қолди. Моҳир чолғучи ўз ноёб сози товушини қанчалик яхши билса, Сош-нин ҳам ўз кадрдон уйи эски пиллапоялари тову-шини шунчалик яхши биларди.

Зиналар кучли, созланмаган тордек овоз бе-ришарди. Буни Сошнин қулоғи билан эшитди, кураклари билан хис этди, ҳақиқий изқуварнинг курагида эса, болалар уйида ўсган йигитчаникидек кўзлари бўлиши керак.

Уни олди очиқ почапўстин кийган пахмоқ, қора сочли йигит қувиб ўтиб, йўлини тўсди.

– Сендан сўраяпман, физкультурачи, саломни еб кўйдингми?

Почапўстинли олифтанинг хорғин, қизғиш кўзлари ёз сўнгидаги, куёш нури етмаганидан хомлигича моғорлаётган мевага ўхшар, у оғзидаги

сақични у ёк-бу ёкқа айлантирар, зина панжарасига суяниб олганди. Еттинчи рақамли уйнинг зиналари бунақанги тўс-тўполонлар учун эмас, балки кичкина, ориқ кишиларга мўлжалланган эди.

Лина холани кўмишга элтишаётганда тобутни шунақанги баланд кўтаришдики, марҳуманинг ўткиргина қирра бурни шипда чизик чизишига озгина колди. Леонид оёқ оғриғи ва юрагини тилкапора қилаётган хаёллардан афтини буриштирди.

– Салом, жанговар лочинлар, – деди Сошнин мутелик ва ҳатто, оз-моз хушомад билан. Лекин иш тажрибасидан яхши билардики, жангари «меҳмон»лар билан бундай оҳангда гаплашиш мумкин эмас. Аммо чарчаган, оёқлари қақшаб оғрир, уйда ёлғизгина ўтириб овқатлангиси, ётиб дам олиб, хаёл сургиси келарди. Зеро, елкани эзиб турган оғрик тўхтаса, зора кўнгли бироз ёришса.

– Қанақасига биз лочинлар бўлар эканмиз? – совуқ нигоҳ билан унга бақрайди йигит ва сақични зина тагига тупуриб ташлади. – Нега кўполлик қиласан? – у почапўстин ёқасини очиб юбориб, кенгрок, каттарок бўлди гўё.

«Қизик, бу таскара пўстинни қаердан олдийкин? Ўзиям аёлларникига ўхшайдими-ей. Жуда қиммат бўлса кераг-ов», – кизишиб кетмаслик учун Сошнин ўзини чалғитишга ҳаракат қиларди.

– Қани, дарҳол кечирим сўра-чи, ҳайвон! – зина тагидан овоз берди футболчи, – жуда ўзингни йўқотиб қўйибсан! Одамни кўзинг кўрмайди!

Футболчининг ортида, юзида тутуруқсиз кулги, эркак деса эркакка, ўсмир деса ўсмирга ўхшамайдиган киши турарди. Юзи қарияларга монанд, кадди-қомати эса, ўсмирникига ўхшайди. У она сутига тўймаган, боғча, мактаб, ҳаёт оёққа

қўёлмаган, лекин аллақачон бузилиб улгурган. Ёмон йўлга кирган. Бўйнида кўк бўйинбоғ, ўзи ҳам кўм-кўк, юзида қони йўқ. Ҳозиргина эсланимиз, «қассоб»га ташқи кўриниши билан сира ўхшамайди. Барибир, нимаси биландир, эҳтимол, балиққа ўхшаб лаб тишлаши, ўйловсиз ва даҳшатли ҳукмронлик туйғуси биланми, ўша қотилни жуда эслатиб турарди. Унинг кўкиш башараси, кўкимтир тақир бошига қараб, яқиндагина аристондан чиққанини Сошнин дарҳол англади. Бу чалажон анчадан бери бебошлик қилмаган, ароқ ичмаган, шу боис ўртокларидан олдин маст бўлиб қолган. У барак уйларда дунёга келган. Она сутига қонмаган, нимжон, катта оғзини балиққа ўхшаб эгри қисиб ўтирганига қараганда, эсини йўқотар даражада асабий. Орқасига пичоғини беркитиб турибди. У қонсиз лабларини йиғиштиролмай, беихтиёр бир қўлини камзули чўнтагига тикди, қон хидини сезиб, бир қўли билан бўйинбоғини асабий тортқилади. Бу саллона-мастона юрган дайдилар орасида энг хавфлиси – ана шу.

«Хотиржам бўл! – деди ўзига-ўзи Сошнин, – хотиржамлик керак. Иш пачава бўлади энди...»

– Хўп, ундай бўлса, майли, йигитлар, агар нима биландир ғашингизни келтирган бўлсам, кечиринглар.

– Ундай бўлса, майли, деганинг нимаси яна, – чакка соқол қўйган, почапўстинли олифтанинг бир боғ бедадай сочлари, бойваччалардек захархандаси Сошнинга, одамлар эътибори, овқатнинг мўллиги, раққосалар жилпанглашидан талтайиб кетган қўшиқчини эслатди. Ақлан ва шаҳвонан, ўз ёшларидан ўзиб кетган қизчалар ўша раққ дастасида жуда «камтарин» кийимда раққ тушишар, шу бир

карич мато ҳам уларнинг ижодий имкониятларини бўғиб турар, қўшиқчи бўлса, ўзининг мардона товуши билан қизларнинг жилпанглашига мослаб хиркирарди: «Сен менинг қўшиғимсан, куйимсан...»

Зинада турган, калтабннлар худо деб сиғинадиган қўшиқчига ўхшаб кийинган олифтага hozир ўтқир хиссиётлар керак эдн. Ҳаётдан баҳра олиш учун унинг бошқа ҳамма нарсаси етарли. Чиройли ўстирилган сочи – қахрамон шоир Давидовга ҳақоратомуз тақлид, кир-чир ҳошияли, башанг ночапўстини, киндигида қалайи тугмаси ялтираб турган, атайлаб вижимлангандай чийдухоба шими, ёғ босган, моғор бўйинбоғи, қуриган дарахт пўстлоғига ўхшаш бўйнини яққол кўрсатиб турган қирмизранг кир жуббаси – буларнинг ҳамма-ҳаммасидан, шоир айтганидек, жудаям унчалик эртанги бўлмаган ҳорғинлик, ювуксизлик, мурдорлик уфуриб турарди. «Юзга қарамай қўйилдими, тамом, ҳамма бало шундан бошланади», – дерди Хайловск туман ички ишлар бўлими бошлиғи Алексей Демидович Ахлюстин. Ана шу одам hozир бирдан Сошниннинг ёдига тушиб кетди. Бу оққўнгил, ажойиб одам, қачон, қандай қилиб ва нега милицияга ишга келиб қолганини Леонид ҳеч тушунолмасди.

– Рисоладагидай, аник, равшан, тушунарли қилиб, кечирим сўра!

«Шундай ноёб башарани дабдала қилишга тўғри келади, чори» – ўйлади Сошнин, – тўрхалтада сутли шиша, шарбат... Қонга қон, жонга жон! Аблахликни аблахлик билан енгил керак, шундайми? Ҳа, шундай! Бироқ бунақада биз жуда чуқурлашиб кетамиз... Шу тасқараларни деб сутни нобуд қилишга кишининг кўзи қиймайди ҳам.

Боз устига, тўрхалтадаги товук бечорага кишининг раҳми келади. Бусиз ҳам у ёруғлик кўрмаган, инкубаторда ўсган, бадани балоғат ҳаловатини билмаган. Келиб-келиб, шундай бокира, бегуноҳ кушча билан шунчалар бузук, суллоҳ башарага тушириб қолиш жоизмикан?..»

Сошнин ўзини чалғитиб, ич-ичидан келаётган титроқни босишга муваффақ бўлди. У олифта ташланиб қолгудек бўлса, кўриб туриш, пастдагиларни ҳам назардан қочирмаслик учун ним ўгирилди. Ва бундан сўнг нима бўлишини кута бошлади. Ҳаммадан кўпроқ футболчи уни ташвишга соларди. Биринчидан, ёши ҳам ўттиздан ошган, одам бўлиш, эркаклар қаторига кириш пайти етган, иккинчидан у Сошнинни таниши керак. Аммо футболчининг хотираси ёшлиқдан заиф, жонажон жамоасига қайтиш муносабати билан арақхўрликдан бўшамаяпти, ҳозир тукқан онасиниям танимаса керак. Эҳтимол, у Сошнинни милиция либосида кўргандир. Милиция либоси эса, кишини ҳам, унга бўлган муносабатни ҳам кескин ўзгартиради.

Футболчининг қаҳр тўла нигоҳида бир муддатгина иккиланиш пайдо бўлди. «Локомотив» биринчи лигага тушгани, Москва чеккасига, Черкизовога суриб чиқарилгани, бу ерда шинамгила ўйингоҳ бўлишига қарамай, «қиттай-қиттай» илинжида шисани бекитиб юрган ишқибозлар сони икки юзтадан мингтагача зўр-базўр етиши, шундан келиб чиқиб, ҳурмат, муқофот, шон-шараф ҳамин қадар бўлиб қолгани учун у инсониятни ҳамон кечиролмасди. Бу ҳам етмагандек, у футболда ҳеч ким миннатдор бўлмайдиган касб эгаси — «химоячи». Аристони «тил усталари» таъбири билан айтганда, «чопки», «қирқувчи болта»... У жасур, ҳалол йигитлар — хужумчиларни дарвоза томонга ўтгани қўймайди,

оёғига тепади, иштонини тортиб туширади, ерга кулатади. Йиқилган рақибнинг чинқирғидан ҳузур қилади.

– Ҳа, ҳа! – футболчи қийшиқ, оғир нигоҳи билан рақибни шоширар, эзарди. – Ҳийндан ташқари ҳолатга ўтма! Бўлмаса, нақ башарангга гол ураман!

– Уни ана шу башанг бўйинборига осиб қўя-қолсак-чи?! – олифта улфатлари билан маслаҳатлашиб, Сошниннинг бўйинбоғини илиб олди-да, ҳазар қилгандай, нимдошгина ёмғирпўши ёқасидан чиқариб ташлади. Бўйинбоғ ҳам, унинг эгаси ҳам, бу шалоқ зинали, деворларининг оҳаги кўчган, ҳар ер-ҳар ерига миҳ қоқилган уйга сира ярашмас, агар буюк Петр саройидан бу меҳнаткаш ошёнга олтин шамдон келтирилса, худди шундай ному-носиблик кўзга ташланган бўлур эди.

– Эҳтимол, керак эмасдир, йигитлар? – деди Сошнин қалтирай бошлаган бармоқлари билан бўйинбоғини қайтадан ёмғирпўш остига тикар экан, ҳамон босиқ, ҳатто, бироз ялинчоқ товушда.

– Нима керак эмасдир?

– Бунчалик сурбетлик қилиш, – Сошнин ахлат, тамаки қолдиқларини супуриб, пастдаги эшик очилганини, Тутишиха кампирнинг юмалоқ бурни кўзга ташланиб, дум-думалоқ кўзлари ялтираганини кўриб турарди. Сошнин кўзларини бақрайтирган эди, кампир шоша-пиша эшикни ёпди.

– Нима дединг, сен нима деяпсан ўзи?! – футболчи ғазабдан бўзариб, зинадан баландлади. – Тепки-чи! Офсайд-чи! Мен сенга...

Аристони ҳамон оғзини йиғиштиролмайдилар, лекин кулгуси энди ўрнидан кўзгалган, тизгинсиз эди. У афсус билан бош чайқар: «Ҳаммасига ўзинг айбдорсан. Кечирим сўрай қолсанг,

бир еринг камаярмиди?» – дерди. У кўли билан тўсинни ушлаб, футболчи ортидан борар, иккинчи кўли билан кўкрак чўнтаги тугмасини очиб, пичоқни олишга ҳаракат қиларди.

«Бундай бадкорлик уларнинг юрагига қандай, қаердан ўрнашган?! Ҳар учаласи ҳам ўзимизнинг шаҳардан. Меҳнаткаш оилалардан. Ҳар учаласи ҳам боғчада кўшиқ айтган: «Кўм-кўк ирмоқчадан дарё бошланади, Дўстлик эса бир табассумдан...» Мактабда ҳам улар кўшиқ айтишган: «Бахт – бу қувончли парвоз! Бахт – бу дўстлик саломи... Бахт...» Олий ўқув юрти ёки хунар-техника билим юртида «Дўст доим қайиқда жой бўшатишга, чўкадиган бўлсанг, чамбарак ташлашга тайёр туради...» Урушлар, истилолар нималигини билмаган ажойиб, қадимий рус шаҳрида, умуман олганда, уч киши бир кишига қарши турибди...»

– Тўхтанглар, йигитлар! – амр этди Сошнин.

Тутишиха кампир яна эшикдан бурнини чиқарди ва Сошнин яна унга кўзларини бакрайтирди. Хавфни жуда тез сезадиган аристонидарроў ўгирилиб қаради, лекин ҳеч қанақа хатарни илғаёлмади, кампир эшикни беркитиб улгурганди. Бу орада Леонид тўрхалтани харига илди-да, пастдан ҳам, юқоридан ҳам хужум қиладиганларни кўрса бўладиган тарзда туриб олди.

– Оббо, азаматлар-ей! Учовлон бир кишигами? Бунинг устига, у кишининг ўзи чўлоқ бўлса! Эҳ, полвонлар, ботирлар! Иля Муромец, Микула Селянинович, Алёша Попович... Кучларингизни ҳам полвонлардек сарфласангизлар эди.

– Қандай қилиб?

– Ишда ўзингизни кўрсатиб.

– Қанақа ишда?

– Йўлларни тозалаш, ер казиш.

– Устимиздан куляпсанми, ифлос! – ёниб кетди олифта ва пахмоқ ҳайвондек бўлиб, юкоридан қурбонига ташланди.

Сошнин сал эгилди ва олифтани устидан ошириб отди. Унинг тахминича, йигит шишадешларини зинадан қулатиши керак эди. Лекин у нимжон аристонинигина зинадан учириб ташлади. Футболчи эса йиқилмади, фақат ўзини йўқотиб қўйди. Леонид саёқларнинг ўзига келишига имкон бермай, бир сакраб футболчи ёнидан ўтди ва икки зарб билан олифтани ифлос полга ағдарди. Аристонини иситиш қувури томонга улоқтириб ташлади. У энди ўзини тутиб туролмасди. Дори-дармонлар, ҳолдан тойдирувчи навбатчиликлар, олишув, қочди-қувдилар, тунги ижод, яралар, томирларига қуйилган бировларнинг қони ва ниҳоят, қуриб кетгур Сираквасова ўз таъсирини кўрсатган, унинг асабини издан чиқарган эди.

У бўғиқ ҳирқираш билан мушт тушириб, футболчини деворга парчинлаб ташлади.

– Дўстларингизнинг ёнини олмайсизларми, номардлар, ўртоғингизга ёрдам беринг!

– Қанақасига у бизнинг дўстимиз бўлсин? У бизга дўст эмас! – жавради аристонининг орқасига бекиниб олган олифта. У ниманидир эслади ва қўйга ўхшаб маъраганча, аристонининг елкасидан итарди:

– Геха, чавақла! Сўйиб ташла!

Геха итоаткорлик билан қўлини чўнтагига тикди, лекин пичоқни чиқаришига Сошнин имкон бермади, уйқу томирига қиска зарба бериб, нафасини чиқармай қўйди. Аристони «ох» тортиб эгилгач, рўнарадан мушт тушириб, хира дераза томон улоқтирди. Аристони боши билан метин қувурга урилди, ели чиқиб кетган байрам шарига ўхшаб

пишиллади ва кўм-кўк, пажмурда гавдаси ерда
ғужанак бўлиб қолди.

Футболчи ҳеч қандай қаршилик кўрсатмай
қўйди. Уни дўппослашнинг қизиғи қолмади. Сош-
нин шунақанги кутуриб кетгандики, энди ўзини
тўхтатолмасди. У футболчини аристонининг усти-
га улоқтирди. Леонид нимадир, дея ўқирар,
кўзлари олма-кесак терарди. Олифта ҳолсизланган,
қўлларини осилтириб, кўзларини бақрайтирганча
ерда ўтирар, ифлос бурчакка тикилмоқчи бўларди.

– Энди қилмайман, тавба қилдим, амакижон!
Амакижон! – зорланарди у қўлтиғининг ости йир-
тилиб кетган енги билан юзини тўсганча. Кўп ки-
йилганиданми, ёинки шунақа бўялганиданми, нас-
тарин тусини олган кўй териси кўзга ташланди.
Бу тери худди ўйинчоқ айикчадан ечиб олинган-
дай эди ва Сошнинни ўзига келтирди. У кўксини
тўлдириб бир-икки нафас олди, оғзидан қон ара-
лаш сўлак оқиб ётган мишиқига хайрон бўлиб ти-
килиб турди. Сўнгра пўстинининг ёкасидан ушлаб,
сичқонни қопқондан тортиб олгандай, бурчакдан
суғуриб олди, эшикка қараб судради ва ортига бир
тепиб, кўчага чиқариб ташлади.

– Қайтиб бу ерда қорангни кўрмай, тиррик!

Леонид ўзини қаерга қўйишни, нима қилишни
билмай, зина ёнида узоқ вақт туриб қолди. Тути-
шиха кампир яна эшикни қия очди.

– Аллақачон шундай қилиш керак эди! Қачон
қарасанг, саланглаб юришгани юришган...

– Шу ерда фақат сен етмай турувдинг-да!

* * *

Кўз олди қоронғулашиб кетди. У ҳамон заиф,
бетоб эди. Айниқса, асаблари қақшаганди. Кўнгли
алғов-далғов, нотинч, бу тасқаралар эса, ўзларини
ўтга уришди...

Леонид тўрхалтани эслаб, зинага чикди. Тўрхалта ўша жойда осилиб турарди. У эгилиб пастга қаради. Иситиш қувури остида сувданми, конданми кўлмак ҳосил бўлганди, нимадир ялтираб кетди. «Пичок!» – ўйлади Сошнин. У зинадан тушиб, ханжарга ўхшатиб ишланган ўтмас чопқини ердан олди. Бу билан аристонининг бувиси ёки ундан ҳам каттароқ қариндошлари ёғоч ва сим қирқишган. Ҳақиқий ханжар яшаш ёки яширинча сотиб олишга аристони ҳали улгурмаган.

Сошнин уйига қайтиб, темир йўл милиция бўлимига телефон қилди. Махсус мактабда бирга ўқиган, собиқ ҳамкасби Федя Лебеда навбатчилик қилаётган экан.

– Федя, мен муштлашдим. Бир «қахрамон»нинг бошини иситиш қувурига уриб, ёрдим. Бирор корхол бўлса, излаб юрманглар. Бадкор – бу мен.

– Нима, жинни бўлдингми?!

– Уларни дўппослаш керак эди, Федя.

– Керак эди... Керак эди... Албатта, керак! Лекин ўша ифлосларни, деб ўзингни овора-сарсон қилишади-да!

* * *

Сошнин гўшакни илиб қўйди. Қўлларига назар ташлади, қўллари ҳамон қалтирарди. Жўмрак остида қўлларини юва бошлади ва шу қўйи пинакка кетишига оз қолди. Ҳорғинлик, беадад ғам ҳисси уни босиб келмоқда эди. У ёшлигидан шундай – хафа бўлса, қалби нимадандир ларзага келса, кўнглини оғриқ, норозилик эмас, балки юрак-юракни ўртаб юборадиган ғамгин соғинч ҳисси эгаллаб оларди. Барибир, у табиатан чўрткесар эмасди. Боз устига, аёллар тарбиясини олган. У милицияда эмас, онаси ва холасига ўхшаб, идорада ўтириб, қоғоз

кораллаши керак. Агар жудаям милицияда ишлагиси келса, унда фақатгина фаррош Паша тоғанинг ўрнида ишлаб, супур-сидир қилиши мумкин.

Хўш, милиция учун, ҳарбий иш учун туғилганлар-чи? Улар нима иш қилишсин? Агар дунёда ёмонлик ва ёмонлик қилувчилар бўлмаганда, милициянинг ҳам, ҳарбийларнинг ҳам кераги бўлмасди. Азал-азалдан, асрлар оша бутун милиция, қамоқхона, божхона ходимлари – ҳамма-хаммаси инсониятнинг калтабинлиги оқибатида мавжуд бўлиб турибди. Соғлом ақл-заковат тантана қилганида, дунёда аллақачонлар қурол-яроғ ҳам, зўравонлигу зўравонлар ҳам бўлмаслиги лозим эди. Улар мавжудлигининг ўзиёқ ҳар қандай соғлом фикрни инкор этади. Бу орада қабоҳат қуроллари ҳалокатли миқдор касб этди, ҳарбийлар бутун дунёда камайиш ўрнига кўпайиб боряпти. Аммо ҳарбий либос кийганлар ҳам бошқаларга ўхшаб, ер ҳайдашлари, экин экишлари, ўришлари, яратишлари керак эди. Суллоҳ ўғирлайди, ўлдиради, товламачилик, фирромлик қилади. Бу қабоҳатга қарши бир куч кўтарилади, лекин бу кучни ҳам яхшиликка хизмат қилади, деб бўлмайди. Чунки, яхши ниятли куч фақат яратиши, эзгулик бунёд этиши керак. Экин экмайдиган, ўрмайдиган, лекин нон, устига-устак мойли нон ейдиган, боз устига, жиноятчиларни боқадиган, ўғирлаб кетмасликлари учун уларни қўриқлайдиган, бу ҳам етмагандек, китобчалар битадиган куч – ўзини бунёдкор куч, деб аташ ҳуқуқидан аллақачон маҳрум бўлган. Уларга хизмат қиладиган маданият ҳам шундай аҳволда. Жиноятчилар, ҳуқуқбузарларга қарши кураш, саёқ, енгилтак аёллар ва эркаклар, турма ва каторгалар, қамоқдан қочишлар, чаққонлик билан одам ўлдиришлар ҳақида қанчадан-қанча

китоб, кино, пьесалар яратилган... Тўғри, уларнинг орасида пайғамбарона башорат билан «Жиноят ва жазо» деб аталган китоб бор. Тинчлик ва эзгуликка қарши жиноят анча вақтдан бери содир этилмокда. Унинг жазоси ҳам яқинлашиб қолган ва ҳеч қанақа милиция унинг олдини ололмайди. Ҳамма атомчилар қўлини орқага қайиришнинг ҳам, камашнинг ҳам иложи йўқ. Ҳамма бадкорларни йўқотиб бўлармишми?! Улар кўпчиликни ташкил этишади ва катта, яхши ҳимояланган куч ҳисобланишади.

Айрим донишмандлар учун қонун ва қонун бузишлар ўртасидаги чегара йўқолиб, у ягона муштга айланиб, тақдирга тан бериб, ўз қисматини иложсизларча кутиб ўтирган бечоралар бошига ёғилади.

* * *

Айтишадикки, одамни тушуниш – кечириш, демакдир. Лекин кимни, қандай тушуниш керак?! Кимнинг, қайси айбларини афв этмок даркор?

Бошлиқларга ялтоқланадиган, ўзини ноҳақ камалган ҳисоблаб, фирромлик қиладиган, соқчилар олдида эса титраб-қақшайдиган, кечалари эски-туски игна топиб, томирларига ҳар қанақа бало-баттар юборадиган, эсни оғдирадиган даражада наша чекадиганлар... Йўқ, улар ҳақиқий жиноятчилар эмас. Ҳақиқий жиноятчи – бу Сошнин турмада кўрган ўрта ёшлардаги аристони эди. У ўз дунёқарashi ва ҳаётий дастури билан Сошниннинг кўзини мошдай очиб қўйди. Қадди-комати келишган, қўллари кучли ўғрибоши зиммасидаги қамок муддатини «халоллик» билан ўтамоқда эди. У озодликка чиққан заҳоти ўзининг асосий вазифасини бажаришга киришади. Магазинлар қулфини бузади, омборхона ва хонадонларни ўмаради, «кизиқрок иш» чиқиб

колса, хазиначиларни талайди, олифта бойваччани ечинтиради. Хуллас, ишсиз қолмайди. Худди ўша ўғри, мутгаҳам Сошнин ҳамроҳлигида турмага келган тарбиявий, насиҳатомуз руҳдаги журнал мухбири устидан очикдан-очик кулган эди. Мухбир аёл бўлса, худди осмондан тушгандай, ҳамма нарсага ҳайрон бўлар, «қайта тарбияланган», ўз гуноҳини англаб етган, келажакда тоза, ҳалол яшашга интилаётганларга у жон-жон, деб ишона оларди. Улар билан мухбир аёл «юрак»дан суҳбатлашарди.

– Мана, сиз, – деди у бамайлихотир ўтирган, ўз кадрини биладиган аристонига мурожаат қилиб, – сиз талончилик, хонадонларда ўғрилик қилгансиз. Бирор вақт ўз қурбонларингиз, сиздан жафо чеканлар тўғрисида ўйлаб кўрганмисиз?

– Ҳой, бошлик! – заҳарханда қилди аристони Сошнингга мурожаат этар экан, – сен нега мени хафа қиласан? Мен нозиктаъб, нуктадон суҳбатдошни истайман.

– Сен жавоб беришингни бил. Бўлмаса, биз баҳона қияпсан, деб ҳисоблаймиз.

– Мен-а?! Жавобдан қочарканманми?! Яна хафа қияпсан, бошлик, – деди аристони ва мухбир аёл ёзиб олишга улгурсин учун дона-дона қилиб, юрагидаги гапларини айта бошлади, – қурбонлар тўғрисида ўйлай олганимда мен ўғри эмас, врач, агроном ёки комбайнчи бўлардим. Ёзиб олдингизми? Хўп, сизга яна битта қимматли фикр ҳадя этман: мен ва менинг ишим бўлмаганида, уларга, – Сошнинни кўрсатди ва у бармоғи билан соқчилар, маданият уйи, ҳаммом, гараж, бутун кўрғонни кўрсата бошлади, – уларнинг ҳаммасига ейишга нон топилмасди. Улар мени кўз қорачиғидай асрашлари, ўғриликни ташламаслигим учун худога илтижо қилишлари керак...

Буни тушуниш мумкин. Шундоқ кўриниб-билиниб турибди. Уни «қайта тарбиялайдилар» ва у ўзини «қайта тарбияланган» қилиб кўрсатади. Лекин яқинда Вейскда фойдаланишга топширишга тайёр турган уйни тор-мор қилган ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларини тушуниш мумкинми ўзи?! Улар ўша уйда амалиёт ўташган, иш-лашган, ўз қўллари билан ўз меҳнатларини йўққа чиқаришганини қандай изоҳлайсиз? Англияда бутун бошли шаҳарни вайрон қилиб ташлашганини Сошнин қаердандир ўқиганди. Тутунга бурканган саноат шаҳри Бирмингем яқинида йўлдош шаҳар барпо этишган. У ерда яшаш, нафас олиш жуда енгил эди. Мана шу шаҳарни ўз аҳолиси, устига-устак, фақат ёшлар вайрон қилишибди. «Нега бундай қилиясиз?» – дейишганда, «Билмаймиз», – дея жавоб беришган.



ТўРТИНЧИ БОБ

Сошнин мактабда танлаб ўтирмай, ташналик билан жуда кўп китоб ўқирди. Сўнгра у мактабларда «ўтилмаган»ларга қўл урди. «Экклезиаст»гача етиб борди. Унинг немисча ўқишни ўрганганини, Ницшени мутолаа қилаётганини вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари билиб қолса борми?! Ницшени ўқир экан, шунга ишонч ҳосил қилдики, кимнидир, ниманидир, боз устига, улкан файласуф, ажойиб шоирни инкор этишдан олдин уни, албатта, яхши билиш, ижодини ўрганиш керак! Ана ўшандан кейингина унинг мафкураси ва назариясини инкор этиш, курашиш даркор. Курашганда ҳам кўр-кўрона эмас, кўриб-билиб, далиллаб курашиш ке-

рак бўлади. Рус олими, ахир, бекорга «Ниманидир, хоҳ у эҳтимоллик назарияси, хоҳ кўзикорин бўлсин, синамай, билмай излаш асло мумкин эмас» демагандир. Ницше, гарчанд, кўполроқ бўлса-да, инсон табиатида қабоҳат ҳақидаги чин ҳақиқатни юзинг борми, кўзинг борми, демай айтиб берган. Ницше ва Достоевский, юпка тери ва чиройли кнйим-бошлар остига бекиниб олиб етиладиган, айри тишларини қайрайдиган йирткич одам вужудининг қаерида пайдо бўлишини деяри аниқ айтиб беришди. Бу йирткич жуда даҳшатли, у ўзини ўзи еб адо қилади. Буюк Русда эса, инсон киёфасидаги оддий дарранда бўлиб қолмай, жуда катта йирткичдир. У кўпинча мутелик, масъулиятсизлик, айрим сара одамлар, тўғрироғи, ўз-ўзини шундай одамлар тоифасига қўшиб қўйганларнинг бошқалардан яхшироқ, тўкроқ яшаш, улардан ажралиб туриш, енгил-елпи кун кечиришга интилиши оқибатида пайдо бўлади.

Чамаси бир ой муқаддам, ақраб намгарчилиги пайтида қабристонга мурда олиб келишди. Ҳамма ерда бўлганидек, марҳумнинг уйида болалари, қариндош-уруғлари ғам-аламни унутиш учун тўйиб ичиб олишди, қабристонда яна ичишди – нам, совуқ, ғам. Кейин қабр тепасидан бешта бўш шиша топилди. Мусаллас тўла иккита шиша ҳам бор экан. Катта мояна оладиган ишчилар орасида янги расм-русум пайдо бўлибди. Бўш вақтни дабдабали, тўраларча ўтказиш етмаганидек, энди дафн маросимлари ҳам серхаражат, кимўзарга ўтказилади. Қабр тепасида пул ёндирилади, агар бир боғлам бўлса, айни муддао. Фоний дунёни тарк этувчи ортидан мусаллас тўла шиша улоқтиришади. Мабодо шўрлик нариги дунёда «бош оғриғи» қилгиси келиб қолса...

Мотамсаро фарзандлар шишаларни лаҳадга ташлашга ташлашди-ю, лекин падари бузрукворларини тупрокка топширишни унутишди. Тобутнииг ўзи қолиб, унинг қопқоғини лаҳадга қўйишди, тупрок тортишди. Фарзанди қобилларнинг қай бири ўзини лой тепачага ташлади, овоз чиқариб йиғлаган, нола қилган бўлди. Гулчамбарларни қалаштириб ташлаб, вақтинчалик белги ўрнатишди-ю, марҳумни ёд этиш маросимига шошилишди.

Мурда янги костюмда, пешонасида гулчамбар, қороз гуллар орасида кўкариб кетган бармоқларида дастрўмолни махкам қисганча лаҳад ташқарисида ётарди. Орадан бир неча кун ўтди. Бояқиш ёмғирда шалаббо бўлиб кетди, тобут сувга тўлди. Қарғалар тобут ёғочига ўтириб олиб, майитнинг қайси еридан ейишни мўлжаллаб туришганда кабристон қоровулининг синашта кўзи фалокатни сезиб қолиб, дод-вой солган.

Хўш, бу нима ўзи?! Ҳамон ўша, ҳаммани ийдириб юборадиган, елвагай рус характери-ми? Ёки тушунмовчилик, табиат хатоси, носоғлом ҳолатми? Агар, шунақа бўлса, нега бу тўғрида лом-мим демаймиз? Нега биз қабоҳат ҳақида ўз ўқитувчиларимиздан эмас, балки Ницше, Достоевский сингари аллақачон мангу уйқуга кетганлардан яширинча ўрганишимиз керак? Мактабда гуллар, япроқлар, ким, нимани чанглатади, ҳаммасини ўрганамиз, табиат қўйнига сафар қилганда қапалакларни кириб, гулларни синдириб, қизлар учун қўшиқ айтганмиз, шеър ўқиганмиз. У, товламачи, ўғри, зўравон, ваҳший бўлса, шу яқин орада, кимнингдир қорнида ёки бирор бошқа қоронғи жойда бекиниб олиб, ўз вақти-соати етиб келишини сабртоқат билан кутиб ўтирган. Ёруғ дунёга келгач, онасининг иссиққина сутидан бироз эмиб, йўргакларни

хўл қилиб бўлгач, боғчага қатнади, мактабни, институтни, дорилфунунни битирди. Олим, муҳандис, курувчи, ишчи бўлиб етишди. Лекин булар унинг ўзлигини, асосини ташкил этмайди, булар юзаки нарсалар эди. Кўйлак ва рангли ич кийим, етуклик шаҳодатномаси, аъзолик чиптаси остида, қоғозлар, хужжатлар қаърида, ота-оналар, муаллимлар йўл-йўриқларию ўғитлари, ахлоқ нормалари панасида қабоҳат кутиб ётибди. Иш кўрсатишга тайёрланаяпти. Шундай қилиб, кунларнинг бирида мўри тўсини очилиб, қоп-қора курумдан супурги минган қувноқ ялмоғиз кампир ёки инсон киефасидаги иблис чиқиб келади ва тоғларни талқон қила бошлайди. Энди бу иблисни ушлаш осон эмас, у яхши кишилар билан бирга курашишга тайёр бўлиб қолган. Энди унинг қўл-оёғини боғлаш, арок, пичок ва эркинликни тортиб олиш даркор. У бўлса супургини миниб олганича, осмону фалакда чарх уради. Кўнглига сиққан номаъқулчиликни қилади. Сен милицияда хизмат қилсанг-да, турли конун-қоидалар билан ўраб-чирмаб ташлангансан, ҳамма тугмалар ўтказилган, ҳаракат доиранг чеклаб қўйилган. Қўлингни чакканга қўйиб: «Марҳамат қилиб, хужжатларингизни кўрсатсангиз», дейсан. У бўлса, башарангга қараб, қусиб юборади. Ёки қўйнидан пичок чиқаради. Унинг учун ҳеч қанақа меъёр, ҳеч қанақа ахлоқ йўқ. Ўзига ўзи эрк берган. Ўзи учун ахлоқ меъёрини белгиллаган ва ўзи хақида йиғлоқи мақтанчоқ охангда ашула ҳам тўкиб қўйган: «Яна ҳар жумада бўлар учрашув, Таганка турмаси – кадрдон уйим...»

Японияда тартибсизлик қилаётган маст кишини полициячилар олдин ерга йикитиб, қўлига кишан солиб, сўнгра у билан пачакилашишни бошлашларини Сошнин аллақерда ўқиганди. Лекин Вейск

шаҳри ер куррасининг бутунлай бошқа чеккасида, Японияда қуёш чиқади, Вейскда эса ботади. У ерда бугун 18 даража иссик, эгатларда қишки сабзавот ўсяпти. Бу ерда икки даража совук, шунақанги ёмғир қуйяптики, худди бир асрдан бери ёғаётгандек.

* * *

Сошнин бошини жўмрак остида ҳўллади. Қалласини силкитиб, ҳаммаёққа сув сачратди – бунитак қўлайдиган кишининг ўзи йўқ, тўла ва узилкесил озодлик! У жўмракни бекитди. Товуқни қозонга солиб, ўт ёқди. Ўринга чўзилди-ю, шифтга тикилди. Қўнгли ҳеч ёриша қолмасди. Елкаси, оёғи зирқираб оғирди. «Ахир, майиб қилишлари, ўлдириб, зина тагига тикиб кетишлари ҳам ҳеч гап эмасди... Бундайларнинг қўлидан ҳар иш келади...»

* * *

Сошнин Федя Лебеда билан шаҳарда навбатчилик қиларди. Худонинг марҳамати билан, шу куни машина ўғриси ҳам топилиб қолди.

Узоқ Шимолдан чўнтагини қаппайтириб қайтган «азамат» қувонганидан роса ароқ ичиб, маст бўлган. Сўнгра қўнгли қаҳрамонлик кўрсатишни тусаб қолган: юк машинасини олиб қочган. Темир йўл бекати ёнида теракларни кесиб, гулзорга думалок тус беришган, ўртасига бешта ливан арчаси суқиб, гуллар ўтқозишганди. Вейск нозиктаъблари яратган «нафосат» касрига қолиб, қанча киши жабр кўрди. Руддаги қочоқ айланмада машинани бошқаролмай, бекатни илиб кетиб, икки кишини майиб қилди, бирини будкага қисиб ўлдирди. Эси оғиб, ваҳимага

тушди, кўзи ҳеч нарсани кўрмай қолди ва машинани марказий кўчадан тез ҳайдаб кетди. Чорраҳада ёш она-боланинг умрига зомин бўлди.

Қотилни бутун милиция, жамоат транспорти таъқиб қиларди. Уни шаҳар чеккасидаги ён кўчаларга, ёғоч иморатлар томон сиқиб чиқаришга ҳаракат қилишар, юк машинаси бирор деворга бориб урилишига умид боғлашарди. Қочокни Сошнин ва Федя Лебеда изма-из таъқиб қилиб боришарди. Уни бир ҳовлига қамаб олган ҳам эдилар. Қотил кум тўшалган майдончада гир айланиб, болалар ўйингоҳининг тит-питини чиқариб ташлади. Яхшиямки, ҳовлида болалар кўринмасди. Лекин ҳовлидан чиқаверишда қўлтиқлашиб, сайр қилиб юрган икки кампирни уриб кетди. Шалвираб қолган кампирлар капалакка ўхшаб, кўкка парвоз қилиб, енгилгина қанотлари билан йўлкага ерпарчин бўлишди.

Патруль бошлиғи ҳисобланган Сошнин жиноятчини отиб ташлашга қарор қилди. Отиб ташлайман, дейиш осон. Лекин уни амалга ошириш жуда қийин. Ахир, тирик одамга қарата ўқ узишга тўғри келади. Аксарият ҳолларда биз, «мен уни ўлдириб ташлардим», деймиз бепарво оҳангда. Лекин ҳақиқатда одам ўлдириш осон эмас.

Шаҳарда жиноятчига ўқ узишга ботинишолмади: атроф тўла одам. Мегафонга: «Фуқаролар. Эҳтиёт бўлинглар! Рулда жиноятчи! Фуқаролар...», дея кичқира-кичқира юк машинасини шаҳар ташқарисига сиқиб чиқаришди. Тепаликдан ўтишди, шаҳарнинг энг сўнгги ёнилғи қуйиш шохобчаси ҳам ортда қолди. Шаҳар чеккасидаги қабристонга яқинлашишарди. Улар қабристон томонга қараб, даҳшатга тушишди. Тўртга бўлинган одамлар тўдалари тўрт марҳумни тупроққа топшириш ташвишида эдилар. Тўдаларнинг бирида тумонат одам,

аллақандай, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган машҳур зот билан хайрлашишмоқда. Қабристондан 5 километр узоқликда катта қурилиш майдончаси. Қотил бу ерда нима каромат кўрсатишини ўйлашнинг ўзи даҳшат! Муттаҳам ўзини йўқотиб, машинани 100 километрдан ортиқ тезликда ҳайдамоқда эди.

– От! Отсанг-чи, ахир!

Федя Лебеда мотоцикл кажавасида ўтирар, қўллари бўш эди. Бунинг устига, у бўлинмада энг яхши мерган саналарди. Федя Лебеда итоаткорлик билан тўппончасини чиқарди, милга ўқ юбориб, кимга қарата отиш буюрилганини англамагандай, кетма-кет уч ўқни машина филдирагига парчинлади. Сошнин тишини қисганча, тезликни охиригача оширди. Улар машинага яқинлашиб, қувиб ўта бошладилар. Федя Лебеда тўппончани кўтарди, лекин шу заҳотиёқ қўлини иложсизларча туширди.

– Т-ў-х-т-а, тўхта! – бақирарди у, – тўхтасанг-чи, мараз! Янги қурилишда йўлингни тўсишади. У ерда пост бор!..

Ишни қурбонсиз яқунлаш учун шериги охириги марта тавалло қилаётганини Сошнин унинг унсиз пичирлаётган лабларидан англаб олди.

– Қабристонга етиб борса, нима бўлади?! – Федя Лебеда ҳам Сошниннинг жавобини унинг лаблари қимирлашидан англади.

Ранги қозоғга ўхшаб оқариб кетган Федя Лебеда ўзи ўрганиб қолган тўппончани худди офир тошдай кўтарди. Унинг лаблари титрар, оғзидан тупук сачрар эди.

– Ҳаракат қилиш, ҳаракат қилиб кўриш керак...

– Вақт йўқ! – Сошнин жон-жаҳди билан машинани қувиб ўта бошлади. Қотил чап томондан ўтишга йўл қўймади. Каттик силтаниш билан мо-

тоциклни ён томонга ташлашди. Ағдарилиб кетишларига оз қолди. Ўнг томондан қувиб кетишди. Кабина билан тенглашишди. Қуруқ гапдан фойда йўқлигини билишса-да, иккаласи ҳам мегафонни унутиб, бараварига бақаришди:

– Тўхтат, тўхтат! Ўт очамиз!..

Гумбурлаб келаётган машина уларга ташланди. Мотоциклни темир пиллапояси билан уриб кетди. Сошнин абжир хайдовчи эди, лекин унга нимадир бўлганди. У чап оёғи билан мотоцикл педалини илиб олмоқчи бўлар, лекин бунинг уддасидан чиқолмасди. Қулоқлари шанғиллаб, еру осмон қизил тусга кира бошлади, олдинда кўмиш маросимга келганлар тумтарақай бўлишди.

– От! Отсанг-чи, ахир!

Федя Лебеда икки ўқ билан жиноятчини нариги дунёга жўнатди. Филдираклари дабдала бўлиб кетган машина гумбурлаганча яна бироз масофани босиб ўтди-да, тумшуғи билан нишабликка тиралиб қолди.

Сошнин мотоциклдан қулаётиб, нариги дунёга равона бўлган қотилнинг тўнг-қайсар энсасидан думалаб тушган зўлдирчани, кўплаб зўлдирчаларни кўришга улгурди. Бу зўлдирчалар оқими тезлашиб, қотилнинг бўйни, елкалари, онасинингми, севган қизинингми, мактублари билан тўлдирилган чўнтақлардан иборат камзулчаси қизил тус олди. Камзулчада одамларни ёнғиндан қутқазганлик учун берилган ёрқин рангли нишон ҳам кўриниб турарди. Энгил-бош ва чўнтақлар, ўриндиқ, елкага эгилган қайсар бош оғирлашар, алвон рангга бўялиб борарди.

Ётган ерида Сошниннинг томирлари тортишиб, томоғига аллақандай шилимшиқ нарса тикилди. Кўп ўтмай, у акашак, эзғиланган бир аҳволда,

отиб ташланган қотил билан ёнма-ён ётар, ҳар икковларининг замбиллар остига оқиб, қўшилиб кетган қонлари шилпиллашига кулок тутарди.

* * *

Темир йўлчилар касалхонасининг тажрибали жарроҳи, ўзи ҳам темир йўлчилар кўрғонида туғилиб ўсган, мактабда «беш» олишга иқтидори бўлган холда, нукул «уч» баҳога ўкиган Гришуха Перетягин қачонлардир шифокор бўлишга улгурган экан. Унинг сочлари оқарган, ҳаракатлари эринчок, хотиржам. Сошнининг назарида, сал отиб ҳам олган эди, чамаси.

– Оёқ фақатгина тери ва томирга осилиб турибди. Кесиб ташлайми ёки сақлаб қолайми? Хўш, нима дейдилар, жаноби бошлиқ?!

– Ҳаракат қилиб кўр, доктор, – сўз қотди Сошнин ва хушомад билан қўшиб қўйди: – Қарз қиёматга қолмайди, Гришуха, – жарроҳнинг ҳайрон бўлиб қолганини кўриб, яна изоҳ берди. – Мен ҳам ахир ўзимизнинг темир йўлчиларданман, Лина холанинг жияни бўламан.

– Эҳ-ха, – жонланди доктор, – Лёшкамисан, бўлмаса? Нега кўзимга бунчалик иссиқ кўринасан, десам... Ҳамонки, темир йўлчилардан экансан, боз устига, томирингда ўзимизнинг, вяткаликларнинг қони оқаётган бўлса, биргина томирча ҳам оёқни сақлаб қолиш учун кифоя қилади... Қарасам, юзинг жуда танишдек туюлди, – дерди Гришуха, ҳамшира ва энагага аллақандай имо-ишоралар қиларкан.

– Шундай қилиб, қарз қиёматга қолмайди, дейсанми? Оббо, сен-ей, қўлингга тушиб қолсак, уйга ҳам жавоб бермассан, хо, хо, хо...

Гришуха жарроҳ негадир Сошнингга наркоз бермади. Унга стаканни тўлдириб, тоза спирт қуйиб

беришди. Доктор мижози ўлгудай маст бўлишини кутиб турди. У билан бироз валақлашди-да, ишга киришди. Операция пайтида Сошнингга яна бир мензурка спирт беришди. У спиртни муздай булок сувидек симирди. Ўрганмаганидан, томофининг шиллиқ пардасини куйдириб ҳам олди ва анча вақтгача овози хириллаб юрди.

Гришуха Перетягин беморни кўздан кечириш пайтларида ўз-ўзидан, маҳоратидан мамнун ҳолда кадрдони билан ҳазиллашарди.

– Мен сени уруш пайтидагидек ямаб қўйдим. Шундоқ иссиғида шарт-шурт! Мана, кўриб турибсанки, тутшиб кетди! Тутшиб кетди, тушунапсанми?! Ахир, биз, вяткаликларга наркоз бериш, қон куйишнинг нима кераги бор? Наркоз зарарли. Қон захираси кам. Биз, вяткаликлар, эса кўпчиликмиз. Дарвоқе, менга қара, сен ҳақиқатан ҳам, сира тоза спирт ичмаганмидинг? Қўйсанг-чи! Менинг ихтиёримда бўлганида, сендақа нимжонларни милициядан қувиб солардим.

* * *

Сошнин узок даволанди. Ёлғизликда жуда кўп китоб ўқиди, немис тилини янада чуқурроқ ўрганишга киришди. Қоғоз қора кила бошлади. Аввалига у узундан-узок тушунтириш хатлари ёзди. Кейин билдиргига ўхшаган қисқагина қоғоз тайёрлаб олди-ю, хужумларни ўша билан даф этиб юрди. Айниқса, терговчи Пестеревга гап тушунтириш жуда оғир бўлди.

– Сиз, милиция ходими, ўзини тутиб олган, етук киши, ёшгина гўдакка ўқ узишга қандай қўлингиз борди? – деди Пестерев қисик кўзлари тиғи билан Сошнинни тешгудай бўлиб, у аллақайси вали-

неъматига очикчасига таклидан тишларини қисиб гапирарди. Патруль раҳбари Сошнин бўлганидан, Федя Лебеда изоҳномалар ёзишдан амаллаб халос бўлганди. Энди Сошнин ҳисоб бериши, азобланиши керак. Леонид аввалига ўзини тутиб турди. Пестеревга ниманидир тушунтирмоқчи бўлди. Лекин охир-оқибат қизишиб кетди.

– Ёшгина гўдак эмиш! Топдингиз норасидангизни! Ахир, ўша ёшгина, болали аёл учун!.. – Леонид кўзларини юмиб, ўгирилди. – Қиймаланган... лахта қон... лой ҳам қизил қонга бўялган... Мен унақаларнинг ҳар бирига, лекин сенга эса, зўр қониқиш билан сен учун бутун ўқдонни бўшатишдан тоймайман!

– Жинни! – ўзини тутиб туролмади терговчи. – Қаерда турганингни унутдингми? Сен ўзи, милицияга қандай келиб қолгансан?

– Ҳа, мен жинни бўлганим учун ҳам сен тараллабедод яшаб юрибсан! – Сошнинда ҳамон болалик хислатлари сақланиб қолган эди, у Антон Пестеревнинг елкасига қоқди, – бу сенга туққан онанг эмас! Бу мурдадан, ҳамшаҳаргинам, элик сўм билан қутулиб бўпсан! – у шундай деди-ю, ҳақиқат учун курашувчини ҳайрон қолдириб, чиқиб кетди. Пестерев шунчалар довдирадики, у Сошнингга телефон қилиб, нимага шама қилганини сўраб юрди.

Аслида, Тугожилино кишлоғидан бўлган Пестерев, ўзининг кадрдон кишлоғидан уч чақирим нарида – Полевки кишлоғида Сошниннинг қайнонаси Евстолия Сергеевна Чашина яшашини унутган эди. Бу аёл ҳамма ҳақида кўп нарсани биларди. Бутун борлиқ, бутун вилоят миқёсида бўлмаса-да, Хайловскда у билмаган, кўрмаган киши ҳам, гап ҳам йўқ эди. Сошнин қайнонасидан бундан тўрт йил

олдин Тугожилино қишлоғида Антон Пестеревнинг онаси вафот этганини эшитган эди. Хамма фарзандлар дафн маросимида ҳозир бўлишди. Хатто, келинлар, куёвлар. Узоқ-яқин қариндошлар ҳам етиб келишди. Фақат кенжатой, энг севимли фарзанд Антондан дарак йўқ эди. У почта орқали дафн маросими учун эллик сўм жўнатиб, узундан-узоқ телеграммада ҳамдардлик изҳор этиб, бандлиги туфайли бормаслигини айтганди. Ҳақиқатда эса, у эндигина Белокуриха сиҳатгоҳидан қайтган, олган муолажалари чиппакка чиқишини истамас, ғам-алам асабини бузишидан чўчир, боз устига, қишлоқи «авом» хешу ақраболар билан учрашгиси йўқ эди. Ҳақиқатан ҳам, «авом» бўлмиш қишлоқи қариндошлари унинг эллик сўмини қайтариб жўнатишди. Ва шу сўзларни тўғригўйлик билан қўшиб қўйишди: «Шу пулларинг билан қўшмозор бўл, ифлос, шарманда!»

• • •

Касалхонадан қўлтиктаёқ билан чиқиб, бўш уйига келган Сошнин ўрнига чўзилди ва шу пайтгача ичишни ўрганмаганига афсусланди. Ҳозир айни пайти эди-да.

Уни кўргани Граня хола келиб турар, уйни тозалар, овқат пиширар, камҳаракатлиги учун Леонидни койирди.

У ўз-ўзини енгди, яна кеча-кундуз китоб ўқий бошлади. Ижод қилгиси келиб қолди. Ахир, тушунтириш хатлари ёзавериб, қўли анча ром бўлиб қолган эди-да! Ҳали ўзи унчалик идрок этмаган, лекин кизиқарли иш бўлган ижод уни анча овутди.

У бундан аввал ҳам, хали мактабдалигидаёқ ёзиш-чизиш билан шуғулланганди. Бу ёш адабиёт-

чининг оддий ва текис йўли эди. Мактаб деворий газетаси, махсус мактабдаги кичкинагина газета, мақолачалар. Вилоят милиция газеталарида, сўнгра бошқа «юпка» журналларда эълон қилинган ижод намуналари... «Семиз» журналларга кучи етмаслигини ўзи яхши биларди.

«Ёки Пашаникига кетсаммикан? Жуда зўр бўларди-да!» – эринибгина хаёл сурарди Сошнин, ҳеч қаерга кетмаслигини яхши билса-да. Қимирлашга, пастдан хат-хабарларни олиб келишга ҳам мадори йўқ. Лекин, энг асосийси, истак, дейишади-ку...

Паша шунака одамки, бутун дунёни саранжомлаб, эпақага келтиришга, қорнини тўйғазишга қодир. У ҳақда Пушкин шундай шеър тўқиганди: «Малика бўлсам эди, оламга ўзим якка, берардим тўй-маърака...»

Дастлабки «жанг»дан сўнг, оила кemasи бир ёққа оға бошлагач, Сошнин вақтни бекор ўтказмаслик, саланглаб юрмаслик учун маҳаллий Пединститутнинг филология факультети сиртқи бўлимига ўқишга кирганди. Факультет немис адабиётини чуқур ўрганишга мўлжалланганди. Сошнин ўзининг ўнлаб ҳамшаҳарлари билан бирга Лермонтов таржималарини буюк асл нусхалари билан солиштиришар, тез-тез излаганлари – таржимадаги нуксонларни топишарди. Вейсклик мутафаккирларнинг фикрича, Михаил Юрьевич немис маданиятига жиддий путур етказган. Пединститутда Сошнин биринчи маротаба «мақсадли қабул қилинган» деган сўзни эшитди. Бу сўзнинг маъносини педагогика фанлари академиясидаги «даҳолар»ни истисно қилганда, мамлакатнинг бошқа фуқаролари охиригача англаб етишмайди ҳам. Аслини олганда,

«мақсадли қабул қилинган» бу олий ўқув юртига имтиёзли равишда кирган ва ўқишни битиргач, кадрдон қишлоғига ишга қайтиши лозим бўлган талабадир. Қанча талаба, қандай қилиб, кадрдон қишлоғига қайтишини статистикадан яхши биларди, лекин уялганидан ҳеч кимга айтмайди. Пединститутга туташ майдончада Сошнин городки ўйнарди. Стадион ўрнида қачонлардир атрофини баланд дарахтлар қоплаган, анвойи гуллари, балиқлари мўл бузрук ховузи бўлган. Тарихда ўз ўрнини йўқотган черков амалдорларига қарши кураш асносида дарахтларни йиқитишди. Балиқлар билан бирга ховузни ҳам кўмиб ташлашди. Лекин бу ўтмиш жуда яшовчан чиқиб қолди. У вақти-вақти билан ер қаъридан терак ёки гужум танаси билан ўзлигини ўғринча намоён қилиб, кўзлари ўткир воқеликка баҳор даракчиларини юбориб туради. Хар томонлама ривожланган бўлғуси ўқитувчилар бадан кўркамлиги, мускуллар таранглиги, фикр чанқоклигини ривожлантириш мақсадида уларни оралаб машқ қилиб юришади. Сошнин оқсоқланиб қолганидан енгил мусобақаларга жалб этилди ва у зўр иштиёқ билан рандаланган калтакчаларни отиб, ҳали «деразада турган кампирни», ҳали «илон» ёки «уйча»ни уриб йиқитарди. Кунларнинг бирида унинг нигоҳи комати эркакларникидай, унчалик дилтортар бўлмаса-да, қип-қизил, соғлом юзли қизга тушди. Унинг калта қирқилган, сомонга ўхшаш сочлари юзига тушиб турарди. Қиз эски суюк тароғи билан сочларини тараб, орқага турмаклади, бурун катакларини керганича нафас олиб, нимчаси тугмаларини узиб юборди. Йўл-йўлакай калта иштончасини кийиб, ҳуштак чал-

ганича, чукур нафас олди-ю, югуриш йўлкасига чиқиб, мусобақа бошланишини кута бошлади.

– Й-и-ех, шалдиروق зиёличалар, – дея ўқирди қиз, талабаликнинг ёвфон шўрваси, тамаки ва тунги учрашувлар таъсирида юзлари кулранг-заҳил ёш спортчилар нафаслари бўғизларига тикилганча у билан тенглашганларида. Қизнинг кўкси жунбишга келди. 42-андозали шиппак кийган оёқлари ҳаракати тезлашиб, қадами бир таноб ерни камрай бошлади. Унинг чехрасида илҳом, жангарилик намоён эди. Бузрук ҳовузи кўмилган ердан югуриб бораётган мишиқилар пашшадай тарқаб, ортда қолиб кетишди.

Финиш нималигини билмаган қиз унинг ёнидан ўқдай учиб ўтди. Агар қаршисида ўйингоҳ девори бўлмаганда, яна қаёқларга кетиб қоларди, худо билади. Паша ана шундай қиз эди! Худонинг марҳамати билан унинг жисмига монанд фамилия насиб этганди – Силакова. Жуда кўп машқ қилган, спорт устаси ортда қолиб, шарманда бўлганлигини оқлаш учун кўзойнагини арта-арта шундай деди: «Бу табиий офатга ўхшаган аёлдан мен ўзиб кетган бўлардим, бахтга қарши кўзойнагим синиб қолди-да..». Паша Силакова машҳур спортчининг елкасига менсимайгина қоқиб, таклиф қилди: «Ундай бўлса, яна бир куч синашиб кўрмаймизми?»

Ўшандан бошлаб институтда машҳур кўшиқ юзага келди: «Мен бўтқа пиширардим, гуллар совға қилардим, сени ўлгунча севардим. Нақарот. Афсус, кўзойнагим терлаб қолди-да», «Мен фаннинг барча чўкқиларини эгаллардим. Афсус, кўзойнагим терлаб қолди-да...»

Паша Силакованинг институтдаги ишлари ўйингоҳдагидек вадаванг эмасди. У Починкадаги мактаб-

да ҳам илм билан ҳеч кимни қойил қилолмаганди. Паша колхоз фермасида ишлаб, меҳнат зарбдори, ҳурматли киши, кўп болали она бўлиши лозим эди. Лекин бутун умри, чиройи, ёшлиги, куч-ғайратини колхоз фермасига бахшида этган онаси институтга қабул бўлаётганлигини эшитиб, шундай деди: «Бор, қизим, олимликка ўқи, кўп мояна оладиган бўласан. Одам қаторига қўшилсан. Менга ўхшаб бир умр гўнг титкиламайсан».

Паша Силакова олима бўлишни жуда-жуда истар, тунлари ухлмас, фанларнинг кўплигидан, шаҳар маданиятидан боши айланарди. Лекин у ўзининг қишлоқча қувлиги, деҳқонча акли билан мақсадга қандай етишиш мумкинлигини биларди. У қишлоқдан картошка, сут, гўшт олиб келар, хоналарни тозалар, филфакда ўқийдиган оқсуякларнинг кирини ювар, кийимларига дазмол босарди. Тамаки чекадиган, коньяк ва коктейлнинг шаҳватпарастликнинг фаҳмига етадиган оқсуяк қизлар Пашани мазах қилишарди. Институтда рус мумтоз адабиётидан дарс берадиган Пестерева хоним Пашани уй хизматчисига айлантирганди.

Эр-хотин Пестеревлар уй ишлари билан шуғулланишмас, тараллабедод умр кечиришарди. Улар теннис ўйнашар, қиш сувида чўмилишар, жамоа бўлиб, овга чиқишарди. Икковлари ҳам шахсий «Волга» рулини бир қўлда айлантириб, бир қўл тирсагини чиқариб, чапдастлик билан бошқаришарди. «Волга» ўриндиқларининг ғилофи аллақандай пахмоқ жониворнинг терисидан – Пестеревларнинг ўзлари «лама жунидан» деб изоҳ беришарди. Орқа ўриндиқларда бадавлат кавказликларга таклидан, ола-була думалок тўп ётар, олдинги ойнада эса ўзига тинч, маданиятли киши-

ларникида бўлгани каби, оғзи бир таноб, қизил иштончали маймунча осиб кўйилганди... Ойнада «эспанио-уэрто командарос» деган ёзув бор.

Ҳали талабалик йилларидаёқ Вейск зиғир комбинатининг директори қизига уйланиб олган Антон Пестеревнинг оиласи уч кишидан иборат бўлса-да, тўрт хонали уйи бор эди. Пестерев маҳаллий «хосхонадон» хўжайини ҳисобланар, кечқурунлари Вейск шахрининг олийнасаб казо-казолари унга кўнгил очишарди. Эр-хотин Пестеревлар хоналарнинг бирини ўзига хос бўлмага айлантиришганди. Бу ер қиморхона, арзон-гаров музейни эслатарди. Унинг деворларига хаёлий суратлар, сув парилари тасвири туширилган қимматбаҳо мис баркашлар, иккита чарх, бир жуфт бошмоқ, Сальвадор Дали расмларидан кўчирилган нусхалар осилганди. Оқшомлари янонча радиодан «нариги томондан» олиб келинган мусикали ёзувлар таралар, расм бўлган шоирлардан Висоцкий, Окуджава, Новелла Матвеева кўшиқларини эшитиш мумкин эди. Токчаларда Евтушенко, Вознесенский, Ахмадулина, Аполлинер, Дос-Пасос, Хименес, Ли Бо, Пикуль, Сименон, Апдайк китоблари. Улар орасида «Инжил»нинг инқилобдан олдинги нашри, тилла илгакли ибодатнома, «Игорь полки ҳақида кўшиқ»нинг совға учун чиқарилган нашри, Даль луғатининг жимжимадор тўрт жилдлиги бор эди.

Пестерева хоним Паша Силакова ҳақидаги латифалар билан ўз меҳмонларининг кўнглини очар, у бунақа масхарабозликларни талабалар орасида ҳам қиларди.

– Х-ў-ў-ш, навжувон дўстим, – дерди у кизни кўпчилик олдида тикка турғазиб кўйиб, унга худди эркак кишига гапиргандай мурожаат этар экан,

Николай Васильевич Гоголнинг тузатиб бўлмас хатолари ҳақида нима дея оласиз?

Паша Силакованинг дугоналари айтиб туриши туфайли тайёрланган жавоби тайёр эди:

– Черков раҳнаmolари, уларнинг қоқоқ ва манфур фалсафаси туфайли Гоголь қалбига жо қилинган таркидунёчилик қайфияти буюқ рус ёзувчисини маънавий ҳалокатга олиб келмаслиги мумкин эмасди. Ана шу маънавий ҳалокат оқибатида Гоголь «Ўлик жонлар» асарининг иккинчи жилдини ёқиб юборади. Иккинчи жилд биринчисига нисбатан анча заиф эди ва унда Оптима саҳросининг ер ости йўллари, қоронғи бурчаклари, жангари қорагуруҳларнинг бошқа исловотхоналарида биқиниб юрган черков руҳонийларининг ириган нафаси шундоқ сезилиб турарди.

– Хўш, хўш? Сиз, албатта, иккинчи жилдини ўқиб чиққансиз ва шу боис, уни ишонч билан инкор этмоқчи бўлаяпсиз?

– Йўқ, ўқиганим йўқ. Буларнинг ҳаммасини қишлоқдалигимдаёқ адабиёт ўқитувчимиз Эда Генриховна Шутенберг ҳикоя қилиб берган эди. Ундан кейин қизлар ёдлаб олишимга кўмаклашишди.

– Ўқитувчингиз сургун қилинганлардан эдими?

– Ҳа, у кейинчалик тўғри йўлга кирган, ҳақ ҳуқуқлари тикланганди. Унга, ҳатто орден ҳам беришганди.

– Эҳтимол, у хизмат кўрсатган ўқитувчи даражасига ҳам етишгандир?

– Ҳа, айтиш эсимдан чиқибди. У хизмат кўрсатган ўқитувчи ҳам бўлган эди.

– У, сиз – қишлоқ ўқувчиларини мустақил фикрлашга ўргатган!

– Ҳа, зўр бериб, собитқадамлик билан ўргатган. Бу ишга жуда кўп куч сарфлаган.

– Хўп яхши, нима ҳам дердик?

Пестерева хоним юзида ним табассум билан томошани давом эттирар, талабаларни гувоҳликка даъват этар, оққўнгил Паша Силаковага «Пушкин замонасини талқин қилишни» таклиф қилиб, бош қимирлатишлар, йўналтирувчи лукмалар билан уни керакли йўлга бошларди. Паша зўр илҳом билан буюк шоир ва ситамдийда ўралашиб қолган киборлар дунёси, ҳалокатли замонани фош этар, граф Бенкондорфни ердан олиб, гўрга урар, подшони, худди арақхўр бригадирни колхоз йиғилишида танкид қилишгандек, аччиқ истехзолар билан аёвсиз савалар ва шундай хулоса қиларди: «Буюк шоирнинг жанг майдонида ҳалок бўлишдан ўзга чораси қолмагани», «Саройдаги фитнаю ифволар рус шеърятти машъалини сўндирди...»

– Уларнинг бошлаб адабини бердингиз-да! – бош қимирлатарди Пестерева хоним, – хўп, нима-ям қилардик. Синов дафтарчангизни беринг. Ҳатто бизнинг институтда мумтоз адабиёт намояналари хулқ-атворини ҳамма вақт бунчалар чуқур таҳлил этаверишмайди.

Сошниннинг хотини Лерка (улар ҳозир расм бўлганидек, судсиз ажралиб кўяқолишган) Паша Силакова билан Починка мактабининг юқори синфларида бирга ўқишганди. Пашанинг дадаси ва бобоси туманнинг ярим ер майдонини шудгор қилишган, улар қазиган окоплар, эр-хотин Пестеревлар кезиб чикқан сихатгоҳу сайёҳлик йўлларида анча узунрок. Институтда ана шундай одамларнинг фарзанди бўлган ажойиб инсонни хўрлаётганлари, бунинг устига, олима аёл қизни уй хизматчисига айлантирганини эшитиб, Лерка кутуриб кетди.

– Бу нима деган гап? – ўзини тийишга ўрганмаган Лерка бақирарди, – безориларнинг қўлоёқларини боғлайсизлар! Арақхўрларни хушёрхона-

га судрайсизлар. Булар эса, хўш, қачонгача янги оқсуяклар биз, қишлоқликлар устидан кулишади?!

– Бақирмасанг-чи, худо хайрингни берсин! Ундан кўра, кел, кизни қандай қилиб қутқаришни ўйлаб кўрайлик!

Пашани ҳунар-техника мактабига ўтказиб, кенг камровли тракторчиликка ўқитмоқчи бўлиб, бир қарорга келишди. Паша бўлса бор овози билан йиғлай бошлади: «Олим бўлмоқчиман! Бу ерни эплай олмасам, лоақал мактабгача тарбия билим юртига кўчира қолишсин...»

Сошнин Пашанинг кўлидан ушлади-да, пединститут ректори Николай Михайлович Хохлаковнинг уйига бошлаб борди. Хохлаков жуда машҳур китобхон бўлиб, Лина хола қамоқдан қайтиб, иш топгунига қадар, унинг уйида супур-сидир қилиб юрган, ўша пайтлардан бошлаб, Сошнин олимнинг кутубхонасида «ўтлаб» юрарди.

Николай Михайловичнинг киёфаси кўпчилик профессорларникига ўхшаган: оғир карвон, сочлари оппоқ, гавдаси бироз букчайган. Кенг чийдухоба камзул кийиб юради. Тамаки чекмайди, мусаллас ичмайди. Бутун бошли тўрт хонали квартира шифтигача чанг босган китоблар билан тўлдириб ташланган. Буларнинг ҳаммаси Леонид кутганидек, Пашада кучли таассурот қолдирди. Николай Михайлович қизга жуда ҳалол ва очиккўнгиллиги учун ҳозирги замон олимаси бўлолмаслигини, боз устига, қишлоқ тракторчилари унча-мунча олимдан кўп маош олишини тушунтирган. Паша ҳаммасига кўл силтаб, рози бўлди:

– Ҳамма ҳам олиму доно бўлавермайди. Кимдир меҳнат ҳам қилиши керак-ку, ахир?! Хўш, ахлат соладиган челагингиз қаерда? У этагини липпа уриб, яқиндагина тул бўлиб қолган профессор

хонадонидаги мебель ва китоб жавонларини артишга тутинди. Қиз олимнинг уйини бошига кўтариб, хониш қиларди: «Мен! Сен! У! Улар! Биргаликда ҳаммамиз – бутун Ватан!..»

Билим юрти ётоқхонасида жой бўшагунча Паша профессорнинг уйида яшади. У Сошниннинг уйига ҳам онда-сонда келиб турар, хали остонадаёқ унга таъна тошларини ёғдирарди: «Вой-бў! Ҳаммаёкни булғаб, харом қилиб ташлабсан-ку, акахоним!»

Билим юртида Паша яхши ўқиди. Бутун вилоятга маълум ва машҳур спортчи бўлиб етишди. Диск ирғитишда барча маҳаллий рекордлардан ўзиб кетди. Ҳатто, худудий мусобақаларда, Москва спартакиадасида иштирок этди. Сошнин спартакиададан қайтган Пашани зўрға таниди. Сочлари тилла ранга бўялган, ковоқ-киприклари кўм-кўк, жинси шим, Боярскийга ўхшаб «А-ля мушкетер» этикларини кийиб олган Паша лабига сигара қистирган ҳолда қадрдон диёрида пайдо бўлди. У қайнаб-тошган, йўлда учраган тўсикни мажақлашга тайёр эди.

– Бизникиларни кўриб-билиб кўйинг! Эсга олинг! Биз кишлоқликлар шундай қиламизки, филфақдаги чурвақалар – қаланғи-қасанғиларнинг оғзи очилиб қолсин!

«Эҳ-хе, – ғамгин тортди Сошнин, – иш шундай кетаверса, қишлоқ яна бир яхши ишчидан ажралиб қолади, шаҳарда эса яна бир вайсақи сурбет кўпаяди». Яна ўша Николай Михайлович ва Лерканинг ёрдамида Сошнин Пашани Починковск туманидаги «Рассвет» давлат хўжалигининг марказий кўрғонига амаллаб жўнатишга муваффақ бўлди. Бу ерда Паша эркаклар билан бир сафда туриб, механизаторлик қила бошлади. Турмушга чиқди ва қаторасига кўчқордай уч ўғил туғди. У яна тўрт ўғлон туғиб беришни мақсад қилган. Ле-

кин у тукқан болалар она қорнидан Кесарев чоки ёрдамида суғуриб олинадиган нимжонлардан эмас.

– Менинг пахлавонларим ерда ишлашади. Денгизда сузишади. Космосга учишади. – Нозик мавжудот, она ва аёл бўлган Паша «уф» тортиб, қўшиб қўяди, – ҳеч бўлмаса, биттагинаси Николай Михайловичга ўхшаб олим бўлолсайди...

– Сен мени ҳеч қаяққа олиб кетолмайсан. Ва мен ҳам эҳтимол, кетмайман, – гўлдиради Сошнин ўринда ағанаб ётганича. У Хайловскка борадиган поезд ўтиб кетгани, у томонга энди эртагача автобусдан бўлак улов йўқлиги, бу об-ҳавода автобусда юришга жанговар яралари имкон бермаслигидан шод эди. Эртагами ёки индингами, бу бошқа гап, ўзини қўлга олади-да, Пашаникига меҳмонга боради. Эҳтимол, қайнона-қайнотасининг уйига етиб олса, ажабмас. Починкадан Полевкигача бўлган масофа – қўл узатса етгулик. Леркага телефон қилиш керак. Қўнғироқ қилмаганига ҳам анча бўлиб қолди. У дарров Леонидга бирор қор-ҳол бўлганини англаб олади ва бунга чидайди ҳам.

Демак, биз қайси масалада тўхтаб қолган эдик? Ҳаёт қарама-қаршилиқларигами? Нега одамлар бир-бирларини дўппослашади? Нақадар, оддий савол. Жавоби эса бундан ҳам оддийроқ: «Дўппослагиси келгандан кейин дўппослайверади-да...»

Хайловск туман ички ишлар бўлими бошлиғи, мутафаккир ва жангчи Алексей Демидович Ахлюстин бундай дер эди: «Ер юзидаги кишиларнинг ярмиси қонунбузар ёки қонунбузарликка тайёргарлик кўраётган кишилардир. Тенг ярмиси эса қонун бузилишига йўл қўймайдиган кишилардир. Ҳозирча мувозанат сақланыпти. Лекин бундан сўнг шундай вазият юзага келиши мумкинки, ўшанда ана шу мувозанат бузилади...»

– Леркага бўлса, барибир, кўнғироқ қилиш керак. У ўзи нима қилиб юрганини ким билсин?! – Сошнин кўлидаги соатни қачонлардан бери ювилмаган деразадан тушиб турган хира ёруғликка тутди. Тўрт ярим бўлибди. Лерка ишни соат олтида тугатади. Сўнгра, Светкани олиш учун боғчага боради ва магазинга киради, у ёқ-бу ёқ қилгунча соат саккиз ярим бўлади. Бундан олдин телефон қилишни хаёлига келтирмаса ҳам бўлади. Фақат ишхонасига телефон қилиш мумкин.

Лекин у ерда эса дорихона бекорчилиги, дори-дармонларнинг танани ҳам, ақлни ҳам қарахт қилувчи ҳидидан безор бўлган аёллар ўтиришади. «Эринг!» – дея шивир-шивирга тушиб қолишади. «Пул қарз олмоқчидир», «Сенинг нозу фиरोқларингни қўмсаб қопти», «Боласини соғинган бўлса керак...».

«Эҳ, аёллар, аёллар! Кошкийди, сизларсиз яшашнинг иложи бўлса. Ана, шеър ҳам қуйилиб келаяпти. Ўз-ўзидан! Худди Маяковскийга ўхшаб!»

Ўлмас Собакевичнинг қомастига ўхшаб кетадиган каттакон жавон эътиборни ўзига тортар, хаёлларини остин-устин қиларди. Ана шу жавон туфайли эр-хотин Сошнинлар охириги марта аразлашиб қолишганди. Тўғрироғи, жавон эмас, бир қаричча жой жанжалга сабаб бўлганди. Деразадан кўнроқ нур тушиши учун Лерка жавонни бир қарич берига суриб қўймоқчи бўлди. Сошнин хотини эски уй, айниқса, мана шу жавонни жинидан баттар ёмон кўришини, суриб қўйганда, эски матоҳ тилиб кетиши, сўнгра уни ёқиб юбориш имкони туғилажагини билганидан шундай қилаётганини англади ва Лерканинг фикрига қарши чикди. Қаршилиқ эса, айрим оқибатларга олиб келишини у хизмат пайтида яхши тушуниб етганди. Бир зум-

да жанжал чикди. Бакирик-чакирик, кўз ёшлари тўкилди ва hozирги сингари дилгир окшомларнинг бирида Лерка боласининг кўлидан ушлаб, фармацевтика институтининг ётоқхонасига олиб кетди. Леониднинг болаликдаги ўртоғи, hozир катта бошлиқ бўлган Володя Горячевнинг ёрдами билан «бечора ёш болали она» меҳмонхонага ўхшаган уйнинг тўққиз метрли хонасига жойлашиб олди. Бу хонада ҳаёт кечирриш учун ҳамма шарт-шароит: стол-стул, телевизор, хожатхона, жўмрак, ювинадиган жой, супурги, ўриндик бор эди.

Леонид бўлса, ўз хонаси «кенгликлариди» қолиб, «озодлик» нашидасини суриб юрибди. Жавон худди қоядек бўлиб, ўз ўрнида турибди. «Бундан кейин ҳам шундай тураверади», – деди Сошнин деярли тантанали оҳангда. Қачонлардир буюк Пётр Россия ҳақида шундай деган эди.

Лерка ҳақидаги ҳаёллар унга тинчлик бермай, тобора қамраб борарди. Юрагига ҳам оралади дегунча, кўз ўнгида Лерка хозир нозир бўлаверади. Одам ҳам шунақа шилқим бўладими? Аёл, хотин, жуфти ҳалол, хоч, бўйинтурук, гарданидаги оғир тош, заминнинг оддий дардисари.



БЕШИНЧИ БОБ

Махсус мактабни тугаллаганидан сўнг Сошнинни Хайловск шаҳрига ишга юборишди. Мўминқобил, асосан, қишлоқлик 15 минг аҳолиси бўлган бу туман маркази бошқаларидан фарқ қилмасди. Шаҳар саноатини ўрмончилик, зигир толасини қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этарди. Шаҳарча чеккасидаги ип йигирув техникуми ва ўрмончиларнинг худудий тармоқ дам

олиш уйи марказ осойишталигини онда-сонда бузиб турарди. Баъзан (бундай пайтлар жуда кам бўларди) Хайловск ҳозирги замон тараққиёти акс садосидан ларзага келар, бу ларзалар, асосан, темир йўл орқали етиб келарди. Темир йўл ёқасида инқилобдан олдин ёғочдан қурилган Хайловск бекати қакқайиб турар, унинг саккизта йўли ҳам йилнинг ҳамма фаслида ёғоч харилар, тахта ва ёғулалар ортилган вагонлар билан тўлиб ётарди.

Бирдан Хайловскка казо-казолар серкатнов бўлиб қолишди. Аввалига вазифаси унчалик катта бўлмаган, вазмиң, камгап кишилар келишди. Кейинчалик каттароқ амалдорлар, салобатли ва янада камсукум, янада вазминроқлари кела бошлашди. Ҳамма иш саккизинчи йўлга бир неча вагон келтириб қўйиш билан якунланди. Бу вагонларда лейтенант бошлиқ бўлган қурувчи аскарлар яшай бошлашди. Жанговар гуруҳ уч ойдан сал кўп вақт мобайнида Хайловск марказида икки қаватли данғиллама меҳмонхона қуриб бериб ва икки-уч беванинг кўз ёшларини шашқатор қилиб, номаълум ёққа жўнаб кетди.

Узоқ вақт меҳмонхонада дам олувчилар, хизмат сафарида юрганлар яшашди. Кунларнинг бирида Хайловскка таниқли ихтирочи ташриф буюрди. У асли шу ерларнинг фарзанди эди. Ихтирочи фронтчилар «бер-бер» деб атайдиган автомат зенит тўпи ижодкори бўлиб, бу тўпдан ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмасди.

Мана шу меҳмонхона туфайли Сошнин бутун Хайловск шаҳри ва унинг чор атрофига маълуму машҳур бўлди-кетди. Хайловск шаҳри сокинлари, асосан, ўз уйларида яшашар, уларнинг меҳмонлари, қариндош-уруғлари ҳам дам олишга келганда шу

уйларда туришарди. Меҳмонхона кўпинча Хайловск ёғоч маҳсулотларига кўз тиккан бадавлат вакиллар, ёз ойларида ўрмон саноати вазирлиги ёки «Қишлоқхўжаликмеханизация» тафтишчилари, серкўёш жануб неъматлари – помидор, гул, мевалар билан хувиллаб қолган бозорларни обод қилаётган Кавказ тоғлари фарзандлари, зифирни қайта ишлаш ва ёғоч чиқиндиларидан фойдаланиш бўйича илғорлар тажрибасини ўрганиш учун «хос»хона телефонларини узиб ташлаётган маҳаллий матбуот журналисти ихтиёрида эди. Шоир ва рассомлар эса тўда-тўда бўлиб келишар, меҳмонхона ҳақини зўр-базўр тўлаб, «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарига ташаккурномалар ёзиб, ғаройиб расмлар чизиб, секин кўздан ғойиб бўлишарди. «Мутафаккирлар» кетишгач, фаррош аёллар каравотлар тагидан ручка, ён дафтарчалар, шеър битилган қоғозлар, шаходатнома ва шахсий хужжатлар топиб олишарди.

Янги бир босқичга кадам қўйилди. Ҳаёт ўз ўқи атрофида яна бир марта айланди ва меҳмонхонада олифталар яна ғимирлаб қолишди. Қарта ўйини бошланиб кетди. Гитара садолари кулоққа чалинар, тунлари синган ойна товуши, ханжар овози эшитила бошлади.

Ҳар хил аристонча сўзлар кулоқни коматга келтирарди. Кабель, Демон, Угол, Бол, Индия, Баццильный, Духовой, Ёжик, Кучер, Шнифер – тиканли симлар ортида, турма тахта каравотларида ижод қилинган бу сўзлар ботқоқлар ва ўрмонлар ортида тинчгина умргузаронлик қилган камсукум хайловскликларни кўрқитарди.

Мана, кунларнинг бирида Хайловскка «Иблис» кадам ранжида қилди. У қўшни вилоятда ин-

кассаторни мис ранг билан уриб ўлдириб, қирк минг сўм пул ва тўппончани олиб, қочиб қолган. «Қуролланган ва жуда хавфли» – ўрмон ходимларининг маданият уйида шу номдаги кинофильм худди ўша пайтлар намоиш қилинаётганди.

Бу фильм Сошнингга таъсир этди, деб бўлмасди. Йўқ, аксинча, жисман ва ақлан фаолиятсизлик жонига текканидан у бир қарорга келди: «Иблис»ни ўзим қўлга оламан! Бунақанги ҳақиқий каллақесар Хайловскка яна келадими, йўқми, худо билади!»

Вилоят жиноят қидирув бошқармасидан қўнғироқ қилиб, тезкор гуруҳ етиб боргунга қадар ҳеч нима қилмаслик, лекин жиноятчини кўздан қочирмасликни буюришди. Аммо «Иблис», ўз номи билан «Иблис». Бирдан осмону фалакка парвоз қилиб қолса-чи?!

Сошнин жуда нозик ишни амалга оширмоқчи бўлди. Ўшанда Хайловск шаҳри спортчилар билан тўлиб кетган, дам олиш уйи, меҳмонхона, техникум ётоқхоналарида одам тирбанд. Шаҳар кўк чалворлар, чет эл сўзлари ёзилган папақлар билан лиқ тўла. Мусобақа ва эстафеталар, тўполон, одамларнинг кўплиги айни муддао эди. Сошнин икки дружиначини ёрдамга чақирди. Ўзи фуқароча кийиниб, тушки овқат пайтида йиғма каравот билан талончининг хонасига «жойлашиб» олди. Хонасига қайтиб келган бадкор нотаниш кишини кўриб, ранги оқариб кетди. Кўзни шамғалат қилиш учун техник мавзуда китоб ўқиб ётган ёш изкувар жиноятчига ўйлаб ўтириш учун бир дақиқа ҳам вақт бермай, каравотидан сакраб туриб, ўзини таништирди:

– Инженер Зверьев, – фамилиянинг мос келганини қаранг-а, – меҳмонхонада ҳамма ўринлар банд экан. Физкультура ва спорт. Доим тайёр!

Кечирасиз, жой йўқлигидан хузурингизга жойлаштиришди...

Леонид кафтида «Иблис»нинг кўлини хис этиши биланок, маҳкам қисиб, қайириб ташлади. Талончи ҳатто, «воҳ» дейишга ҳам улгуролмади.

Вилоят жиноят кидирув бошқармасининг сочлари оппоқ бошлиғи Сошниннинг хатти-ҳаракатлари нақадар аҳмоқона эканлигини тушунтириб берди. Кичик шаҳарчада милиционерни ҳатто итлар ҳам фақат афтиданмас, хидидан дарров таниб олишадди. «Мен самбочиман. Махсус мактабнинг бокс бўйича собиқ чемпиони!» – деди Сошнин. “Иблис” эркин кураш бўйича мамлакат чемпиони бўлса, сен буни билиб ўтирибсанми? Эҳтимол, у бутун спорт турлари, ҳатто, фигурали учиш бўйича ҳам чемпион бўлса, унда нима қилардинг? Сен ахир, унинг таржимаи ҳоли, кучи, аҳволи-руҳиясини ўрганганинг йўқ. Хақиқий каллакесар бўлганида борми, шўрингга шўрва тўкиларди. У сени киевлик қассобларга ўхшаб, нимталаб ташларди! Тобутда сал одамшаванда кўринишинг учун бўлақларингни йиғиб юришга тўғри келарди...»

Нима бўлганда ҳам, халқ унинг бу «қаҳрамонликлари»дан воқиф бўлди. Овозаларга қараганда, Сошнин эндигина фаолиятини бошлаган «гастролчи»ни эмас, балки икки тажрибали қотилни қўлга туширган. Улар тўппонча билан эмас, автоматлар билан куролланишган экан. Бичиб-тўқишларича, Сошнин уларнинг бирини оёқ тагида ўралашмасин деб, фақат ўзигагина маълум бўлган усулни қўллаб, иккинчи қават деразасидан пастга ирғитган. Иккинчисининг танобини тортиб қўйиш эса, унчалик қийин бўлмаганмиш.

Леонид вокзалда, Хайловск кўчаларида ортидан «Бу ўша!» – деганларини эшитиб қоларди.

Нафақат техникум, балки четдан келган қизлар ҳам унга зўр қизиқиш билан тикилишар, киёфасида қандайдир буюклик кашф этишар, шу босидан поездлар ва автобуслар жадвалини, тамаддихона қачон очилишини, эртага об-ҳаво қандай бўлишини ҳам фақат ундан сўраб билишга ҳаркат қилишарди. Гапираётганда овозларига сирли, нозик тус бериб, кўзларини бўялган киприклар остига беркитишарди.

Сошнин Вейска кўнғироқ қилар, хатлар ёзиб, бошқа жойга, иложи бўлса, Хайловскдан узоқроқ ерга ишга ўтказишларини илтимос қиларди. Унга «ўйлаб кўрамиз» дейишганди. Лекин бу орада ёш қахрамон куролланган талончидан ҳам баттарроқ бир балога гирифтор бўлди-қолди.

Лерка 22 ёшга кирган бўлса-да, ҳали бирор йигит билан дўстлашиб улгурмаганди. Унинг калондимоғлик уфуриб турган киёфаси, танаси техник жиҳатдан ҳаддан ташқари «жихозланганлиги» сабаб, талабгорлар киздан ҳайиқишарди.

Лерка бодомқовок, лўмбиллаган киз эди ва жуда тез, аниқ ва қисқа гапирарди. У дунёга шундай кўз билан қарардики, гўё ҳамма нарсани аллақачон англаб олган, ҳаммасини мактабда ўтиб бўлишган ва жаҳондаги бошқа ҳеч нима унинг эътиборига ноил бўла олмайди. Шунга қарамай, Лерка ўзига жуда бино қўйган, қўлларини ярим эгиб, бурама кўғирчоққа ўхшаб юрар, сочларига ақл бовар қилмайдиган шакл бериб турмаклар, ҳар ҳил қўйлақлар, шляпалар кияверарди. Сўнгги пайтларда эса, тор жинси шим кийиб, каттакон дуррачани томоғи тагидан боғлаб юрарди. Хайловск йигитлари Леркани «пари-пайкар» деб аташар, перронда унга ўхшаб саланглашар, лекин қизнинг яқинига йўлашмас, усиз ҳам «жонон»лари етарли эди.

Янги товламачилар Леркани енгилтабиат киз деб ўйлаб, унга амалий эътибор бердилар. Лерка Вейскда доришунослик бўйича ўқир, дам олиш кунлари Хайловскдан йигирма чақирим, жамоа хўжалигининг марказий кўрғони – Починкадан тўққиз чақирим нарида бўлган Полевки қишлоғига ота-онасини кўргани борарди. Қиз кадрдон қишлоғига бориш учун автобус кутаётганида «ўша олифталар» уни кўпчиликдан ажратиб олишди-да тегажонлик қила бошлашди. Мояна олиб, арокқа тўйган дарахт кесувчиларни тинчитиш билан тун бўйи овора бўлган Сошнин худди шу аснода ўрмон хўжалигидан қайтмоқда эди. У поезддан туша солиб, қизни безорилар қўлидан ажратиб олди ва милиция бўлимининг навбатчилар хонасига олиб кетди. Қизга узок вақт сув ичириб, зўрға ўзига келтиришди.

– Бекатда шунча одам турган эди! Ҳаммаси ўзимизнинг одамлар, шу ерлик, лекин ҳеч ким ёрдамга келмади-я! Аблахлар! Ярамаслар! Уларнинг ҳаммаси аблахлар!.. – жазавази тутиб кичқирарди Лерка.

– Жуда тўғри, уларнинг ҳаммаси ҳам пасткаш, аблахлар, буни ҳеч ким инкор этмайди, бахслашмайди ҳам. Бекатдагилар ҳам, олифталар ҳам – бу ўз-ўзидан маълум, расво одамлар. Лекин Починкага қатнайдиғи автобус аллақачон жўнаб кетди, навбатдагиси эса эртага, эрталаб бўлади. Нима қилиш керак?

– Уйқусиз тун ортда қолди, худога шукур, – Сошнин бўшашди, ёш вужуд истироҳат талаб қиларди. Шунанганг уйқуси келаяптики, ҳеч кўяверинг. Йўл милицияси бўлими ходими Брюзгин қизгинани навбатчилар хонасидан ҳайдаб чиқариши турган гап. Чунки, оғирлиги юз кило бўлган хотинининг раш-

ки жуда ёмон. У эрининг садоқатини соат сайин текшириб туради. Вокзалдаги ўриндикларда эса, олифталарнинг дўстлари ва ўшаларга ўхшаганлар ялпайиб ётиб, «ўрмон хўжалигига ишга борсакми-кан ёки мамлакат ичкарироғига жўнасакмикан» дея ўй суришади. Улардан ҳар нарса кутиш мумкин. Сошниннинг Леркага раҳми келди. Уни ўзининг бўйдоқларга хос жиҳозланган хонасига таклиф қилди. Бу хона ёш милиция ходимига саноат-ўрмон хўжалиги ётоқхонасидан ажратиб берилганди. Сошнин чакмонини ерга тўшади, камзулини бошининг тагига қўйди-да, ёмғирпўши билан ёпинди. Қизга эса, арфадек товуш чиқариб турган каравотни кўрсатди ва бошини ёстикқа теккизиши биланок қаттиқ уйкуга кетди.

У кўзларини уйкудан очганида хайратли нигоҳ билан шуни илғадики, ўша товуш чиқарувчи каравотда, зигир чикитлари билан тўлдирилган ёстикдан боши тушиб кетган бир нозанин ухлаб ётибди. У одамлар наздида ўзини кўз-кўз қилиб юрган кечаги қизга сира ўхшамасди. Қиз ярим юмук, қирмизранг лаблари билан текис нафас олар, дағал ва қўпол воқеликдан йироқ нарсаларни туш кўрарди, шекилли, шу боис нозик тукли юқори лабини енгил, орзуманд табассум чертиб ўтарди. Киприклари билинар-билинемас титрар, ёноқлари қирмизи тус олган, ҳеч қаери, ҳеч қайси аъзоси қимирламас, ҳаммаси сокин, чуқур ва қаттиқ уйку оғушида эди. Парда ортидан уйкудаги қизга кўзни қамаштирувчи нигоҳ ташлаётган қуёш соҳибжамолга эркалик, шўхлик қилар, қитиклаб қўярди. Куз пайти бўлишига қарамай, ёғоч чиқиндиларини аямай, уйни қишдагидай қиздиришарди. Терга ботган Лерка ўзининг олифтанамо шимини ечиб ташлаган, оппоқ тиззалари очилиб қолганди. Қуёш нури

меҳмоннинг чиройли тиззаларида мушук боласидай эркаланиб ўйнарди.

Сошнин унинг устини ёпмоқчи бўлди. Лекин шу аснода қиз уйғониб қолса бўладими? У кўрқув тўла нигоҳ билан атрофга боқди. «Қаердаман, ўзи?» – деди. Қаердалигини дарров эслаб, жилмайди. Лабларини артди, бир муддат ўзини йўқотгандай бўлди, шекилли.

– Жонажон милиция химояси остида жуда маза қилиб ухласа бўларкан, – деди у ва Леониднинг кечагина ҳаммомда яхшилаб ювилган сочларини тўзғитди. Сўнг шивирлаганча қўшиб қўйди, – худди ипакдай мулойим-а!

Бундай ҳолатда яхшилаб дам олган икки ёшдан нима кутиш мумкин! Тентакликдан бўлак ҳеч нима!

* * *

Шундан кейин Лерка шаҳар ва қишлоқ ўртасида тез-тез ушланиб қоладиган бўлди. Деярли хувиллаб қолган Полевки қишлоғида, ота-она кучоғида дам олиш кунларини ўтказишнинг Лерка учун қизиғи қолмади. У ҳордиқнинг ҳам баҳридан ўтди. Ана шу вазиятда иш нима билан тугаши жоиз бўлса, ўшандай тугади ва ёшлар ўз гуноҳларига иқрор бўлиш учун Полевки қишлоғига бош эгиб келдилар.

Милиция хизмати тақозоси билан, Сошнин турли тоифадаги кишилар билан танишишга кўникиб қолган, уларни зум ўтмай унутаверарди ҳам. Лекин Полевкида иш бошқача эди. Евстолия Сергеевна Чашина лабларини кизартирди, янги йўл-йўл костюмини, капрон пайпоғи ва туфлисини кийди. Сошнин буларнинг ҳаммаси қандайдир байрам ёки туғилган кун шарафига бўлса керак, деб ўйлади. Маълум

бўлишича, бу ташвишларнинг ҳаммаси ёшларинг келиши туфайли экан. Евстолия Сергеевна пайт пойлаб, меҳмонни боғчага бошлаб кетди ва ўзларининг иссиқхона, асалари, ҳаммом, қудуқларини бирмабир кўрсатди. Ўша ернинг ўзида тўғридан-тўғри шундай деди: «Мен ўйлайманки, биз, зиёлилар бир-биримизни тушуна оламиз...»

Сошнин боғчада зиёлинамо киши кўринармикан, деб у ёқ-бу ёққа аланглади. Ҳеч ким кўринмагач, билдики зиёлилар бу – Леонид Викентьевич Сошнин ва Евстолия Сергеевна Чашина. Леонид бу сўзлардан жуда уялиб кетди. Айниқса, ушбу сўзлар хувиллаб қолган қишлоқда айтилганидан уни баттар лолу гунг қилиб қўйди. У ўзича қасам ичди: энди ўлдиришса ҳам асал ароғидан ичмайди ва имконият туғилди, дегунча милиция мотоциклини миниб, Полевки қишлоғидан қочиб қолади.

Евстолия Сергеевна меҳмоннинг кўркиб қолганини ўзича баҳолади ва аёлларга хос меҳрибонликни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, қизи жуда топилмас матоҳ эканини, унга бутунлай бошқа йўл, бошқа тақдир тайёрлаб қўйилгани, лекин ҳамонки, бўлмаган иш бўлибди, энди бошқа илож йўқлигини таъкидлай бошлади. Боз устига, йигит олижаноблик қилаяпти, айтишларича, қахрамонлик ҳам кўрсатган эмиш. Демак, қизини унга ишониб топширса бўлади...

– Бу гапларни келиб-келиб, шу ерда айтиш керакми? – гўлдирарди «қахрамон йигит», – мен Маркел Тихонович хузурида гаплашишга тайёрман.

– Унинг бу ишга нима дахли бор?! – хайрон бўлди Евстолия Сергеевна, – едирамиз, кийдирамиз, ҳалиям, бизга раҳмат айтиши керак.

Бўлажак қайнонаси илгари сурган бу узил-кесил фикрни Леонид қулоғига қуйиши, тушуниб

етиши, четан девордан сакраб ўтиб, хайр-маъзурни насия қилиб, жўнаб қолиши керак эди. Лекин бу сенга Демонни йикитиш эмас. Унда ҳаммаси жуда осон, бадкорни кўтариб ерга урасан, вассалом. Қимирлаёлмай қолади. Бугун эса, у худди бўйнидан ип боғланган букачадай Евстолия Сергеевнага эргашиб, уйга кирди. Сўнгра эса, қаттиқ қиздирилган лойсувоқ печ олдида туриб, қўлида бош кийимини айлантирганча гўлдиради: «Демак, мен қизингизнинг қўлини сўрайман, – гап орасида ҳазил қилмоқчи бўлди, – оёғини ҳам сўрайман!» – ўзи эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган, афв сўрашга ҳуқуқи қолмаган кишига ўхшаб, юрагида аччиқ туйғулар билан ҳамон талмовсирарди. Тўғри-да, пешонанга тавқи лаънатни ёпиштириб қўйишса, қаёққа борасан?! Унинг ёнини оладиган киши йўқ. Етимча. Не кўйга солмоқчи бўлишса, солаверишади.

• • •

Чашинлар хонадонида Евстолия Сергеевна ҳукмронлик қиларди. Суратлар, газета қирқимлари ва ўзининг хикоя қилишича, у жуда жўшқин ёшлиқни бошдан кечирган. Қизил дуррача боғлаб олиб, ташвиқот поездидида қишлоқма-қишлоқ кезди. Тантанавор нутқлар сўзлади, ноз-карашмалар билан ҳамюртлари юрагига гулгула солди. Хатога йўл қўйгани учун Хайловск зигир фабрикасига, тўғрироғи, фабрикачасига касаба уюшмаси ходими сифатида ишга юборилди. Орадан кўп ўтмай, навбатдаги чақириққа биноан кадрдон қишлоғини қоқоқликдан қутқаришга келди. Қироатхона мудираси бўлиб ишлади. Уни жамоа хўжалигига раис этиб сайлаган пайтлари ҳам бўлди. Бу вақтга келиб,

у ишлашни тамоман унутган, кўнглида меҳнатга иштиёқнинг ўзи ҳам йўқ эди. Шу боисдан уни кўп гапириш, маслаҳат бериш, курашиш лозим бўлган, лекин жон койитишнинг ҳожати бўлмаган вазифаларда сақлашарди.

Сошниннинг қайнотаси – камсуқум, ажойиб инсон. Маркел Тихонович куёвини юрагига жуда яқин олди. Жигаргўшасини камал пайтида йўқотиб қўйиб, ёши бир ерга бориб қолганда топиб олган ота-оналарга ўхшаб, бутун қалб ҳароратини унга бахшида этди. Маркел Тихонович агар ўғли бўлганда унга бериши лозим бўлган ҳамма-ҳамма нарсани куёвига тақдим этишга тайёр эди. Булар – чексиз муҳаббат, юрак кўри, қишлоқнинг назарга илинмас меҳнатига асқотадиган барча касб-хунарлар эди... Аёллар орасида вояга етган, отасини зўрга эслайдиган Леонид ҳам бутун вужуди билан Маркел Тихоновичга интилди. Унинг юрагида жўш урган оталик туйғулари кадрига етди. Ва унинг истикболига жуда тоза, нурафшон бир қалб очилди. Тақдир йигитни жонфидо инсон меҳрига сазовор этган эди.

Сошнин қайнотасини «дада» деб чақирар эди. Бу сўзлардан Маркел Тихонович ёғдай эриб кетар, чунки, куёви қайнонасини исми-фамилияси билан аташини яхши биларди. Маркел Тихонович уйдаги аёлларни «улар», «у», «онаси», «уларни», деб аташдан нарига ўтмас, хотинини ҳам, қизини ҳам ўз номи билан чақиритишни истамасди. Жуда узундан-узоқ эди уларнинг номлари. Бунинг устига, у қизига ўзи истаган номни қўя олмаганди. Маркел Тихонович бувиси шарафига қизига Евдокия деган исм қўймоқчи эди. Лекин маданиятликидан қутуриб кетган хотини қизини Валерия деб атади. Энди Маркел Тихонович бу исмни оғзига

олишни истамайди. Унинг фикрича, бу исм билан сигир ёки эчкини аташ мумкин, холос.

Маркел Тихонович ҳовлида уч қути асалари боқарди. Асаларилар бесаранжомлиги, оғзидан боди кириб, шоди чиқиши, доимо тамаки хиди анкитиб тургани учун Евстолия Сергеевнани ёқтиришмасди. У чорбоғда пайдо бўлди дегунча, чол липа дарахтлари тагидаги қутиларни очар, асаларилар Евстолия Сергеевнани ҳожатхонага ёинки, даҳлизга қувиб киритишарди. Маркел Тихонович ҳаммомда бир ўзи ювинар, беда ўримига ҳам хотинини йўлатмасди. Пайхон қилади, хўл қилиб юборади, кейин сигир уни оғзига ҳам олмайди. Чол ўтинни ҳам бир ўзи арралайди. Хотинининг, «у ерим оғрийди, бу ерим оғрийди», деган оҳ-воҳларига қулоқ солмайди. Телевизордан Евстолия Сергеевна таъбири билан айтганда, «ҳаёсиз» кўрсатувларни томоша қилади ва тахмин қилиш мумкинки, ўзининг эркаклик вазифасини аллақачонлардан бери бажармай қўйган. Иззат-нафси оғриган жуфти ҳалоли уни пойлаб юради. Ўзининг айтишича, қари айғирни у бошқа аёллар билан «бузуқчилик» қилаётганида ушлаб олганмиш...

– Менинг ҳар бир бармоғим бир ҳунар, Леонид. Жаннатмакон дадам, ёшлигимдан менга ҳамма ишни ўргатган, чунки кишлоқда ҳунарсиз яшаб бўлмайди. Қўл силтаб, нутқ сўзловчи вайсақилар эса тикилиб ётибди. Урушда ҳам бировларнинг оёқ кийимларини ямардим. Бировнинг устарасини созлардим. Араванинг филдирагим, ўқими, бузилиб қолса, тузатиш қўлимдан келарди. Белкуракни териб, тезлаб берардим. Шўрва, бўтқа, картошка пишириш зиммамда эди. Отни ҳам ўзим қашлаб қўярдим. Ертўлада сўри яшаш, ДЗОТнинг устини ёпишни ҳам уддалардим. Урушда, Леонид, қурук

гапнинг кадр-қиймати бир пул. Чунки сен ҳаёт ва ўлим оралиғида турасан. Леонид, ишонасанми, йўқми, ихтиёринг, ротада мени Тихонович, деб аташарди. Бу қарилгим учунмас, йўқ. Ўшанда мен айна қирчиллама ёшда эдим. Мени азбаройи ҳурмат қилганларидан шундай дейишарди. Ротада медални ҳам биринчи бўлиб менга беришган. Ўшанда ҳали олдинги маррага медалларни копи билан олиб келишмасди... Умуман, менинг фикримча, Леонид, бизнинг давлатимизга вайсақи ва тўралар эмас, ҳалол, меҳнаткаш инсонлар керак. Менинг хотинимга ўхшаш вайсақилар гапириб-гапириб, қишлоқнинг қулоғини қоматга келтиришди. Уруш ва оғзи шалоқлар қишлоқларимиз, далаларимиз хувиллаб қолишига сабаб бўлишди.

* * *

Икки эркакнинг аёлларникидан мустаҳкамрок иттифоқини кўриб, Евстолия Сергеевна уларга ҳужум бошлади. Лекин куёв бир сўзли чиқиб қолди. У ўзини ва қайнотасини ҳимоя қила олди.

– Евстолия Сергеевна! Менга ва дадамга бўлган жамики эътирозларингизни дўкон, кўча-кўйда эмас, уйда айтинг. Бундан буён менинг олдимда дадамни ерга урманг, ҳақорат қилманг, ажалидан бурун ўлишига имкон яратманг. У киши бўлмаса, сизлар бир ҳафта ҳам кунингизни кўролмайсиз.

– Сизлар деганинг ким у? Ким у сизлар деганинг?! – чийилларди Лерка.

– Сен ва онанг.

– Унда сенинг нима керагинг бор, эрсан, ахир!

– Мен ҳам, сиз хотинлар ҳам, ҳаммамиз даданинг елкасига миниб олганмиз. Яқинда неварани ҳам унинг елкасига ўтқазсак керак.

Эркаклар ўрмонда ўтин арралаб, уни ташиб келтиришар, беда ўришар, баъзи-баъзида дарёга қармоқ ташлаб, балиқ овлашарди.

– Бу нима деган гап ўзи! Ҳамма иш билан банд, менинг айғирларим бўлса, қирғоқда ўтириб, дарёни қўриқлашади, – бутун дунёга аюҳаннос соларди Евстолия Сергеевна, болалар челақчасини олиб, қирғоққа тушар экан. Ўзининг айтишича, катта челақни кўтаролмасмиш.

Маркел Тихонович сув оқизиб келган бало-баттарлар орасидан ярим кулочча келадиган ёғоч таёқчани ажратиб олди-да, ҳеч сўз демай, тушириб юборди. Туширганда ҳам шунақанги бошлаб туширдик, худди қиёмат қойим, охирзамон бўлгандек, чор-атроф жимиб, қотиб қолди. Ўтлоқда юрган сигирлар ўтлашни бас қилишди, қўй-қўзилар тўпир-тўпир бир-бирларини босиб-итариб, тарқаб кетишди. Тушовлаб қўйилган, сағриси яғир колхоз оти чанқамаган бўлса ҳам, сувга лаб босди. Гўёки у ҳеч нарсани кўрмаяпти, эшитмаяпти. От жонивор, афтидан, тажрибали кўринарди.

Евстолия Сергеевна чор-атрофга кулоқ тутди, оғзини бир-икки марта каппа-каппа очди ва чийиллади:

– Ўлдирдинг-ку! Мени ўлдирдингми-а?!.. – у энди аюҳаннос солмоқчи ҳам эдики, Маркел Тихонович яна таёқ билан тушириб қолди.

– Мен тўрт маротаба яраланганман. Гвардиячи пиёда қисмда фашистларнинг додини берганман. Ғаладонда ўнта орден-медалим турибди! Сен бўлсанг, куёвимнинг олдида мени ерга урасан!.. – шундай деганча Маркел Тихонович хотинини савалай кетди.

– Милиция!

Худди шу аснода Сошниннинг қармоғига балик илинган, у ўлжасини қирғоққа тортмоқда эди. Леонид қайнонасининг чинқириғига парво ҳам қилмади. У ҳозир хизматда эмас, балиқчилик ва куёвлик вазифасини бажаряпти. Боз устига, у ҳам барча қатори фақатгина меҳнат қилиш эмас, балки дам олиш ҳуқуқига ҳам эга. Конституцияда ҳам шундай деб ёзилган.

Азалдан ҳамма фронтчилар билан барча масалаларда ҳамнафас, ҳамфикр бўлган қишлоқ оқсоқоли, ўзи уруш кўрган кекса жангчи Евстолия Сергеевнинг эри устидан ёзган далолатномасини олди-ю, у билан наридан-бери танишиб чиққач, шундай деди:

— Эринг сени шу кунгача уриб ўлдирмаганига хайронман. Мен бўлсам, никоҳнинг биринчи кечасидаёқ сендақа топилмас матоҳнинг абжағини чиқарардим-да, ўз ихтиёрим билан турмага бориб ўтирган бўлардим.

* * *

Ҳамма жонидан яхши кўрадиган набирача — Света бир муддат оилани бирлаштириб тургандек бўлди. Лекин Лерка қишлоқ қизи бўлса-да, вайсақи онаси унга ҳеч нарсани ўргатолмаган, болага, ўзига ва эрига қарашга ҳам сира уқуви йўқ эди. У оддий ёвғон шўрвани ҳам пиширолмас, боласига бўтқа тайёрласа, албатта, муштдек-муштдек бўлиб қотиб қоларди. Кир ювса, деворларга сув сачратади, пол артса, ҳар ер, ҳар ерида ҳалқоб ҳосил бўлади. Каравот тағларида чанг қолиб кетади. Лекин Лерка ичакузди латифалар айтар, институт бадийий ҳаваскорлик тўғарагига қатнар, саҳнадан Маяковский шеърларини қироат қилишга уста эди.

Лина хола тириклигида Лерка турмуш икир-чикирларини ўйламасди. Хола қизчани қишлоқча кийинтириши, кир тоғорада чўмилтириб, сочини тап-тақир қилиб олиши, картошка, карам шўрва билан боқишига Лерка норозилик билдирса-да, бола тарбиясида иш олға силжиётган эди. Ҳали турмушга чикмай умри хазон бўлган Лина хола қизча ажойиб инсон бўлиб етишишини, Сираквасованинг арзандагарига ўхшаб сурат чизиб, ашула айтгани, ҳеч бўлмаса, гимнастик машқ бажаргани учун мукофотлар олишини, у ҳақда газеталарда ёзиб, радиодан гапиришларини жуда-жуда истарди. «Медицинада таъкидланишича, саломатлик инсон учун ҳамма нарсадан қимматлироқ. Кел, болани ҳеч бўлмаса, соғлом қилиб тарбиялайлик», дерди Леонид хотинига. «Бунга қандай қилиб эришамиз?», «Ишинг бўлмасин, буни Лина холага қўйиб берайлик. Мана, мени Лина хола тарбиялаган. Менда ҳеч қанақа касал йўқ. Ҳатто, тишим ҳам оғримайди. Демак, Лина холага ишонсак бўлади».

– Хўкиз! – дерди Лерка, – ҳаётинг ҳам ўша хўкизларникидан фарқ қилмайди!..

Ҳаёт жуда ранг-баранг, қаерда топиб, қаерда йўқотишингни билиб бўлсан. Кунларнинг бирида шаҳар ҳаммомида ювиниб, танлари, қалблари тоза бўлиб чиққан эр-хотин Сошнинлар бозорга кириб, Светага майиз, ўзларига эса эман бочкада тузланган Ветка бодрингидан харид қилмоқчи бўлишди. Леонид қўлини савол аломатига ўхшатиб букди. Рафиқаси чарм қўлқопли қўлини унинг тирсагидан ўтказиб олди. Чакчақлашиб кета бошладилар. Улар дам олиш кунларида мириқиб дам олиб, одамларга хайрихоҳ нигоҳ билан боқишарди. Лекин маҳаллий милициянинг хушёрликни унутган

ходими «Хуш келибсизлар» деб ёзилган бозор дарвозаси тагида масту аласт Урна ўйинга тушиб, ашула айтиб, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олаётганини кўрмади. Урнанинг лабларига кизил, сочларига сарғиш ранг чапланган, сарик ранг хатто, пешонаси, кулоқларининг орқасига ҳам ўтиб кетганди. Бадхоҳ – кувноқ Урна кўнгил ёзар, халққа текин томоша кўрсатарди. Урнани кўрган заҳотиёқ Сошниннинг фақат кўкраги эмас, хатто, қорни ҳам сиқилиб, мушт бўлиб қолди. Унинг бу «соҳибжамол»ни вокзалолди жинкўчалардаги «тўшак»лардан турғизган, ҳушёрхонага олиб борган, бозордан кувган, шаҳардан сургун қилган пайтлари бўлганди.

Урна жуда қаттиқ кек саклайдиган, касоскор қанжиклардан эди. У эр-хотинни жуда узоқдан кўрди.

– А-а, мовий кўзлигим! – Урна худди Леркани илғамагандек Леонид билан омонлашди. – Мени унутиб қўйибсан. Бутунлай унутибсан. Мана шу бедавога мени алмаштирдингми? Уят! Яхши эмас! Сиз эркақлар ҳаммангиз бевафо, алдамчисизлар! – Леркага тамаки ва вино ҳиди бурқситиб нолиди: – Яхшилиқни билмайди бу бадкорлар! – ва битта-яримта сарғайган, чириб кетган тишларини кўрсатиб, «Биз қайиқчада сайр этардик» охангида куйлай бошлади: «Бир вақтлар мен...»

Лерка қўлини эрининг тирсагидан тортиб олди, қўлқопини тушириб юборди, юзини беркитганича бозордан югуриб чиқиб кетди.

– Бу киши гишт заводидаги Муськага илакишиб қоптилар! – бақирарди унинг ортидан Урна, – қараб тур, ҳали бошингга сўзакни орттирасан!..

Уйда қиёмат-қойим бўлди.

– Аблах, – кичкирарди хотини, – шунчалар аблахлигингни билмаган эканман! – Лерка шундай деди-ю, эрининг башарасига туширди. Леонид хотинининг қўлини қайириб, полга ўтқазиб қўйди.

– Қўлингни яна бир кимирлатиб кўр-чи!.. Хе, сен парипайкардан ўргилдим!..

– Вой, вой, қўлимни синдирдинг-ку, хайвон!

– Вой, болажонларим, вой, азизларим!.. Сизларга нима бўлди? Нима воқеа юз берди? – уларнинг атрофида айланиб, жаврарди Лина хола.

* * *

Лина холанинг вафотидан сўнг Сошнинлар Светани тез-тез қўлидан иш келмайдиган бувиси ихтиёрига юбориб туришди. Яхшиямки, болакайнинг бувисидан бўлак бобожониси ҳам бор эди. У гўдакни маданият-паданият билан кийнамас, набирасини асаларидан кўркмасликка, уларга тутун пуркашга, гул ва кўкатларни бир-биридан фарқлашга ўргатарди. Қизалоқ бузокни ўтлагар, беда тўдалар, товуқ катагидан тухум олиб чиқарди. Бобо набираси билан кўзикорин, мева тергани борар, биргалашиб дарёдан челакда сув ташишарди. Қишда қор курашар, четан атрофини супуришарди. Света ит, мушук билан ўйнар, деразадаги ёронгулга сув қуярди.

* * *

Лина хола қазо қилгач, Сошниннинг уйи ҳам, кўнгли ҳам хувиллаб қолди. Бу бўшлиқ ҳадеганда тўлавермади. Лекин физика қонуниятлари нуктаи назаридан олганда, бўшлиқ албатта, нима биландир тўлиши керак. Охир-оқибат, бу бўшлиқни алам ва финок, қоп-қора ғам тўлдирди. Бундай зимистон

эса, ёмонлик ва қабоҳатнинг айна макони, илдиз отадиган жойдир. Хотинининг ҳар бир ҳаракати, қилиғи Сошнининг габини келтирарди. Қозон-товок, майда-чуйда, эркак умуман эътибор бермаслиги лозим бўлган, ёинки, ҳазилга йўйса бўладиган масалада ҳам унинг жиғибийрони чиқарди. Ҳолбуки, Сошниндаги Лина ва Граня холалар тарбиялаган қизиқчилик ҳисси, сабр-тоқатлилиги учун уни мактабда ҳам, ишда ҳам ғоят кадрлашар, бояқишнинг бошқа бирор каромати йўқ эди.

Қурум босган қўрғон асрандиси, насл-насабининг тайини бўлмаган бу мавжудотнинг туну кун китоб ўқиши, устига-устак немисча китоб ўқий олиши, бу ҳам етмаганидек, ўзи ҳам яширинча нималарнидир ёзиб-чизиши Лерканинг фиғонини фалакка чиқарарди.

– Қўлида етти ўқли тўппонча, камари ортида занглаган кишанлари бўлган сен Лев Толстойни қаранг-у! – масхараларди Лерка.

– Яхшиси, тилингни тий, парипайкар!

– Ахлат! Изқувар! Исковуч! Хўш, хурматли аристони мижозларингиз тилида сизларни яна қандай сўзлар билан аташарди?

Табиат Лерка хотирасини кўпчилик замонавий аёлларники сингари бадхоҳлик нуқтаи назаридан жуда бекаму кўст яратганди. Бадиий адабиёт таъкидлашича, ажойиб, гўзал ва расо аёллар сифатлари кўпчилик хотинларга оз-оздан тақсимлаб берилган. Ёмон ва айёр хотин эса ҳар доим, ҳамма хотинларнинг вужудида яшайди. Эҳ, адабиёт, барибир, адабиёт-да! Ҳали ёлғон-яшиқ тўқийди, хали ҳақиқатни айтади. Лекин у қизлардаги шунчалар хушхулку донолик, гўзаллигу ақли расолик, улар хотин бўлгач, қаёққа йўқолишини тушунтириб берса экан?

Лерка билан ажралиб кетишгани ҳам яхши, ҳам тўғри бўлган экан. Бир-бировини қийнаб нима қилишади. Энди, мана, бу ёлғизлик оромидан хузур қил, кўнглингга сиққанича ўқи, чойнакнинг жўмрагидан чой ич. Кимнингдир қасдида, албатта. Жавоннинг ўрнидан силжишига сира йўл қўйма. Ҳеч қаёққа бормаслик, ҳеч кимни уйга таклиф қилмаслик мумкин. Полни ювса ҳам бўлади, ювмаса ҳам. Овқат пиширадими, йўқми, бу ҳам ўз ихтиёрида. Полда ялангоёк юриб, бошни қашишнинг гашти ўзгача. Кечалари ҳеч кимдан яширмай, ҳеч кимдан уялмай, қоғоз қоралашга нима етсин? Ижоднинг сир сақланиши, ижод қилиш сирлари! Бу шундайин бир балойи азимки! Анчайин, мияда бир нарса ғимирлаб юради, бош суягини тирнаб, ҳар хил фикрлар билан уйқуни бузади, безовта қилади. Сошнин кунларнинг бирида бутунлай назоратсизликдан фойдаланиб, оқ қоғозга «хикоя» деб ёзиб қўйди. Аввалига кўрқиб кетди: у, ахир, Чехов, Толстой ёзган сўзнинг ўзини ёзиб қўйди-ку! Кейинчалик кўникиб кетди. Парипайкар хотини унинг устидан кулар, мазах қиларди. У эса гуноҳ бир иш қилди ва қалби ширин-ширин хис-туйғуларга тўлиб кетди. Ҳам кўркинчли, ҳам ташвишли эди.

Лавря-казак уни ўн яшар пайтида Вейка дарёсига ташлаб: «Агар яшашни истасанг, сузиб чиқасан» деганида ҳам ана шундай кўрқиб кетганди. У яширинча азоб-уқубатлари билан Леркани, Лерка уни унутганда дунёда яна битта оила бузилган, яна бир тирик етим кўпайган бўлар эди. Лекин у эндигина иштиёқ билан ишлай бошлаганида, бахтсизлик юз берди.

Лерка бутун хулқ-атвори билан онасига ўхшарди, деб бўлмайди. Унинг табиатида озгина

бўлса-да, отасига ўхшашлик ҳам бор эди. Россияда асрлар оша давом этиб келган, бутун чоралар билан мустаҳкамланган қоида – фалокат юз берганда инсонни ёлғиз қолдирмаслик кераклигини у яхши англоларди. Дунёда Маркел Тихонович Чашинлар бор экан, бу қоида доимо барқарор ва у миллатимизни янада мустаҳкамлайверади.

Леониднинг бошига кулфат тушганда Лерка мисли кўрилмаган фидойилик кўрсатди: аввалига, у эрига ҳайрат билан бақраяр, кейин эса, ниманидир тушириб, ниманидир синдириб, куйманар, куйиб-пишарди. Гриша Перетягин эрининг оёғини тикиб бўлгач, Леонид сал ўзига келиб, у-бунинг фарқига борадиган бўлиб қолганда, Лерка шарт кўйди:

– Милициядан ижодий ишга ўтасан.

– Унда бизни ким боқади?

– Мен! – ўйлаб ўтирмай жавоб қилди Лерка. – Мен, ота-онам! Ўзинг яхши кўрган қайнотангнинг олдида ўтириб, ижод қилаверасан. Картошка етарли, гўшт, сут бор. Ёзувчига бундан ортиқ нима керак?

Леонид Лерканинг фидойилиги қадрига етди ва бунга жавоб сифатида ўзида кечира олиш ҳиссини туйди. Наҳотки, бахтсизлик ўзини ўзи тарбиялашнинг энг яхши воситаси бўлса? Улар бир-бирларини кечирдилар, ярашдилар. Лекин Леонид милициядан кетмади. Ҳар галгидай ҳазил билан қутулди: «Агар ҳамма ижодий ишга ўтиб кетаверса, ана унда қаланғи-қасанғилар дўконча ортига беркиниб ўтиришмайди. Куппа-кундузи, хамманинг кўз ўнгида аёлларга тегажоглик қила бошлашади».

Мана, йиқитишга мўлжаллаган, лекин худога шукурки, буюк қамровли қурилишлар соясида унутиб қолдирилган еттинчи уй ёш сўз санъаткорини ёмғир ва бўронлардан панага олди. Фақатгина хаёл суриш мумкин. Бир кун эмас, бир кун эски уйни янгисига алмаштириш вақти келади. Унга Лерка ва қизини жойлаштириб, оиласи олдидаги қарзининг бир қисмидан халос бўлиш мумкин.

Кўнглига ҳеч нима сизмаган, хафақон кезларда у профессор Николай Михайлович Хохлаков совға қилган китобчани ўқирди. Ўқиганда ҳам «Инжил»ни ўқигандай, дуч келган еридан ўқиб кетаверарди. Шундоқ қўлини жавонга узатиб, китобни олади-ю, ўқий бошлайди...

«Хайхот! Менинг кўзларим ҳаёт бахш этиб турган яккаю ягона нурдан маҳрум бўлдилар. Уларда фақат кўз ёшлари қолди. Сиз охир-окибат жўнаб кетишга қарор қилганингизни, мени тоқат қилишим жуда қийин бўлган айрилиққа маҳкум этганингизни эшитганимдан буён тинимсиз йиғлайман, фиғон чекаман. Бу андуҳ мени тез орада қабрга етаклайди».

«Мана, одамлар қандай умри басар қилишган-а?!» – бошини кашиганди Сошнин бу китобни биринчи маротаба ўқиганида.

«Ҳамонки, ҳаётимни сизга бахшида этолмас эканман, бундай умр менга не даркор. Ҳаётга қайтишимга не хожат? Муҳаббатдан ўляпман, севги қурбони бўлаяпман, деган ўй менга тасалли беради...»

Шу ерга келганда у бўйнини қашлашни бас қилди, хайрон бўлиб бошини силаб қўйди. Роҳиба қизнинг севгилисига ёзган мактуби уни нотаниш, айни пайтда, дилгир ва ширин азоб, ғам сари етаклаётганини ҳис қилди. Мувомирона руҳдаги эртақ-

чанинг илоҳий таъсиридан қутулмоқчи бўлгандай елкаларини силкитди, бўлмағур фикрларни миясидан қувишга чоғланди. Ёшлигидан шунақа фикрлар оғушида эди... Лекин ҳозир-чи... Ҳозир андак қўполроқ, замонавий киши. Милицияда ишлаш – бу роҳибларнинг ҳар кунги беозор ташвиши эмас, кўзни анча қотириб қўяди. У Урнани керакли жойга олиб борган, тажрибасиз бўлса-да, Демон аталмиш каллакесарни зарарсизлантирган. Хуллас, ҳар хил икки пуллик воқеаю ҳодисалар билан уни қойил қолдириш мушкул. Леонид озгина бўлса-да, сўз сири ва сеҳрини англаб етганди...

«Сизни кўрмагунча, азоб-уқубатдан халос бўлишим мумкинми, ахир?! Нимаям қилардим? Сизни шунча нозик туйғулар билан севишим эвазига менга берадиган мукофотингиз эмасми бу?! Лекин нима бўлса бўлди, энди сизни бир умр кутишга ва ҳеч қачон, ҳеч ким билан кўришмасликка аҳд қилдим. Ишонтириб айтаманки, сиз ҳам бошқа ҳеч кимни севмасангиз, жуда яхши иш қилган бўласиз... Алвидо. Умрбод мени сеving, янада кўпроқ азоб-уқубат чекишга мажбур ва маҳкум этинг».

Шунчалар содда, ҳимоясиз сўзлар ёрдамида яратилган мусикадан ҳузур қилиб, уларнинг мафтункор иродасига бўйсуниб, таслим бўлиб борар экан, ана шу болаларча валаклашга тўла-тўқис ишонди ва умрида биринчи марта сўз яратиш сирсиноат эканлигини ҳис этди.

Китобча беш мактубдан иборат бўлиб, ундан сўнг кимнингдир қўшимчалари, хатларга жавоблар, тақлидлар, шеърлар ва узундан-узоқ шарҳлар бор эди. Яхшиям, китобнинг орқасига қарамасликка, қалбида ўша оҳангларни сақлаб қолишга ақли етарди. Бу мусика уни ҳайратлантириб, қувонтирибгина қолмай, балки, замин узра, ана шу тўс-тўполон,

бақирик-чақирикларга тўла замонавий дунё узра баланд кўтарди. Уни уяляпти, деб бўлмас, вужудига, қалбига нимадир сирмас, жавонга ўхшаб, нимадир ўрнидан силжиганди. Ўзингни қаерга урма, барибир, ўшанга ё хаёлинг билан ё чолворинг ортидан илашиб қоласан. Бир жумла тинчлик бермасди: «Шундай ажойиб қалбингиз бор экан, сиз қандай қилиб бахтли бўла оласиз?»

Собиқ тезкор ходимни кўрқув ва шунга ўхшаган туйғулар қамраб оларди. У қотиб қолар ва кўркаписа алангларди. Тушидами, ўнгидами қатъий бир қарорга келарди: дунёдаги энг ажойиб аёлни ташлаб кетган ўша французваччани топиб, гирибонидан гиппа бўғиб, ибодатхонанинг сокингина хужрасига судраб келса-да, аёлнинг иссиққина тиззаларига бурнини босиб, бундай деса:

– Сен ҳавойи, такасалтанг, севгининг қадрига ет! Дунёдаги барча нарсалар бунинг олдида икки пулга қиммат, бир зарра, холос!..



ОЛТИНЧИ БОБ

Света – шамоллашлар, бало-баттарларга маҳкум замонавий болакай, совуқ тушиши билан касалланиб қолди. Қишлоқда у эмин-эркин, ҳеч қанақа боғча опалар, кун тартиби билан чегараланмаган. Болакай жисмонан чиникиб, расм чизиш, шеър ёдлаш, рақсга тушиш кабиларни унутди. Қизалоқ кўчадан бери келмас, кучукчалари билан ўйнар, болалар билан гижиллашар, кун сайин тўлишиб борар, бувисининг чапани кўшиғини куйлаб юрарди: «Эй, рота командирлари, бизга пулемёт беринг! Бизга тўп – тўфанг беринг, биз қувнамоқчимиз...»

Мана, касалманд набира яна Полевки қишлоғига келди. Энди бобоси индамайгина, ими-жимида, бувиси эса, жўшиб-тошиб, бемаъниларча хурсанд бўлишади. Ёш ота йўл давомида кизгинанинг саволларидан, дунёнинг ўй-ташвишларидан ғоят толиқди. Боз устига, оёқлари роса чарчади: автобус Починкадан нарига қатнамас, механизаторлар йиғим-терим пайтида узоқ қишлоқларга борадиган йўлнинг дабдаласини чиқаришган, очигини айтганда эса у ёқларга борадиган одамнинг ўзи ҳам йўқ эди. Сошнин Света билан Полевкининг яккам-дуккам уйлари оралаб лой кечиб борар экан, кампирларнинг сўлғин карам барғларига монанд юзлари дераза ойналарига ёпишди: ким келаётган экан? Осмондан фазогир тушиб келган бўлмасин, тагин?

Сирасини айтганда, Сошнин қорнини тўйгазгач, бироз мизғиб, Починкага яёв жўнаши, у ердан унутилмас ва кадрдон Хайловскка етиб олиши, сўнгра электричкага ўтириб, уйга жўнаб кетиши лозим эди. Лекин у, аввало, бу ернинг янгиликларини тинглашга, қайнонаси узатган «арзнома-далолатнома» аталмиш қоғозни ўқиб чиқишга мажбур бўлди:

«Ўртоқ милиционер, Сошнин Леонид Викентьевич! Биз бечора етимларни ҳамма тарк этди. Ўшандан бери бизни ҳимоя қиладиган, ҳолимиздан хабар оладиган бирор кимса йўқ. Шу боисдан сиздан ёрдам сўраяпман. Вениамин Фомин қамоқдан чиқиб, Тугожилинога қайтиб келди ва атрофдаги беш қишлоққа солиқ солди. Мени, Арина Тимофеевна Тариничевани пичок, болта ва шунга ўхшаш кескир нарсалар билан қўрқитиб, илмий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ўзи билан яшашга мажбур қилди. Мен 50 (эллик) ёшдаман, у эса 27 (йигирма етти) ёшда. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, колхозда ишлаб-ишлаб тинкаси қуриган аёлнинг

холи нима кечади? Бунинг устига, иккита эчким, тўртта кўйим, мушугим, Рекс номли итим ҳам бор. Ҳаммасини едириш, ичириш керак.

Уйимга келгандан бери бир тийинлик даромади йўқ. Нуқул харажат, менинг қарамоғимда яшайди, ишлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Ўзи ичиб юргани етмагандай, кўча-кўйда дўстларини учратиб, уларни ҳам араққа тўйғазади. Мен билан кўп жанжаллашади, кўркитади, ҳатто, бўғиб ташлайман, дейди. Ўзим колхоз бузоқларига қарайман. Дам олишим керак. У бўлса тинчлик бермайди, арақ ичгани-ичган. Мени ундан халос қилинг, қизил қалампирдан баттар жонимга тегди. ЛТПгами ёки қайтадан камокқа (унинг асли макони ўша ер) олиб кетинг. Фақат, кўзимдан йўқотсангиз, бўлгани. Илгарилари, мен билан яшамасдан олдин ҳам у шунақанги бебошликлар қилиб юрарди. Безорилиги учун суд қилишди. Онаси қазо қилди. Хотини қаёққадир ғойиб бўлди. Энди пичоқ менинг ҳам суягимга бориб тақалди, бас!

Суякларим, томирларим, бутун аъзои баданим қақшаб оғрийди. Касалман, баъзан еб-ичишга ҳолим бўлмайди. У бўлса, рашк қилади, қийнайди, бунинг устига, ёшинг элликда бўлса, рашк қилишга бало борми? Ўн беш ёшимдан бери колхозда ишлайман, у суллоҳ бўлса, туни билан каравотда ётиб олиб, жиннилик қилади, нималарнидир гўлдирайди, тишларини ғижирлатади, аристонча кўшиқлар айтади, чироқни бекордан-бекорга ёқади. Давлатнинг энергиясини тежамайди. Ой сайин электр учун тўрт сўм ва яна аллақанча тийин тўлайман.

Ярим кечада сакраб туради-да, дахшатли товуш билан ўкириб, мени тирқиратиб қува бошлайди. Ҳар кеча уч-тўрт марта уйдан қочиб чиқиб, кишлоқ кўчаларида санкийман. Ҳамма уйқуда,

каёкка боришимни ҳам билмайман. Қайтиб уйга кириб, ечинмай, яна қочишга шай бўлиб тураман. Бу ҳақда ҳеч ким, ҳатто, кўшнилари ҳам билишмайди. Сиздан илтимос, менинг арз қилганимни унга билдирманг. Бўлмаса у чопиб ташлашдан ҳам тоймайди. Ўзингиз бир илож қилиб, бу ердан секингина узоққа олиб кетинг. У одамхўр, қонхўр! Қишлоқларни талаб, хотинларга озор бериб юрибди. Сизга мурожаат қилишимни, онангиз Евстолия Сергеевна Чашина маслаҳат берди. Худо у кишига куч-қувват берсин. Мен айтиб турдим, у киши ёзди, ўзимнинг қўлларим қалтирайди. Боз устига, саводимнинг ҳам мазаси йўқ».

* * *

Одамлари камайиб қолган қишлоқларда бундай воқеалар тез-тез бўлиб турарди. Аёллардан бўлак аҳолиси қолмаган, деярли, бўм-бўш қишлоққа келиб қолган босқинчи бечораларга азоб берар, жондан тўйдирарди. Зўравонга қарши чоралар кўрилар, у сургун қилинар ё яна камокқа жўнатиладди. Лекин «ҳалок» бўлганларнинг ўрнига дарров янги «қахрамон»лар пайдо бўлар, мана шунақанги арзнома милицияга етгунча, аёлнинг ноласини биров эшитгунча, қарабсизки, қотиллик, ёинки талончилик содир бўларди.

«Далолатнома»га кўшимча қилиб, Евстолия Сергеевна яна шуларни айтди: дарёнинг нарёғида, Грибково қишлоғида ҳамон икки қари кампир яшамоқда. Шу боисдан деразаларда нур кўринади, мўрилардан тутун чиқади. Уйларнинг бирида шаҳарга, болалари ҳузурига кетишни истамаган қайсар кампир яшайди. Қўшни ҳовлида эса урушдан сўнг бева бўлиб қолган кампир умри басар қилади.

Қишда камрок ўтин сарфлаш, вақтни яхши ўтказиш учун ҳар иккала кампир бир уйда яшашади. Улар Хайловск саноат артелининг буюртмаси билан ҳар хил кашталар тўкишади. Ўша, урушдан сўнг бева бўлиб қолган кампир Починка магазинида ҳаммага эшиттириб шундай деса бўладими:

– Энди кўнглим жойига тушди. Кашта тўкиб, уч-тўрт танга ишладим. Куним битиб ўлиб қолсам, кишиларга ҳам, газнага ҳам оғирлигим тушмайди.

Веня Фомин кампирнинг пули борлигини эшитиб қолди. У қайиқда дарёдан кечиб ўтди-да, қоронғи тушгач, кампирнинг уйига бостириб кирди, бўйнига пичок тиради:

– Пулларни бу ёққа чўз! Бўлмаса, сўйиб ташлайман! Кампир «миқ» этмади. Пулни ҳам бермади. Талончи бечора кампирнинг бошига сочик боғлаб, таёқча билан буради. У колонияда ўрганган усул билан кампир бояқишнинг бошини қаттиқ сиқа бошлади. Кампир бурнидан тирқираб қон оқсада, сирни бой бермади. Лекин Веня, ахир, бу махаллий душман, пул қаерда сақланишини англаши унча қийин эмас. У қўлини икона орқасига сукқан эди, пул – бир юз олтмиш беш сўм ўша ерда экан.

Венька Фомин ўз ёр-биродарлари билан бир ҳафта қутуриб, базми-жамшид қилди. Бева кампир бўлса, лаш-лушларини тугунчага жойлаб, Хайловск қариялар уйига – қолган умрини давлат ҳисобидан ўтказишга равона бўлди. Энди уни ўша ерда қариблардек, давлат ҳисобидан гўру чўп қилишади.

* * *

Хайловск йўлида, ёзда тез-тез қуриб қоладиган ирмоқ ортидаги тепаликларда Тугожилино қишлоғи жойлашган. Қишлоқдаги кўпчилик уйлар йиқилиб

кетган, деразаларига тахта қоқиб ташланган. Фақатгина, бузоқхона ёнида ҳаёт аломатлари сезилади. Чўпон сўкинади. Трактор тириллайди. Бир-бирдан фарқ қилмайдиган, эти суягига ёпишиб, қурукшаб қолган икки-уч чоғли аёл куйманиб юришади. Сошнин йўл-йўлакай қишлоққа кириб, сурбет талончига пўписа қилиш ёки ўзи билан олиб кетиб, Хайловск милиция бўлимига топшириш ниятида эди. Лекин Вениамин Фомин билан кутилмаганда учрашишга тўғри келиб қолди.

Леонид энди мириқиб ухлай бошлаган эди ҳамки, қайнотаси Маркел Тихонович эҳтиёткорлик билан енгидан тортди. Куёви уйғониб, ўзига келишини кутди-да, Тугожилинода Венька Фомин аёлларни бузоқхонага қамаб қўйиб, агар бош оғриғига 10 сўм бермасаларинг, ҳаммангни бузоқлар билан ёқиб юбораман, деб дўқ ураётганини айтиб берди.

– Э-э, жин урсин! – сўқинди Сошнин, – ҳеч қаерда тинчлик беришмайди.

У шамол, ёмғир ва балиқ ови таъсирида унниққан телпагини, эски енгил камзулини кийди. Леонид ишдан бўш пайтларида доимо фуқароча кийинарди. Телба шамол, изғирин, шилта намлик таъсирида ўзини жуда ғариб ҳис этди. Тараддудланиб, нималарнидир ўйлаб, сал тўхтаган бўлди. Кейин бошини силқиб, телпагини кулоғигача бос тирди ва йўлга равона бўлди. Уни Света билан қузатиб чиққан Маркел Тихонович куёвининг афтода кайфиятини кўриб, «эркакча ёрдам» таклиф этди. Сошнин рад қилди, қизчасини кўтариб, лабларини унинг ҳўл ёноғига босди.

– Иссикқа қайтинглар, – у шундай деди-ю, юзини ёқаси билан битта-яримта қор учқунлари аралашган ёмғирдан пана қилиб, шилта лойни бир-бир босиб, жўнаб қолди.

Тик оёқда мудраб бораётган Сошнин далалар ва кичик ўрмонча орқали ўтадиган яқин йўлга бурилди. Хар ер, хар ерида бошоқлар сочилиб ётган пахмоқ далаларда донлаб, оғирлашиб қолган қарғалар, ёввойи каптарларни чўчитиб юборди. Улар тўп-тўп бўлиб ўзларини яланғоч ўрмонга урдилар. Чала ўрилган бугдой бошоқлари, сомон тўдалари дардманд танадаги яра-чақаларга ўхшаб, ириб-чириб ётар, кузги намгарчилик таъсирида жонланган дарёнинг лой қирғоқларида яккам-дуккам зиғир поялари тебранар, шамол учириб туширган, сув ювиб кетган шох-шаббалар у ер-бу ерда тикилиб қолиб, шовқин солишарди.

Дарахтларнинг эгилиб ётган учларига, дарёдаги шох-шаббаларга, тошлок ерларга қўниб олган, қорайиб кўзга ташланиб турган қарға-зоғлар тўк, бефарқ, надоматли қағиллаш билан одамни кузатишарди. «Нима қилиб санғиб юришибди булар? Тинчгина ухлаб ётишса, бўлмайдими? Кун кўришга ҳам қўйишмайди...»

Яланғоч, музлаган дарахтзорлар, тақир далалар ёқалаб майин тўлқинланиб оқаётган дарё соҳилидаги мажнунтоллар, буталардаги куздан қолган яккам-дуккам барглар, озуқа иктисод бўлсин деб, совуққа ҳайдаб чиқарилган, тиззасигача балчикқа ботган ирkit бузоқчалар, дўнгликлардаги ҳўл ўтўланларнинг нимасинидир йўқотиб қўйиб, уни қидиришдан чарчаган, қадди дол кишиларга ўхшаб кетиши – ғариблик, совуқ мавсум, ёмон об-ҳавога кўникиш, азалий, хокисор рози-ризалик ҳислари лиммо-лим эди.

Тугожилинонинг тамаки рангидаги нажасга ботган бузоқхонаси олдида девор тагида бир тўда аёллар (асосан, кампирлар) илма-тешик, чириётган бўлса-да, ҳали илиқ хариларга қапишиб туришар-

ди. Сошнинни кўриб, ҳаммалари бирданига типирчилаб, уввос солиб қолишди.

«Бадкор! Бадкорлар! Унинг танобини тортиб кўядиган одам топилмаяпти. Азалий аристонни, дайди. Онасининг бошига етди... У ўзи ёшлигидан шунақа...»

Сошниннинг кўзи бузоқхона томидаги очик ерга тушди. У уст кийимларини ечиб ташлаб, бекорчиликдан тўлишиб бораётган қоматига чиппа ёпишган нимчада қолди. Тўсинга осилиб, томга чиқди. Сўнг шифтга тушди, тўрт-беш ёғочни нари суриб, электр чироқлари зўр-базўр нур сочиб турган хонага сакради. Сакрагандаям, жуда нокулай сакради. Майиб оёғи тагин лат еди, сирпанчик нажасга ўтириб қолди, шимини булғади.

Қоп-қора, чирий бошлаган, ёриқларидан балчик сизиб чиқаётган полда турган касал бузоқлар келгиндига нурсиз, бефарқ нигоҳ ташлашар, маърашмас, озик ҳам сўрашмас, фақат онда-сонда йўталиб кўярдилар, холос. Сассиз, нимқоронғи бузоқхона бу йўталишлар билан намчил бўшлиққа тақдирга тан бериш, маҳкумликдан иборат бўм-бўш бир нафас чиқармоқда эди. Қарияларга ўхшаб хириллаётган жониворларнинг ҳеч ким, ҳеч нима билан иши йўқ. Фақат, олисда, қоронғилик қаъридан бузоқчанинг эринчоқ бир маъраши эшитилди. У ҳам умидсизликдан шу захотиёқ жим бўлди. Сўнгра пўстлоқ остида гимирлаётган қурт овозига ўхшаган зўр-базўр китирлаш эшитилди. Ғажиб ташланган тўсинлар, охурларга қараб, бузоқча чирий бошлаган ёғочни кемираяпти, деб ўйлади Сошнин. Бошқа бузоқ шилта лой қўтончадан чикиб, сирпанчик бўлса-да, хали балчикқа бутунлай ботиб кетмаган юпқа ёғоч устида ётар, яна бир бузоқ эса, тўсинга осилганича қуюқ сўлакларини оқизиб,

унинг кулогини шиммоқда эди. Ҳар икки томонига гўнг уйиб қўйилган сирпанчик йўлак окоп брустверига ўхшаб кетарди. Сошнин озуқа хонасига ўтиб кетди. Эшикни очиб, кўрқувдан эслари оғаёзган икки аёлни чиқариб олди. Улар овозлари борича уввос солиб, бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилиб, ўзларини рўпарадаги қия очиқ эшикка урдилар. Ана шу эшик олдидаги аравада ўрмондан келтирилган хушбўй пичан ғарами устида Венька Фомин беозоргина ухлаб ётарди. Сошнин уни аравадан судраб туширди. Ёқасидан ушлаб, каттик силтади. Венька Фомин ўзи қаерда, нима бўлаяпти, билолмай кўзларини бакрайтирди. Киприк қоқди, қўли билан оғзини артди.

- Сен, кимда ишинг бор?
- Мен, бу мен, лекин сен ўзинг кимсан?
- Мен сендан сўраяпман, кимда ишинг бор?
- Юр, дарвозадан ташқарига чиқайлик, ўша ерда аёллар ким, нима эканини тушунтириб беришади.

– Сайёҳ, аблаҳ! – ўқирди Венька Фомин ва бедага санчиб қўйилган дастаси синик паншахани тортиб олди. Паншаха эски, занглаб кетган, икки тишига гўнг ёпишиб, қалинлашиб қолган, уларнинг ўртасида эса яна икки тишининг қолдирги қариянинг синиб тушган тишларига ўхшаб турарди.

«Оҳ, бу эркаксиз кишлоқлар! Бу ерда ҳамма нарса сўнгги кунларни бошидан кечираётгандай, ҳақиқий ҳаёт йўқ...»

– Ёриб ташлайман, мараз! – Венька жангда милтиқ ушлаган пиёда аскарга ўхшаб, қўлида паншаха билан Сошниннинг устига бостириб келди.

– Ташла паншахани ифлос! – Сошнин Фоминнинг истиқболига юрди ва бу ҳаракати билан уни хайратга солди.

– Яқинлашма, ёриб ташлайман! Яқинлашма! – чийиллади Венька Фомин.

Бузокхонанинг қия очиқ дарвозаси томон чекинаркан, у паншахани ташлаб қочиб қолишни, қадрдон далалар ва ўрмонларга кириб, ғойиб бўлишни мўлжаллаб турарди. Сошнин уни бурчакка қисиб, чекинадиган йўлни кесиб кўйди.

Венька Фоминнинг танаси ҳам, юзи ҳам арақзада, эртанги ажинлар чуқур из солган, қовоклари қопдек салқи, тарам-тарам ёрилган лаблари чеккасида кўпик қотиб қолганди. Умуман олганда, ногирон, адои тамом бўлган, аянчли бир кимса-ю, лекин жуда бадкор, ҳеч қандай ифросликдан қайтмайдиган одам. Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин.

– Ташла паншахани! – бақирди Сошнин ва ушлашга шайланиб, Фомин томонга сакради.

Веня Фомин деворга қапишиб, ҳимояланмоқчи бўлиб, паншахани кўтарди. Сошнин уни чалиб йиқитган, кўлидан паншахани тортиб олиб, барча азият чекканлар ҳақи гарданига бир-икки туширган ва автобусда Починкага олиб келган бўларди. Аммо дарвоза олдида ириган беда аралаш суяқ нажас йирингдай липпилаб турарди. Сошнин мустахам оёқ кийими – этикка ўрганган эмасми, найзабурун бошмоқдан қулайини тополмади, майиб оёғи нажасга сирпаниб йиқилди ва кўлига суяниб қолди. Ана шунда азалий аристонининг қабих одати – йиқилганни уриш – ўзини намоён қилди. Веня Фомин қисқа ҳаракат билан паншахани ўқталди. Сошнин шу заҳотиёқ кўкракка берилиши керак бўлган зарбага чап берди. Лекин барибир, паншаха мўлжалга яқинлашди. Унинг занглаган тиши гўё истамагандай вижирлаб, иссиқ танга, елка суяги остига санчилди. Веня Фомин шоқолга ўхшаб,

тишларини гижирлатиб, паншахани босди ва Сошнинни сарғимтир, ириган нажасга парчинлади.

Куч билан сакраб турган Сошнин паншаха дастасининг синган еридан ушлаб, елкасидан суғуриб олмоқчи бўлди. Бўлмади, аччиқ бир оғриқ вужудини куйдириб юборди.

– Айтдим-ку сенга, яқинлашма деб. Айтдим, яқинлашма... – кўркиб кетган Веня Фомин бурчакка қисилиб олганича терга ботган юзини, лабларини артарди. Қуриб қолган кўпик майдаланиб, ёрилган лабларидан кепакдай тўкилар, Фоминнинг ўсиб кетган яккам-дуккам соқолига илашиб қоларди.

– Паншахани тортиб олсанг-чи, ифлос! – иложсизликдан бакириб юборди Сошнин.

* * *

Ундан кейин юз берган воқеалар ҳаммаси узок-узокда, қандайдир тўхтаб қолгандай содир бўлди. Веня Фомин бир неча кучсиз ҳаракатлар билан паншахани тортиб олди. Сошниннинг бошини чакмоқ тешиб ўтгандай бўлди. Леонид паншаханинг ифлос, занглаган тишида қон қотиб қолганини кўрди. Чайқалиб кетди, қон оқаётган ярани чангаллади, пешонасини деворга тиради. Девордан сийдик ва кўнгилни айнитадиган озуқа хиди келиб турарди. Леонид бироз нафасини ростлагач, чўнтагидан дастрўмолини олиб, ярасига босди. Бир зумда жикка қон бўлган дастрўмол елкасидан сирпаниб, қорнига тушиб кетди.

– Дастрўмолингни бер! – ракибига қарамай, қўл узатди Сошнин. Веня Фомин тутилавериб, кулранг тусга кириб қолган латтани узатди.

– Нима килиб кўйдинг, ифлос! – оҳ тортди Сошнин ва кир латтани Фоминнинг йиғлоқи хушомад акс этган башарасига улоқтириб, ташқарига отилди.

Молбоқар аёллар бузоқхонадан анча узоқда, бир-бирларининг кетидан лой кечиб, югуриб бо-раётган Сошнин ва Фоминни кўриб, Веня уни сўйиб ташлаш учун қувлаб юрибди, деган хаёл-га бориб, бор овозда уввос тортдилар. Сошнин эса бузоқхонага қайтиб келиб, кийимларини кийиб, Полевкига қараб югуриши, Маркел Тихоновичдан отни эгарлашни илтимос қилиши лозим эди. Лекин от ўрмондами, ёинки далада ўтлаб юрибдими, ким билади? Бутун полевкиликлар бакириб, чакириб, отни тутмоқчи, эгарламоқчи бўладилар. Аксига олиб, араванинг бирор ишкали топилади, балчик ўртасида ўқдан гилдирак чикиб кетади. Ё кишлоқ ўртасида, ёинки чиқаверишда, барибир, лойга бо-тиб қолишади. Маркел Тихонович қийналиб ке-тади. Қайнонаси бўлса, ҳар галгидек душманлар-ни лаънатлаб, нутқ ирод эта бошлайди. Светани кўркитиб юборишади. Ўзлари билан бирга олиб кетишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас...

Дастрўмолгина эмас, ич кийими ҳам шимга ўхшаб, ёпишқоқлашиб, белига тушиб кетди. Нимча қонга тўлиб, сонларини ёндирди, чап бошмоғида шилпиллаб қолди. Ярадорнинг лаблари куруқшаб, оғзида темир таъми пайдо бўлди. «Бунчалар тез! Ишим жуда пачава, шекилли...»

– Ёрдам берсанг-чи, – зўрға хириллади Сош-нин.

Веня Фомин шоша-пиша елкасини тутди. Сош-ниннинг кўлини ўзининг гарданидан ўтказиб олди. Бу эси паст ярадорларни жанг майдонидан қандай олиб чиқишларини кинолардами, суратлардами, кўрган экан.

– Во-ой, аблах. Яна кўлга тушдим. Яна бошим балога қолди! – нола киларди у, – пешонамга аристондан бўлак нарса битмаган экан. Мен адоий

тамом бўлдим энди... Веня Фоминдан кучсизгина тер оқарди. Нимжон тер оқимида ириган беда бўлаклари титрар, булар лабларидан оқиб тушганда Веня ялар ва тупуриб ташлашни унутиб, ютиб юборар, нола-фиғон қилишда давом этарди.

Сошниннинг оёқларидан дармон куриди, кўз ўнгида чор атроф балиқ пардасидай бўлиб, кулранг тусга кирди. Венядан оқётган ифлос тер, гўнг ва беданинг ачимсиқ ҳиди, бузоқнингми, одамнингми сийдиги ҳиди уни бўғмоқчи бўларди, гўё. Веня Фомин ҳар хил бало-багтарларни арақ ўрнида қайнатиб ичиб, буйрагини аллақачон ишдан чиқарган, пешобини тутиб туrolмасди.

Ҳидларни ҳатто совуқ шамол ҳам тарқатолмаган, улар Сошнинни тобора маҳкам ўраб олиб, тепасида, вужудида айланишар, бечоранинг қусгиси келарди.

* * *

Починка медпункти эшигида каттакон эски қулф осиялиқ эди. Дам олиш куни. Бадкор ва ундан жафо чеккан киши бир-бирларини кучоқлаб, ҳансираганларича эшик олдида туришар, қулфга иложсизларча нигоҳ ташлашарди. Веня Сошнинни деворга суяб, ўтқазиб қўйди. Ўзининг ит ҳиди анқиб турган камзулини устига ёпди.

– Мен ҳозир... ҳозир... ҳозир... Мен у аблаҳни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келаман! Ўша жазмани – ўрмон қоровулининг тагидан тортиб оламан! Қоровул уни тузоққа илинтирмоқчи бўлиб юрибди... Ҳозир...

Ҳеч ким фельдшер аёлга тузоқ қўймаган, унинг ҳам бировга тузоқ қўйгиси йўқ эди. У анча ёшга кириб қолган. Эркин аёл, якшанба кунидан кўнглига сиққанича фойдаланмоқда. Ювиш, тозалаш, саран-

жомлаш деганидек. Медпункт ҳам саранжом-саришта, зарур бўлган ҳамма дори-дармонлар, ҳатто, бир шишача спирт ҳам бор. Фельдшер аёлнинг ўзи ҳам тоза-озода, меҳрибон, газетага мақтаб ёзса ҳам бўлаверади. «Тузалиб чиқсам, албатта, газетага мақтаб ёзаман!» – бу ўша куни Леониднинг хаёлидан кечган ҳазилга мойил сўнгги фикр учқуни эди. Кейинги пайтларда Сошниннинг ижодкор кўнгли ҳазил-мутойибани, айниқса, ўзининг устидан кулишни тез-тез тусаб турарди.

Ахволи унчалик ёмон эмаслигига умидвор бўлиб, ваҳимага тушмаслик учун юрагидаги кўркувни енгил кайфият билан енгишга интилаётган Сошниннинг ярасини чаккон ҳаракатлар билан боғлаётган фельдшер аёл унинг ҳазил-мутойибага иштиёқини бир зумда синдирди-қўйди.

– Вой, яранинг ифлослигини қаранг. Пуфаклаб турибди. Қон кўпириб, пуфаклаб чиқаяпти. Ўпка пардаси зарарланган. Ким сизни бу кўйга солди? Наҳот, сен шундай қилган бўлсанг, мубтало?! – фельдшер медпункт остонасида аянчли киёфада, энгида яшириб чекаётган Веня Фоминга ўқрайди:

– Ҳа, сен азалий аристонисан! Ўша ерда ёзлаб, қишлайсан. Сенинг касб-коринг шу! Милиционерга, хизмат вазифасини ўтаётганда қўл кўтарибсан! Энди кунингни кўрасан! Оладиганингни оласан!..

Фельдшер қалтираб турган Сошнинни каравотга ётқизди, устига чойшаб тортиб, аллақачон эскириб қолган ёмғирпўши билан беркитди.

– Нима, у милиционерми?

– Ўзингни гўлликка солма, – деди қаҳр билан фельдшер, ярадорни ёш болага ўхшаб аллалар экан.

– Мен қаердан биламан, ахир?

– У Полевки қишлоғилик Чашинларнинг куёви-ку!

– Вой, адо бўлдим, – нола килди Веня, – Тугожилинода нима қилиб юрибди, бўлмаса? Ўлиб қолади-ку! Мени эса, девор тагига кўйиб, отиб ташлашади.

– Сени аллақачон отиб ташлаш керак эди. Ташқарига чикиб чеккин, кўтир!

* * *

Хайловск касалхонасидан: «Бензин йўқ, боз устига, бугун дам олиш куни. Умуман олганда, эса қишлоқ жойларига «тез ёрдам» юбориш бизнинг вазифамизга кирмайди. Агар керак бўлса, беморни ўз машинангизда олиб келинг», дея жавоб қайтаришди.

Хайловск касалхонасидагилар қишлоқ фельдшер билан пойтахтликларга хос калондимовлик билан гаплашишарди. Сошнин телефонни ўзига тортиб, туман милиция бўлими бошлиғи Алексей Демидович Ахлюстиннинг уйига кўнғироқ қилди. Бензин топиб бериб, «Тез ёрдам» машинасида уни вилоят касалхонасига етказишга ёрдамлашишни илтимос қилди. Хайловск шифокорлари якшанба шарафига кўнғилхушлик қилишаётганини, бу вақтичовликлар балиқ овида, ёинки, дам олиш уйида ғоят фаоллик билан ўтказилишини Сошнин яхши биларди. Ўзи эса фельдшернинг авзойига қараганда, душанбагача тирик қолиши, даргумон.

– Яра жуда хавфлими, Лёня, – сўради Ахлюстин.

– Афтидан, хавфлига ўхшайди, Алексей Демидович.

– Ҳозир ҳаммани оёққа турғизаман!

Ахлюстин «Тез ёрдам» машинасида етиб келди ва Веня Фоминни кўрган заҳоти ғазабдан қалтираб:

– Майиб, мубтало! Ифлос, мурдор! Сен нега бу дунёга келдинг, ўзи?! Яхши одамларнинг умрига зомин бўлиш учунми? Эҳ, сен арақхўрлар, аристонилар! Давлатнинг бошига тушган бало бўлдинглар-ку!

Сошнинни замбилга ётқизиб, машинага жойлаштиришди. Фельдшер унинг устини ўз уйдан олиб келтирган иссиқ чойшаб билан ёпиб, ёнига ўтирди. Веня Фоминни ҳам шу машинага тикиштириб, вилоят тергов хибсхонасига топширмоқчи бўлишди.

– Гражданин бошлиқ! Гражданин бошлиқ! – машинанинг очиқ эшигига кўлларини тираб ёлвора бошлади Веня Фомин, – йўлда мени бўғиб ўлдиради. Унинг кўлидан келади, ахир, ҳуши ўзида эмас-ку!..

– Айтдим-ку, бу мараз, деб! Фақатгина ўз жонини ўйлайди, – Ахлюстин Лёняга ўгирилди. – Хайр энди, Лёня, – у оталарча меҳрибонлик билан Сошниннинг кўксини сийпаб кўйди. – Бардам бўл!

Алексей Демидович қарияларга ўхшаб, ўзига ярашмаган ҳаракат билан кўлларини ёйди. Бунинг ноўринлигини фахмлаб, одатдаги фалсафий гапларини айтмаслик учун ўгирилди. Ҳозир бунақа гапларнинг мавриди эмасди.

Энди йўлга чиқамиз, деб туришганида коржома кийиб, кўзойнак таққан бир чавандоз тўрт томонга лой сачратиб, мотоциклда етиб келди. Юриб бораётган уловидан сакраб тушиб, ўзини «Тез ёрдам» машинасига урди. Тинимсиз жавраётган бу киши Паша Силакова эди.

– Лёня! Леонид Викентьевич! Нима бўляпти ўзи? Ҳа-а, сенми мурдор! Эҳ, сен сассиқ! Ҳозир

сенга кўрсатиб қўяман! – Паша Веня Фоминга ташланди. Бадкорни лойга йикитди ва устига миниб олиб, дўппослай бошлади.

Алексей Демидович Веня Фоминни зўрға ажратиб олди. Лойга булганган бадкорни қишлоқ совети биноси томонга судраб кетар экан, қўл силтади:

– Кетаверинглар!

Паша Силакова эса, уларни таъқиб қилишда давом этиб, каттакон этиклари билан Венянинг ортига бошлаб тепарди. Этикданми, бадкорнинг ортиданми, лой ва чанг парчалари атрофга учар, Веня эса, дадасининг калтагидан қочмоқчи бўлган болакайга ўхшаб, думбасини қўллари билан бекитишга ҳаракат қиларди.

– Хайдасанг-чи, ахир! – инқиллади Леонид.

Веня Фоминни тепкилаб бораётган Паша Силакова ва ўзининг «хайдасанг-чи, ахир» деган чинқириғи – Леонид ўнгида кўрган, эшитган нарсалар шу бўлди. У ҳушидан кетди.

Куз ёмғирлари ювган, ўнқир-чўнқир, кимсасиз йўлда машина қаттиқ чайқаларди. Ярадор ҳушидан кетди. Кўз ўнгида эса, абжағи чиққан каламуш кўринаверди. Вейсқда навбатчилик пайтида у шаҳар марказида жойлашган, одам кам бўладиган сомсахонага тез-тез бориб турарди. Ву ерда каттакон дока қалпоқ кийиб олган, юзлари қирмиз, кувноқ қизлар ишлашарди. Улар Сошнин учун мойни сира аяшмас, сомсани товада худди Лина холадек кип-қизартириб пишириб беришарди.

Кунларнинг бирида, милиционерлар навбатчи машинада ўша сокин, ям-яшил кўчадан кетиб боришарди. Бирдан уларнинг кўзлари эски, чирий бошлаган уйдан чиқиб, кўчани кесиб ўтиб, сомсахонага қараб бораётган, мўйловдор катта каламушга тушиб қолди. Хайдовчи тезликни оширди. Каламуш

жон аччиғида чийиллади. Асфальтда бир парча тери қолди, холос. Шаҳар санитарлари – қарғалар ўлакساني пок-покиза туширишди. Ўшандан бери Сошнин сомсахонага қадам босмай кўйди. Ўша жойни эслади дегунча, кўз ўнгида қорни қаппайган каламуш пайдо бўлар, қусгиси кела бошларди.

Починка йўлида у куса-куса шунчалар қийналдики, оқибатда юраги безовта бўла бошлади. Қийнокнинг зўридан силқиб қон оқарди. Ярадор йўлда бўйнигача сарғиш, ифлос суюкликка ботиб қолди. У қандайдир ғайриинсоний кучаниш билан бошини кўтарар, катта очилган орзи бадбўй суюкликка тўлишига йўл қўймас, лекин кўз ўнгида туриб қолган каламушдан сира халос бўлолмасди. Каламуш ҳамон унинг ортидан чийиллар, айниқса, бурилишларда бу товуш кучаяр, хўл, яланғоч каламушчалар туғилаверарди.

Асфальт йўлга чиқишгач, каламушнинг товуши ўчди. Лекин Леониднинг боши танасидан жудо бўлди-да, машинанинг темир полини даранглатиб, у бурчакдан бу бурчакка думалай бошлади. Мана, боши ҳам филдираклар остида ғарчиллади, лекин чийиллаган товуш чиқмай, тарам-тарам ёрилган асфальтда очик кўзлари парчинланиб қолди. Йўл ёқасидаги дарахтлар учида ўтирган қора қарғалар бутуқлар билан тумшуқларини тозалаб, асфальтда қолган бошни чўқишга хозирланишарди. Улар Леонидга болаликдан жуда яхши таниш бўлган кўзлардан, шимол русларининг кулранг-кўкимтир кўзларидан ея бошлайдилар.

– Бошимни!.. Менинг бошимни унутибсизлар! Бош-ши-им! Бошимни олинглар, ердан!

У қаттиқ қичқирди, буни ҳатто, қарғалар ҳам эшитишди. Улар кўрққанларидан учиб кетишади ва бошига индашмайди, деб ўйлади. Аслида эса,

у кип-кизил гўшти чиқиб қолган лабларини зўрға қимирлатганди, холос. Лабларига нимадир тегди, оғзини куйдириб, бурун катаklarини ёндириб, боши туриши лозим бўлган жойга урилди ва жуда қисқа вақт бўлса-да, нафасини ростлади. Тириклигини, боши ўрнида эканини пайқади.

Лекин яна боши ўрнида милиция ёниб-ўчувчи чироғининг нури липиллаб қолди. Бироқ, бу нур кўк ҳам, қизил ҳам эмас, негадир сарғиш, гўнг рангида эди. У яна бошини кўтарар, суюқлик оғзи, бурнини тўлдиришига йўл қўймас, лекин сарик оқим секинлик билан шафқатсизларча бостириб келаварди. Леониднинг оғзи тўлиб кетган, томоғи бўғилар, ҳаво етмаганидан томирлари тортишиб, уни ғужанак қилар, пайларини бурдаларди. Енгилгина гавдаси билан Сошнинни босиб турган қишлоқ фельдшери ярадор тананинг талвасасига бас келолмас, кўз ёшларини шашқатор қилиб ёлворар, илтимос қилар ва қичқирарди:

– Жонгинам... Азизим... Типирчилама! Типирчиламасанг-чи! Тинчлан! Қон кўп оқяпти! Азизим... Жонгинам... Тезда шаҳарга етамиз. Яқин қолди. Жонгинам... Тезда шаҳарга етамиз. Яқин қолди... Қара, сен қанақа кучлисан! Албатта, тирик қоласан! Сен яшайсан...



ЕТТИНЧИ БОБ

Леонид жарроҳлик амалиётидан сўнг бир кечакундуз ўтгач, ўзига келди. Уни ўша, оёғи синганда даволанган жарроҳлик хонасида, ўша, ҳеч ким ўрнини боса олмайдиган Гриша Петерягин ямаб-ясқади. Фақат Гриша Петерягининг энди бир тўда ёрдамчилари бор эди.

Леонид дераза ёнидаги ўша каравотда ётарди. У дераза ортида қари теракнинг қуриб қолган шохи борлигини биларди. Ўраб-чирмалган, атрофи шиша идишчалар билан тўлдириб ташланган Сошнин ўша таниш терак, ўша суякдек мўрт танани кўриш учун кўзғалгиси келар, лекин бунинг иложини қилолмасди. Юзига тегиб турган кўллар ва баъзи-баъзида оғзини ёпиб қўядиган сочлар хидидан, кўз ўнгида титраб турган туманли нур қўйнидан Леркани таниди. У Леонидга қошиқчада сув ичирди. Узоқдан «бемор кўзини очди» деган товуш қулоғига чалинди. Хақиқатан ҳам, кўз очгани, оча олишини ўз-ўзига исботлаш учун Леонид жуда кўп куч сарфлади. Вужудидаги жами кучни бир ерга тўплади. Зўр бериб, фикрини йиғиб олди-да, дераза ортидаги теракни, ёлғизгина куруқ танани нигоҳи билан қидириб топди. Куз шамоли куни битган танадаги пўстлокнинг қолган-қутганини учирмоқчи бўлар, лекин юқорироқда сўлиб, музлаган, ерга тушиб улгурмаган япроқлар ҳамон шитирлаб турарди. Миттигина қушча қишда жон сақлаш учун пўстлок ва барглар орасига беркинган қумурсқаларни топиш учун танани, бутоқларни ковлаштирар, баргларни тўқар, музлаган оғир барг узилгач, ҳавода учиб юрмай, жониворни кўрқитиб юборадиган овоз чиқариб, пастга тушиб кетарди. Қушча «пирр» этиб учиб, ўткир кўзлари билан баргни кузатишдан тўхтамас, сўнгра хотиржамланиб, яна ўз иши билан машғул бўларди.

«Бир умр ана шундай ҳаёт кечиради, озиқ излайди, ташвиш, таҳлика тортади, баҳорни орзиқиб кутади. Қандай яхши! Қандай гўзал!..»

Инсон нигоҳини сезган қушча ишни тўхтатди, ноз билан бошчасини, болаларникига ўхшаган шишинқираган, нимранг ковоғини солинтириб, ойна

ортидан унга нигоҳ ташлади. Бу нимжон киши ўзига ҳеч қандай зиён етказа олмаслигини англагач, шу заҳотиёқ хотиржамланиб, машғулотини давом эттирди.

– Ку... ку... куш-ча! – деди Леонид зўрға шивирлаб ва тирик жонзотни кўраётгани, у ҳам ўзига боқаётганини англаб, йиғлаб юборди.

Яна бир кеча-кундуздан кейин у кўзларини очмай сўради:

– Қаердаман?

– Ўша, ўша жойдасан. Ғоя ҳам ўша-ўша. Қабоҳатни йўқотиб, яхшилиқ тантанаси учун курашиш керак. – Қулоқлари битиб қолган, Лерканинг овози узок-узоклардан эшитиларди.

У кўзларини пирпиратиб, атрофга назар ташлади. Леркадан унга қараб, қалин симлар тортилганди. Демак, улар бир умрга мустаҳкам боғланишган.

Унинг ҳазиллашгиси, уй-рўзғор, оила хусусида валақлашгиси келарди. Ҳозир бу энг кулгили мавзулардан ҳисобланади. Ялтироқ найчалардан қандайдир нурли бир суюклик оқар, пуфакчалар ҳосил қилар, симлар эса, марҳум жасаидан тортиб олинган томирларга ўхшаб, кўрқинчли кўринарди. Лекин шиша найчалардаги зўлдирчалар баҳорда оқ қайин танасидан оқаётган шарбатга ўхшаб, қувноклик ва шошқалоқлик билан думалашарди. Фақат афсус, ҳеч қандай товуш эшитилмасди. Лекин барибир яхши. Ўзи шундоқ яхши, вассалом! Нимадир кимирлаб, шошилиб, тетикланиб турибди.

Бу нима деган гап ўзи? Оёғини тикиб қўйишгандан бери у бу ердан кетмаганмиди, нима бало? Ёинки уни яна майиб килиб қўйишдимиз?

– Э, э, ха, Тугожилино. Бузоқхона. Аёллар. Веня Фомин... «Бу қандай бедодлик? Нуқул дўппослашади, майиб қилишгани қилишган... Қачон бунга чек кўйилади, ўзи? Бунинг адоғи борми?»

Леониднинг ўзига раҳми келиб кетди. Яна кўзларига ёш қалқиди. Обидийда қилгиси келди. У ўгирилмоқчи эди, бўлмади. Симбанд қилинган, боз устига, мадори ҳам йўқ. Лерка икки кеча ухламаганди. Эрининг ёноғида ёш кўриб, юзларини кўли билан бекитди. Лекин кўзёшлари бармоқлари орасидан сизиб чиқди.

– Сен, қарчиғай, бир кун эмас, бир кун бу азиз бошингни тупроққа қўясан, – Лерка қойиллатиб, маромига етказиб сўкинарди.

Леонид жон қулоғи билан эшитишга тайёр эди. Умуман, у ҳозир хаммага, ҳамма нарсага қулоқ тутишга, тинглашга рози эди. Бу шундай бир бахтки!

– Қишлоқда Аллоҳнинг ҳам, бошлиқлару одамларнинг ҳам ёдидан чиқиб кетган пастқам бир гўшада жиноятчини кўлга олибдилар! Бизда қаҳрамонлик учун ҳамма ерда ўрин бор, демоқчи бўласиз-да? Жон таслим қилишингга озгина қолибди-ку!

Леонид кўлини зўрға кўтариб, Лерканинг тиззасига қўйди. Хотинининг тиззаларини дуркунгина, дум-думалок, қуёш нури тушиб турган ҳолатда тасаввур этди. Қачонлардир, қай вақт, қайсидир асрда, ётоқхонада шундай ҳолат юз берганди. У тимирскиланиб, хотинининг бармоқларини топиб, сикмоқчи бўлди:

– Ўша пастқам бир гўшада сен тентакни...

– Учратиб қолдим, – қўшиб қўйди Лерка.

– Худди шундай!

– Хўш, кейин-чи, кейин нима? Мен сизни учратдим ва ўтмиш хотиралари пажмурда қалбимда жонланди, яна? Шундайми?

– Худди шундай, – жонланди яна.

– Офарин, койил қилдинг! Қаттиққўл тезкор ходимнинг кўнгиллари меҳрибонлик, ноз-фиروق тусабаб қопти-да. Лирик туйғулар кўзиб кетибди-да. – Лерка дераза томон ўгирилди. Унинг кўзлари ёшга тўла эди.

– Ҳақиқатан ҳам, бу ерда кушча бор экан! – ҳайратланди у, – кўзинг жуда ўткир, қарчиғай! Жуда синчковсан! Шу сифатларинг қаторида озгина ақлинг ҳам бўлгандами, ажойиб эр, ажойиб эркак бўлардинг-да!

– Ҳалиям, мен жуда ақлиман. Ақлим кўплигидан ўзимни жуда ноқулай сезаман. Ақлим жуда узун, иштоним эса қисқа.

– Кўп сафсата сотаверма! Ақли расоларни занглаган паншаха билан тешиб ташлашмайди. Ақллилар, боз устига, ёзувчиларни тўппончада отишади.

– Милиция кийимида бўлганимда бунчаликка бормасди. У мени зиёли сайёҳлардан, деб ўйлади... – Сошнин чуқур нафас олди, шошиладиган жойи йўқ. Унинг жудаям валақлашгиси келар, хотини билан анчадан бери чақчақлашмаган эди. – Уларинг ким бўлишибди?! Уларни чавақлаш, сочини қирқиш керак...

– Сен бунчалик кўп ҳазиллашининг мумкин эмас. Ҳазиллашиш учун ақл, куч сарф бўлади. Сенда эса унисиям, бунисиям йўқ...

– Қорним оч, овқат егим келяпти, хотинвой!

– О-о! Мана бу бошқа гап!

У бу гал ҳам бир амаллаб тирик қолди. Ёноқлари қирмизи, эндигина тўлиша бошлаган ошпаз қиз учинчими, тўртинчими куни «ўз қариндоши»ни кўргани келди. Сошнингга ўша қизнинг қонидан куйишганди.

Қиз сал нарироқда туриб омонлашди:

– Салом, хўш, саломатлигингиз қандай, ўрток лейтенант?

Яна йиғлаб юбормаслик учун Сошнин ҳаддан ташқари кўп куч сарфлаб, ўзини қўлга олди. Қизни ёнига имлади:

– Бу ёкқа келинг. Менга яқинроқ келинг! – Сошниннинг юраги жойидан узилиб кетгандай бўлди. Ана шуларни деб «ўтга ҳам, сувга ҳам кирсанг бўлади!» – Соғлиғим яхши. Яхши бўляпти, – у ошпаз қизнинг сирка буриштирган, томирлари кўришиб турган, пиёз ҳамда Лина ва Граня хола-ларнинг кадрдон ҳиди келиб турган қўлини олиб ўпди. Сўнгра куч тўплаб, қизнинг шамол таъсирида сал ёрилган, қирмизранг таранг ёноғидан ҳам ўпди. Бу қилиғи билан уни беҳад уялтириб қўйди. Қизни ноқулай аҳволдан қутқариш учун кўз ёшлари аро жилмайиб турган Леркага ишора қилди:

– Мана бу менинг хотиним! Унинг онгида заррача ўтмиш саркити йўқ. Рашк нималигини билмайди. Замоनावий аёл-да...

Леонид бир ярим ой касалхонада ётди. Яна бир ой уйда ўтирди. Сўнгра уни ногиронликка чиқаришди. Бир йил муддатга. Хўш, ундан кейинчи? Албатта, шаҳар милиция бўлими улкан даргоҳ. Вилоят ички ишлар бошқармасида ҳам ҳар хил бўлинмалар талайгина. Қайсидир гўшадан унга қарилик нафақасини кутиб ётиш учун тинчгина иш топиб беришади. Лекин бунақа ишнинг унга кераги йўқ. «Фронтда разведкачилик қилган киши, – дея ҳикоя қиларди Лавря-казак, – бошқа қисмга сира кўниколмайди. Жиноят кидирув бўлимида ишлаётганлар ҳам худди шундай: бир жойда ўтириб, тинчгина ишлашни ёктиришмайди».

Веня Фомин устидан бўладиган кўргазмали судни Тугожилино қишлоғида ўтказмоқчи бўлишди. Анчадан бери бекор ётган қишлоқ клубини очишди. Лекин клуб шу қадар совук, печлари шу қадар ночор ахволда эдики, судни марказий кўрғон – Починка Қишлоқ кенгашига кўчиришга қарор қилишди. Маданият уйи ёпик. Уни ёздан буён таъмирлай бошлаган карпатлик ёлланма қурувчилар ишни жуда чўзиб юборишганди.

Судланувчини у ёқдан-бу ёққа олиб юришгунича, у тоза энгил-бош кийиб, қорнини тўйғазди, бинойидай отиб олишга ҳам улгурди. Дўсти Арина Тимофеевна Тариничева унинг ҳамма гуноҳларини кечирган, «севгилиси» яқинида бўлишга интилар, ҳеч кимга билдирмай, чўнтагига ҳали сигарет, ҳали гугурт, қоғозлари кир-чир конфетларни солиб кўярди.

Судга жуда кўп одам тўпланди. Атроф қишлоқлардан янги кийимларни кийиб, велосипед, мотоцикл минган кишилар келаверишди. Гармонь овози янгради. Аракхўрлар пайдо бўлишди. Деярли бўшаб қолган қишлоқчаларда зерикарли, бир маромда кун кечираётган кишилар тўпланиб, чакчақлашиш, бир-бирларидан ҳол-ахвол сўрашга баҳона топилганидан хурсанд эдилар. Шунча тўс-тўполонга ўзи сабабчи бўлганлигини сезган судланувчи қаддини роз тутиб юрар, қўллари билан турли имо-ишоралар қилиб, аёлларга гап сотарди. У пайт топиб, жабрланувчининг олдига келди. Ярадор елкасига шапатилаб, соғлиғини суриштирди. Веня Сошниннинг бир ўлимдан қолганини, нафақага чиққанини Аринадан эшитганди. Шу боис чаккасини қашлаб, хиринглаб кўйди: Сошнин унга паншаха санча қолса бўлар экан. Ана унда ўртоқ Фомин пенсия олиб, маза

қилиб ётар, у бўлса, жиноятчиларни тутиш билан овора бўлиб юраверарди.

– Умуман, мени кечирасан! – жиддий тортиб, хулоса қилди Веня Фомин, – шу ерлик эканлигини билмабман. Ерлик эркакларни мен жуда қадрлайман. Улар жуда оз қолишган.

Суд давомида Веня ўзининг махмадоналигини кўрсатди. У жараён бутун конун-қоидаларга мос олиб борилишини эътибор билан кузатар, судья, маслаҳатчилар, қораловчи ва оқловчи бирор конунни бузишса, уларнинг хатосини тузатиб қўярди. Веня Фомин мураккаб судлов ишини тажрибада яхши ўзлаштириб олганлигини англаган халқ унга ҳурмат билан қулоқ тутарди. Шундай мураккаб фанни ўзлаштирибдими, демак, унинг калласи жойида, – дейишарди аёллар, фақат шундай ақлли бош, аҳмоқ одамга насиб қилган экан.

Суд азза-базза, жуда узоқ давом этди. Гувоҳ аёлларнинг айримлари бефаросатликдан, айримлари Арина Тариничева илтимосига кўра кўрсатмаларни чалкаштириб юборишарди. Бирдан «Веняни нари борса, уч йилга кесишади. Кимё заводига ишга жўнатишади. Чунки, ҳамма жойда ҳам ишчи етишмайди», деган шивир-шивир эшитилиб қолди.

Лекин Сошнин уни узоқ муддатга қамашларини биларди. У учинчи маротаба судланаяпти. Боз устига, бир-биридан қаттиқ моддалар билан айбланаяпти. Ҳақиқатан ҳам, судланувчини 10 йилга қаттиқ режими қамок жазосига ҳукм этишди. Унинг кайфи дарҳол тарқади, бурнини енги билан артиб қўйди, елкалари титрай бошлади. Аёллар уввос солишди. Судланувчига сўнгги сўз берилганида, у секин қўл силтаб қўйди. Арина Тариничева конвойни итариб юбориб, хўнграганча Веня Фоминнинг бўйнига осилди. Бу ерлик бўлмаган бир барзанги

маст-аласт гўнғилларди: «Н-но-тўғ-ри-и имтиҳон! Ўн йил, нима учун? Бир изкувар тозини яралагани учунми? Улар жуда кўп, ҳаммамизга етиб ортади. Но-тўғ-ри имтиҳон! Мен бир неча маротаба аристон бўлганман. Бунақа иш учун қанчага қамаш керак-лигини биламан. Шикоят ёз, дўстим...»

Леонид димикиб кетган Қишлоқ кенгаши биносидан чикиб, дарё қирғоғидаги карағайзорга борди. Ўша ердан Веня Фоминни қандай олиб кетишганини кўриб турди. Раҳмдил аёллар Веня соқчи олдига тушиб кетаётганига қарамай, томоғини яна хўллаб олишига имкон яратишга улгуришган, бадкор йиғидан қизарган, ювошгина Арина Тариничевани кучоқлаб олганди.

– Мени кутгил ва мен қайтарман, ҳамма ажиналарни қолдириб доғда! – суюқдор мушти билан пўписа қилиб, қишлоқ бошлиқлари томон бақирарди Веня Фомин, – ҳаммангиз кутинг. Мен шох синдириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Мен сизларни озодликнинг қадрига етишга ўргатаман...

* * *

Леонид Паша Силакованинг уйида овқатландида, қайнона-қайнотасиникига бормай, Хайловскка кетди. У ердан деярли бўм-бўш, мудроқ электричкада уйига жўнади. У вагон деразасидан сокин далалар, қишлоқча, кичик бекатлар, йўл чеккасидаги уйчалар, ботқоқлардаги яккам-дуккам дарахтлар, яланғоч, олачипор қайинларни томоша қилар, чуқур ва беадад ғам оғушига ғарқ бўлганди. Йўк, унинг Веня Фоминга раҳми келмас, шу билан бирга тантана ҳам қилмас, кўнглида бадхоҳлик йўк эди. Узок йиллар милицияда ишлагани учун қалбида аристониларга нисбатан меҳр-шафқат қолмаган эди.

Ҳали ҳеч ким охиригача тушуниб етмаган, тушуниши сира мумкин бўлмаган бу самовий «русларга хос меҳр-шафқат» ҳисси азал-азалдан асрлар оша рус кишиси вужудида ҳамдардлик, эзгуликка интилиш туйғуларини аллалаб келади. Лекин худди шу вужудда дардманд кўнгилнинг қайсидир қоронғи бурчагида жуда тез қўзғаладиган, бирданига аланга олиб кетадиган, турли қиёфага кира оладиган ёмонлик, қабоҳат яшириниб ётади.

Яқинда хунар-техника билим юртини тамомлаган ёшгина бир йигит ичиб олиб, зиғир комбинатининг аёллар ётоқхонасига кирмоқчи бўлди. У ерда меҳмонда бўлган жазманлар она сути оғзидан кетмаган болакайни ётоқхонага йўлатишмади. Муштлашиш бошланиб кетди. Йигитчанинг башарасини пачоклаб, уйига жўнатиб юборишди. У эса, аламда йўлида учраган биринчи кишини ўлдириб ташлашга қарор қилди. Биринчи учраган киши эса, ёшгина соҳибжамол аёл бўлиб чиқди. Аёлнинг бўйида олти ойлик ҳомиласи бор эди. У Москвада дорилфунунни муваффақиятли тугаллаётган, таътилда Вейскка эрини кўргани келганди. Хунар-техника билим юрти битирувчиси уни темир йўл нишаблигига ирғитди-да, тош билан зўр бериб, бояқишнинг бошини ёра бошлади. Ҳали нишабликка кулаётганидаёқ аёл ўзининг ўлимга маҳкум эканлигини англади ва ортидан сакраган йигитга илтимос қила бошлади:

– Мени ўлдирманг. Ҳали жуда ёшман, яқинда фарзанд кўраман, – бу гаплар қотилни баттар қутуртириб юборди.

Шоввоз турмадан биттагина хат йўллади. У ҳам бўлса, овқатнинг ёмонлигидан нолиб, вилоят прокуратурасига ёзилган шикоят эди. Суддаги сўнги сўзида у шундай гўлдиради:

– Мен, барибир, кимнидир ўлдирган бўлардим. Нима, шундай яхши аёл учраб қолганига мен айбдорманми?

Ёш-у, рўр эмас, ёшлари ўтгиздан ошиб қолган, китобсевар эр-хотиннинг уч фарзандлари бор эди. Улар болаларни яхши боқишмас, хабар олишмасди. Устига-устак, тўртинчи бола турилиб қолди. Эр-хотин бир-бирларини жуда қаттиқ севишарди. Уч бола жондан безор қилиб турганида тўртинчисига бало борми? Улар чақалоқни ёлғиз қолдирадиган одат чиқаришди. Ўғилча эса, дуркунгина, жони қаттиқ, туну кун чинқиргани чинқирган. Бора-бора чинқирмай қўйди. У пишилар, ҳиқилларди, холос. Қўшни аёл тоқат қилолмади, гўдакни бўтқа билан тўйғазмоқчи бўлиб, деразадан уйга кирди. Лекин бўтқанинг энди кераги йўқ. Чақалоқни куртлар еб бўлаёзган эди. Боланинг ота-онаси аллақандай қоронғи чорбоғда эмас, Ф.Достоевский номидаги вилоят кутубхонасининг ўқиш залига бекиниб олишганди. Ўша энг буюк инсонпарвар Достоевский эса, инкилоб туфайли ҳатто биттагина бола ҳам азият чекадиган бўлса, мен бунақа инкилобни тан олмайман, дея бутун дунёга овоза қилган, жар солган эди...

...Яна бир эр-хотин жанжаллашиб қолишди. Она эрининг дастидан қочиб кетди. Ота ҳам уйдан чиқиб кетиб, тараллабедод арақхўрлик қилиб юраверди. Ҳар қанча кўнгилхушлик қилса, вино бўғзига тикилиб ўлса ҳам майли эди, лаънати. Фақат, уйда ҳали уч ёшга ҳам тўлмаган бола қолиб кетгани ҳеч кимнинг ёдида йўқ экан. Бир ҳафтадан сўнг эшикни бузиб киришса, ҳатто, пол тирқишларидаги лойни, уй юзидаги кумурсқаларни ушлаб ейишни ўрганган болагинага кўзлари тушди. Болалар уйда дистрофия, рахит ва аклий

заифликни енгиб, ўғилчани омон сақлашди. Лекин у ўрганиб қолган бир қилиқни йўқотишнинг сира иложи бўлмапти. Бояқиш ҳамон ниманидир ушлаб олмоқчи бўлади.

Ҳар қанақасига кун кечириш мумкин: яхши ва ёмон, келишиб ва келишмай, тўғри ва нотўғри. Леониднинг доимий шериги Федя Лебеда жуда тўғри ҳаёт кечиради. Шу боис у ярадор бўлиш у ёқда турсин, ҳатто, бирор ери хаста бўлгани ҳам йўқ. Шаҳар яқинида унинг қарийб уч қаватли нақшинкор дала ҳовлиси, ҳатто, ўша вилоят Ички ишлар бошқармасидаги сингари қимматбаҳо, лекин дидсизлик билан безатилган кошнлари бўлган камини ҳам бор. Лебеданинг дала ҳовлисида мусикали ёзувлар жуда кўп, рангли телевизор, «Запорожец» бўлса-да, ҳарқалай, ўз машинасига ҳам эга. Булар ўғрилик, юлғичлик билан эмас, балки милиция ходимининг камтаргина маошига сотиб олинган. «Яшай билиш, яшай олиш керак!» – дейди Федянинг «Шимол» ресторанида ходима бўлиб ишлайдиган хотини Тамара. Санъатга ихлосмандлиги ва Маяковский асарларини ўқишни яхши кўрганлигидан, эҳтимол, Полевки қишлоғидаги «орқа тоғ»лари мустаҳкамлигидандир, Лерка Тамаранинг бу шориға эътибор қилмасди. Балки, бутунлай эътибор бермасди, деб ҳам бўлмас, ҳарқалай, Сошнин бундан уч йил бурун Хайловскдан кадрдон шаҳри Вейска қайтаётиб, электрчкада учратган бечора аёл сингари бу масалани биринчи ўринга қўймасди, холос.

Леониднинг рўпарасида ўтирган ўша афтодаҳол аёл бошини вагон деворига тираганича, йўл бўйи йиғлади. Аввалига у кўзёшларини дастрўмолчаси билан артиб турди. Дастрўмол жикқа ҳўл бўлгач, дуррачасини қаровсизликдан жундай пахмоқ бўлиб

қолган оқ сочли бошидан тортиб тушириб, ёшларини арта бошлади.

– Мени кечирасиз, – деди аёл Сошнин ўзига қараб турганини сезгач, сўнгра сочларини, у ер-бу ерини тузатган бўлиб, қўшиб қўйди:

– Эримнинг умрини хазон қилдим. Шундай яхши одамнинг ҳаётига зомин бўлдим...

Аёл яна кўз ёшларга ғарқ бўлди. Лекин у кўнглини бўшатгиси келарди. Умуман олганда, жуда оддий бир воқеа тарихини сўзлаб берди. Бу воқеа шунчалар оддий эдики, уни жудаям оддий, деб додласанг ҳам, ҳайқирсанг ҳам камлик қилади.

Бир эр-хотин одмигина ҳаёт кечирардилар. Улар камтарин хизматчилар бўлиб, маошлари ҳам, имкону иқтидорлари ҳам ҳамин қадар эди. Эр-хотин кўп ишлашар, бир-бирларини севишарди. Болалар – ўғил ва кизлари туғилмасидан илгари кинотеатрга боришар, дам олиш кунлари дарёда чўмилишар, қишда эса, чанғида сайр қилишарди. Жуда унчалик кўп бўлмаса-да, у-бу ўқиб туришар, телевизор кўришар, хоккей ишқибозлари ҳам эдилар. Улар жуда бахтиёр бўлганлар. Болалар катта бўлишмоқда, иш, ташвишлар билан кунлар ўтиб борарди. Лекин вақти келиб, аёл ховлилардаги машиналар, шаҳар чеккасидаги дала ховлилар, дўстлари, танишлари уйидаги гилам, биллур идишлар, магнитофон, чиройли кийим-кечак ва мебелларга ҳавас билан қарай бошлади.

У ҳам шунақа буюмларга эга бўлгиси келиб қолди. Эрини бошқа, сердаромадрок, ёғлироқ ишга ўтишга ундашга тушди. Эр қайсарлик килиб туриб олди. Хотин эса уни: «Сендан ажраламан, болаларимнинг дийдорини кўролмайсан», дея кўрkitди. Эр сердаромадрок ишга ўтди ва кунларнинг бирида маошидан ташқари, хатто, рангли телевизорга

етадиган пул олиб келди! Иккинчи марта бутун бошли гиламга етадиган пул олиб келди. Учинчи марта... эса уйга қайтиб келолмади. Энди уни беш йил кутишга тўғри келади.

Мана энди, ўша аёл қамокхонага эри билан биринчи учрашувга борибди. «Қара, жиноятчи эрингни яхшилаб кўриб ол! Томоша қил! Сен шундай бўлишини истаган эдинг!» – деди эр. Аёл: «Мен бўлсам, тиз чўкиб, унинг қўлларини, оёқларини ўпяпман, у эса, менга тескари қараб, ҳеч нимани кўришни, эшитишни истамайди. Йиғламайди ҳам. Олиб борган нарсаларимни ҳам олмади. Ҳеч бўлмаса, бир йил кўзига кўринмаслигимни буюрди. Энг охирида: «Болаларга раҳмим келади», – деди, холос...»

Ҳа, ҳаёт жуда ранг-баранг, ҳар ким ҳар хил яшайди. Яқиндагина, Сошнин пенсияга чиққандан сўнг, янги тумандаги янги омонат кассасида кечаси сигнализация ишга тушиб қолди.

Жиноят кидирув бўлимидан давлат автомобиль инспекциясига, сўнгра соқчилик хизматиға ўтиб олган Федя Лебеда Вейск махсус мактабини яқиндагина тугаллаган ёшгина ходим билан сигнал бўлган ерга жўнади. Федя Лебедада қурол бор эди. Лекин шундай бўлса-да, касса ёниға ёш, қуролсиз ходим борди. Келиб қарашса, қандайдир бир киши эшикка тимирскиланяпти. Ёш ходим рисоладагидек қилиб: «Гражданин, ҳужжатингизни кўрсатинг», – деди. «Ҳо-ози-ир», – деди нота ниш кимса ва қўлини қўлтиғига тикиб, тўппончани чиқарди-да, кетма-кет учта ўқ билан милиционерни отиб ташлади.

Федя Лебеда эса, тирик қолди, соғ-саломат юрибди. Тушунтириш хатларида шундай изох беради: «Объект унчалик хавфли эмас-у, миясиз,

шалоқ бир кишида курол бўлишини ким билибди, дейсиз?» Федя Лебеда капитан унвонида эди. Катта лейтенантликка туширишди. Ҳозир эса, бўлимда навбатчилик қияпти. Уни тинчгина соқчиликдан бесаранжом ишга ўтказишди. Лекин бу ерда ҳам у «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида ишлайверади. Қарабсизки, майор ёки полковник унвонига сазовор бўлгунча хизмат қилади. Ёшгина ходим эса, «мархум» деган абадий унвонга сазовор бўлди. Чунки, Федя Лебеда кўнглида яширинча ўйлашича, унинг ўзи аҳмоқ эди. Сошнин Федяга ўхшаган номураккаб кишиларнинг фикру хаёли, ишлари, ҳаётда тутган йўли тўғрилигига бўлган комил ишончини олдиндан кўра биларди. Яхшиямки, Федя урушдан кейинги йилларда туғилган. У фронтга тушиб қолса борми, қанчадан-қанча ёш йигитларни ўз ўрнида ўққа дучор қилган бўларди.

«Ҳаёт манзараси мана шунақа!» – Леонид фикрларини Алексей Демидович Ахлюстин сўзлари билан якунлади. «Се-ля-ви – назарий таҳлил қилиш жуда мушкул», – вайсайди билагон Сираквасова. «Эҳ, ҳаёти кўтир, кучоқлашга одам йўқдир!» – уф тортади Лавря-казак. «Бу ҳаётнинг ўзи шунақа, балиқ овига ўхшаб кетади. Баъзан илинади, баъзан илинмайди...» Сирасини айтганда, Паша тоғанинг фалсафаси ҳаётга, воқеликка энг яқин, содда, тушунарли.

Биргина умрида юз йигирма йил қамоқ жазосини олиб улгурган, худога сифинишни, жуда қаттиқ тартибли кадрдон қамоқхонаси кечки мактабида савод чиқаришни бошлаб юборган аристонни, бепоён кенгликларда, худди йигитлардек мотоцикл учириб юрган Паша Силакова, «қайфияти бузилмасин» деб судга келмаган қайноғаси Маркел Тихонович, Починкага ясан-тусан қилиб борган, бутун афт-ангори,

кўриниши билан «ҳақиқатан судлаш керак бўлган кишини топмабсизлар, судларингиз ҳам ўзига яраша» демокчи бўлаётган қайнонаси, суднинг ўзиини қандайдир кўнгилочар томоша сифатида қабул қилаётган кишилар – буларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳаёт, деб аталади. Бу ўша-ўша, «ё илинадиган, ё илинмайдиган», қувноқ, бетакаллуф, ақл бовар қилмайдиган даражада шафқатсиз ҳаёт. Вагон ойнасидан «лип-лип» ўтиб турган кишлокчалар, ўрмону ботқокликлар, йўл чеккасидаги, ҳатто, электрички қопишга ҳам тайёр турган ит сингари жуда мураккаб ва оддий ҳаётнинг ўзгинаси.

Суд тинкасини қуритган, йўл ва ичкилик чарчоғи элитган Веня Фомин эса, турма машинаси панжараси ортида маза қилиб ухлаб ётибди. У ҳеч нимани ўйламайди ҳам. Бахтиқаро болаларнинг ота-оналари, ёшгина онанинг умрига зомин бўлган ҳунар-техника билим юрти талабаси, ўз умридан ҳам узоқ қамоқ жазосини олган, қочмоқчи бўлганда кўлидан ўқ еган, художўйликка муккасидан кетган ўша машҳур аристонини – буларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳаёт ҳақиқати, воқелик, ўртоқ Сошнин. Кўлингдан келса, таҳлил эт, ҳаёт ҳақиқатини англаб етиш даражасига кўтарил. Бўлмаса, болта ушлашни билмай туриб, дурадгорликни даъво қилишга не ҳожат?

Заминдаги жамики мавжудот борлиғи – ҳақиқат. Ер, осмон, ўрмон, сув, қувонч, ғам-алам, кўз ёшлари, кулги, оёқларнинг тўғри-эгрилигидан қатъи назар, сенинг ўзинг, фарзандларинг – буларнинг ҳаммаси – Ҳақиқат. Ҳақиқат – инсоннинг энг табиий ҳолатидир. Қичқирган, нола чеккан, йиғлаган билан йўқотиб, адо қилиб бўлмайди. Шундай бўлса-да, у ҳар бир қичқирик, ҳар бир оҳ-воҳ, кўшиқ, йиғи билан биргаликда нола чекади, йиғлайди, кулади, ўлади ва қайта туғилади. Ҳатто, одатдагидек, ўз-

Ўзинга ёки бировга ёлгон сўзлашинг ҳам ҳақиқат. Энг қўрқинчли қотил, ўғри, калтафаҳм бошлик, айёр ва дажжол қўмондон – жуда ноқулай, жирканч ҳақиқатдир. Буюк шоир: «Бу заминда ҳақиқат йўқ. Лекин эвоҳ, ундан юқориқда – коинотда ҳам ҳақиқат йўқ-ку!» – дея нола чекканида, ёлгондакам обидийда қилмаётганди. У олий адолат, инсонлар не-не азоб-уқубатлар билан тушуниб етадиган Буюк ҳақиқат ҳақида гапирмоқда эди. Бу ҳақиқатнинг баланд чўққисини забт этмоқчи бўлганлар қулаб тушишади, ҳалок бўлишади, ўз тақдирлари, бутун бошли халқлар тақдирини чилпарчин қилишади. Лекин улар альпинистларга ўхшаб, ўлим кўланка солиб турган баланд қояга қайта-қайта тирмаша-верадилар. Ҳақиқатни тушуниб етиш – инсон умрининг энг асосий мақсади, мазмунидир. Ана шу ҳақиқат йўлида инсон нурафшон чўққилар, яратувчи онг сари йўлчи-юлдуз, нарвон бўлиб хизмат қиладиган бир ҳақиқат яратадики, уни яратмаслиги мумкин эмас, яратмасликнинг иложи йўқ.

Лекин бутун умри қамоқда кечган, қўнғил поклиги учун худога сифинадиган аристонни – яхши ҳақиқат эмас. У ёлгондан ҳам даҳшатлироқ.

Сошнин ўзини мажбур қилиб, бир амаллаб, ўрнидан қўзғалди. Ойна олдида тик туриб, қафтлари билан юзини сийпалади. Соқоли негадир жуда тез ўсган эди. Йўғ-е, бу ер қоронғи. Шундай туюлаётгандир. Ёинки хотиралар таъсирида юзи қорайиб қолибдими? Ҳарқалай, шундай бўлса керак. Бўлмаса нашриётга жўнаш олдидан соқолини қиртишлаган, ўзига оро берган эди-ку?

Сошнин тароқни ҳўллаб, хар кўйга тушиб қолган сочларини тартибга келтирди, бошини сий-

паб қўйди ва почтани олиб келгани жўнади. Зина-
поя ости ҳамон ўша ифлослигича турарди. Тамаки
қолдиклари, шиша бўлаклари, темир тикинлар, гу-
гурт, сигарет қутилари, йиртиқ қоғозлар. Эзғиланган
балиқ бошлари, нон бўлаклари. Шу ернинг ўзида,
полга тўшалган газета устида кимдир қулайгина
жойлашиб олган. Ёнида стакан, ярми тишланган
олма, ёрлиғи хўл каттакон шишада мусаллас.

– Дў-с-т-и-им, – деган овоз келди зина остидан, –
хозир тунми, кундузми?

– Тонг отди.

– Тонг отдими? Эҳ, мана яна бир кун ҳам
етиб келибди. Вақтнинг чопиб ўтишини қаранг-а.
Бунақада бутун умр ўтиб кетганини ҳам билмай
қоласан.

Леонид газеталарни олиб, зинадан кўтарилар
экан, ортидан ҳазин кўшиқ эшитилиб турарди. Ет-
тинчи уйнинг меҳмони жуда ғамгузор «кўшиқчи»
экан.

Газета қатламида Маркел Тихоновичдан келган
хат бор эди. Сошнин уни тоқатсизлик билан очди.

«Салом, хайрли кун, қадрли ўғлим Лёня! Сиз-
нинг соғлигингизни ўйлаб, юрагим қонларга тўлди.
Қанотим бўлганида, ёнингизга учиб борардим. Ле-
кин учиб кетишнинг иложи йўқ. Сигир кема ланга-
ридай ушлаб турибди. Хўжаликдаги шунча ишларни
ташлаб, кетиб бўлмаяпти. Боз устига, кампир ёлғиз
қолса, кечалари кўрқади. Авваллари у шайтонми,
попми, эрми, ҳеч нимадан кўркмасди. Бирок, унинг
душманлар ва каминангиз билан жангу жадалларда
асаблари ишдан чиққан кўринади...»

Леонид кулиб қўйди-ю, хатга кўз югуртира
бошлади. У мактубни уйқу олдидан қайтадан ях-
шилаб ўқиб чиқишга қарор қилди. «Бизга етиб

келган овозаларга қараганда, сиз хотинингиз билан яна бошқа-бошқа яшаётган эмишсиз. Бу биз учун катта ғам-қайғу. Нима қилишга ҳайронсан, киши. Фақат бир нарсани айтмоқчиман, биз эркаклар у нодон аёлларни асрашимиз, аяшимиз, шафқат қилишимиз даркор. Улар бизсиз кун кўра олишармикан? Сенга айтганмидим, йўқми, 1949 йилда сира тоқат қилолмадим, уйдан кетиб қолдим. Қўшни Тугожилино кишлоғилик ажойиб бир бева аёл билан яшай бошладим. Мен уни ёшлигимдан билардим, хуш кўрардим. Унинг уйини, ховлисини, анжомларини гулдай қилиб тартибга келтирдим. Қудуғини тозаладим, мол-ҳолига қарашдим. Маза қилиб, бир-биримизга тўймай яшай бошладик. Хотиним – кайнонанг адои-тамом бўлди. Чунки, унинг кўлидан бирор юмуш келмасди-да. Унга фақат акиллаш, вайсақилик қилиш бўлса. Жазавази тутганидан, келиб, дераза ойналарини синдириб кетарди. Безовталаниб қолдим, у ахир, хуши жойида бўлганида ҳам уй ишларига қарашмасди. Ҳозир жазавази тутиб турганида холи не кечдийкин? Бўйнимдан ип боғлагандай уйга қайтиб бордим. Ҳамма нарса ўз холига ташлаб қўйилган, ҳеч нима пиширилмаган, сигир соғилмаган, бутун кишлокни бошига кўтариб маърайди. Асаларилар бўлса, она-болани уйдан чиқишга қўймайди. Лерка бир аҳволга тушиб қолган. Шундай пайтда мен фақат ўз тақдиримни ўйлашим мумкинми, ахир?! Уларнинг хор-зор бўлишига йўл қўя олармидим. Кампир эса, суюқоёк, деб атайди. Зино устида кўлга туширганман, дея даъво қилади...

Сен уни, менинг сузонғич кизимни дўппосласанг бўлармиди? Албатта, ўласи қилиб эмас, шундоқ, кўзи очилсин деб. Лекин қандоқ қилиб ҳам

дўппослайсан? Аёл. Хотин киши-да! Бунинг устига, қизингнинг онаси.

Хатнинг жавобини булбул ёзни кутгандек кутаман. Света билан янги йилдан кейинми, қачон хоҳласангиз, ўшанда келаверинг. Биз сизларни кўришга ҳамиша муштокмиз. Яқинда сигир туғади. Тоза сут – соғлиқ учун жуда фойдали. Ҳаётларингизга аралашмоқчи эмасман, кампирнинг ҳам бундай қилишига йўл қўймайман. Фақат ҳаммаларингизга жуда раҳмим келади. Сен жамоат тартибини сақлашда майиб бўлиб, инга кириб олгандай ётибсан. Егулик овқат йўқ. Уйинг иситилмаган... Мана, кўз ёшларим ҳам соқолимга оқиб тушаяпти...»

Янги йилда Маркел Тихонович барча орден-медаллари мустаҳкам қилиб тақиб қўйилган кўк костюмини кияди, асал арағидан ичиб олиб, ҳузур қилиб жилмайганича, қўшнилари ҳам арақ билан сийлай бошлайди. «Мен камбағал бечораман, кийим-бошим йиртиқ-ямоқ. Шу боисдан ҳеч ким мени хотинликка олмас, бироқ...»

Евстолия Сергеевна эрига калондимовлик билан қўл силтайди. «Бечора бўрининг биргина қўшиғи бор эди. Шунини ҳам сен ўрганиб олибсан!» – у шундай деганича чолнинг овозини эшиттирмай, баланд, жарангдор товуш билан хониш қила бошлайди: «Биз чилангарлармиз, руҳимиз ёш, навқирон, бахт калитларини оловда тоблаимиз ўзимиз... Калитлар, Калитлар, Калитлар!» – Евстолия Чашина дастасида ёшликда ўзлари куйлаган қўшиқдан ҳали нималарнидир эслай олишларидан хурсанд бўлган кампирлар унга жўр бўлишади. Евстолия Сергеевна эса, қўшиқ бошлаши биланок нигоҳлари пўлатдек товланади, ранги оқариб кетади. Уй бекаси ҳам-

мага жангари нигоҳ ташлаб, стулга мушт уради:
«Бизнинг бутун умримиз кураш, кураш демакдир!»

Кампирлар эса, одатдагидек тилёғламалик қила бошлашади. «Ҳа, шунча ёрлик, ташаккурномаларни сенга бекордан-бекорга беришмаган, ахир, Толя! Бекорга эмас! Кураш натижа демакдир!»

Ватан учун, кадрдон далалар учун эридан кўра мана шу аёллар хизмати кўпроқ синганига чин юракдан ишонган хотини билан гижиллашиб ўтирмаслик учун Маркел Тихонович икона ўрнига «Рекорд» телевизори қўйилган бурчакка тикилади. Телевизорда эса, калта, юпқа пайпоқ кийиб олган фигурали учиш усталари гир айланиб, этакларини киндиккача кўтаришади.

«Уят, шармандалик! Буларнинг ота-оналари қаёққа қарашар экан. Ҳукумат, бошлиқлар нега индашмайди? Қизлар шамоллаб, нимжон бўлиб қолишади. Аскарликка ярамайдиган болалар туға бошлашади. Бунақада Ватанни ким ҳимоя қилади?» – телевизор ёнида ўтирганча ташвишланади Маркел Тихонович. Евстолия Сергеевна чийиллаб гап қилади: «Қизлар, чолим фигурачиларнинг кўйлаги кўтарилиб кетишини кутиб ўтирибди!»

«Шундай, худди шундай, Толя! – маъқуллашади дугоналар. Илгариги ҳаёт, ҳаётмиди? Қолоқлик, қоронғулик. Энди эса, яшаган сари яшагинг келаверади. Чор-атрофда электр чироқлар, чароғон. Телевизор, егулик етарли. Фақат, энди соғлик бўлса бўлгани...»

• • •

Товуқ шўрва аллақачон пишган эди. Хонада сув ўтларими, ёинки Тугожилино бузукхонасинингми хиди сузиб юрарди. Сошнин ҳушини йўқотиб, гўнг шилтасига беланганидан бери бу хид ундан нари

кетмасди. Сал чарчади, асабийлашди дегунча, ўша каламуш тушига кириб, уни қийнайди. Фадир-будир асфальт узра судралади, типирчилайди. Қарғалар қағиллаб, бошидан чўқиб, уни мажақлашади.

Леонид совун кўпигида пиширилгандек, шилим-шик товук гўштини эринибгина, иштаҳаси кўтармай, тановул қилди. Чой ичгач, столга ўрнашиб олишга уринди. Стол тебранар, фижирлар ва ҳатто, қий-қириб ҳам қўярди. Окшомлари об-ҳаво ёмон бўлган кезларда оёқлари каттиқрок оғрир, кўзга кўринмас бир дард елкасини ёндириб турарди. Бугун эса, оғриққа сира чидаб бўлмасди. Қаердаги қаланғи-қасанғиларни бор куч билан калтаклайман, деб мушакларни, эски яраларни безовта қилди. Ахир, у муртадлар Леонид индамаса ҳам ичиб-ичиб, бир кун девор тагида ўлиб қолишлари турган гап-ку!

Милиция бўлиmidан ҳеч ким кўнғироқ қилмади. Демак, у калтаклаган шоввозлар ҳеч қаерга арз-дод қилишмаган. Яраларини амаллаб боғлаб, ох-воҳ қилиб бўлгач, яна отиб олиб мастлик уйқусига фарқ бўлиб ётишибди. Уларни ҳеч нима ташвишга солмайди. Юракларида ҳеч кимнинг, ҳеч ниманинг дарди, алами йўқ.

Сошнин ўринда ётганича телефонга қўл узатди. Чирокни ёқмай, пайпаслаб рақам терди. Гўшакдан «Сизга ким керак?» деган товуш эшитилди. У ким кераклигини айтди. Йўлакдан туриб, деворни тақиллатганлари шундоқ эшитилиб турарди.

– Тиббиёт ходимларига салом бердик! Автомат телефонларингиз бугун худди соатдек ишляпти-я...

– Гўшакни узиб олишга ҳали улгуришмаган, шекилли. Хўш, ишларинг қалай, тузукми? – деди Лерка.

– Жуда яхши, аъло даражада.

– Нима, бирор кор-ҳол юз бердими?

- Нега бундай деб ўйлаяпсан?
- Бўлмаса, сен телефон қилмасдинг. Яна юпатишим, кўнглингни кўтаришим керакми? Ёинки душманлардан халос қилайми?
- Хожати йўк, душманларимни hozиргина ер билан яксон қилдим.
- Ҳа, мана бу энди жиддий гап. Хўш, улар қаерда, ким, неча киши эди?
- Ўз уйимизда, зинанинг тагида. Улар уч киши эди.
- Тиббий ёрдам кўрсатишдимиз?
- Хожати бўлмади.
- Ҳой, сен омадли исковуч, қараб тур, бир кун эмас бир кун, ўзингни ҳам чавақлаб кетишади...
- Леонид «исковуч»га жавобан «парипайкар» дейишдан тийилди-да, ўзини мақтаб қўйди: «О, қойил. Анча-мунча эсинг кириб қолибди!»
- Овқат-повқат едингми, ўзи?!
- Ҳа, товуқ шўрва пиширгандим. Дадамдан хат олдим.
- Мен ҳам. Яна гўшт ҳам юборибди. Янги йилда чўчкани сўйишган экан.
- Сошниннинг хотини: «Янги йилга эмас, бизнинг келишимиз шарафига» демокчи бўлиб, сўнг тилини тишлаганини сизди. У яраш йўлида янграган ана шу биргина оҳангни кувватлаши, раббатлантириши керак эди. Лекин у мағрур, замонавий, махмадона, уста кўрмаган сўз устаси, бундай қилмади.
- Сенга маза-да, - деди у ва қўшиб қўйди, - дарвоқе, дадам сени калтаклаш керак, деб маслаҳат беряпти.
- Бу гапларни у ўзининг севимли газетаси «Сельская жизнь»даги «фойдали маслаҳатлар» туркумидан ўқиб-ўрганган. Сен бироз сабр қил, мен кир ювиб, у ер-бу еримни тузатиб, тайёр бўлай,

сўнг майли, дўппослайвер, – Лерка кўз ёшларини зўрға тийиб турарди.

Иккаласи ҳам жим қолишди.

– Агар бирор зарур гапинг бўлмаса, мен кир юваётган эдим. Светани дам олиш кунлари ёнингга олиб кетсанг, бўлади. У дарров кўнглингни хушлайди. Биринчи синфда ўқиса-да, замонавий. Ақлли қизалок. БАМда жуда катта ойлик тўлашларини қаердандир эшитибди. Мактабни тугатгач, ўша ёққа бораман, дейди. Яна артисткалар қаерда ўқиши ҳам уни қизиқтиради. Қайси синфдан бошлаб олгин занжирча, зирак тақиш мумкин? Шунингдек, севги ҳаётда неча маротаба учраши, болалар қаердан пайдо бўлишини ҳам билишни ис-тайди. Боз устига, бизнинг қувнок ҳовлимизда унга айрим нарсалар ҳақида бепул сўзлаб бераверишади. Сенинг қалам ҳақинг кизингнинг ясан-тусанига етмай қоладими, деб кўрқаман. Вой, бўлди энди. Мен кетишим керак.

– Шошма, шошма, Светани менга ошириб, ўзинг қаёққа кетмоқчисан?

– Қаёққа бўларди, учрашувга-да! Бульдозерчи қўшним менга теккин, деб хол-жонимга қўймапти. Унинг интизор кўнгли меҳр, севги тусаб қопти. Ўзига умр йўлдоши излаяпти. Хар ой тўрт юз сўм маош олади.

– Бульдозерчи қора мойга беланиб юради. Сен эса кордек оппоқ халатда юришинг керак.

– Қора мойни ювса кетади. Ҳозир шунақанги кимёвий моддалар борки. Вой, бўлди, мен худди нинанинг устида тургандайман. Света машинани ковлаштира бошлайди. У ахир, ҳаддан ташқари қизиқувчан қизалок.

– Бўлмаса, учрашгунча хайр!

– Хайр, қўнғироқ қилиб тур, кайфиятинг яхши, йўғ-е, ёмон бўлганда.

– Бўпти.

– Хўп, мен кетдим бўлмаса.

– Менга қара, агар сен биров...

– Нима, «агар мен биров...»

– Майли, ҳаммасини тушундим. Тунинг хотиржам кечсин!

– Сенга эса тескариси – нохотиржам тун ҳамроҳ бўлсин!

– Ҳа, ишлашга уриниб кўраман!

– Ҳар қандай меҳнатда ҳам омад ёр бўлсин!

– Миннатдорман. Ташаккур! Тўхта!

– Яна нима демоқчисан?

– Граня холани кўрганингга анча бўлдими?

– Эҳ-ҳа, гап буёқда экан-да? Йўқ, уни яқинда Тинчлик кўчасида каттакон қути кўтариб юрганида кўрдим. У ҳозир етимхонада ишлайди. Болаларнинг энгил-бошини тўплаб юради.

– Граня хола у ерга қандай қилиб жойлашиб олибди?

– Бунинг ажабланадиган ери йўқ! Граня хола ишлайдиган касалхонада етимхона мудираси, ҳаммага маълум ва машҳур Алевтина Ивановна Горячева даволанган. У шундай одамни ўзи билан олиб кетмаслиги сира мумкин эмасди.

– Ҳа-а, демак, Граня хола латта-путта йиғиб, ота-оналари кураш ва меҳнатда тобланиб, гўзал Ватанимиз бепоён кенгликларида тараллабедод қилиб юрган тирик етим болаларга ёрдам беради-да.

– Доимо, азал-азалдан шундай бўлган. Кимдир ташлаб кетади. Кимдир топиб олади... Вой, мен хали Светани чўмилтириб, ухлатишим керак-ку! Дарвоқе, бир нарсани айтишга мажбурман. Ҳаёт-да сен жуда кўп айрилиқ ва йўқотишларга дучор

бўлгансан. Лекин Граня холадан ажралиш – сен учун энг оғир, кечирилмас йўқотишдир. Бу борада ҳеч кимдан юпанч кутиб ўтирма.

– Нима қилай? Ҳаёт мен ўйлагандан ҳам мураккаброк экан.

– Сен зиёли бўлиб кетибсан! Замонавий зиёлилар ахлат тўла челакни чиқариб ташлашга эриниб, ҳаёт мураккаб эканлигини баҳона қиладилар... Вой, бўлди энди, худо ҳақи, мен кетай! – Лерка шундай деганича гўшакни ташлаб, кетиб қолди.

Сошнин узок вақт гўшакни кўлида ушлаб турди. Қоронғилик қаъридан, серғалва иш, суҳбат ва кўнгилхушлик билан банд бўлган бошқа бир дунёдан телефон жиринглашига ўхшаган товуш қулоққа чалинарди.



САККИЗИНЧИ БОБ

Сошнин ўша, бошқа дунёни кўргиси келиб қолди. Эшикни кулфлаб, зинанинг тагига қаради. Зина тагида ёнида бўш шиша думалаб ётган киши тинчгина ухларди. «Эй, худо, булардан безор бўлдим-ку».

Кўчада изғирин кучаймоқда, энди ёмғир томчилас, фақат томлардан шитирлаб сочилар, сумалаклар учида музлаб ётган томчилар йилтирарди. Осмонда, куюқ зулмат аро у ер, бу ердан бир чеккаси кемтик юлдузлар мўралайди. Темир йўл вокзали чироқлари энди ёрқинроқ порлайди, шаҳарнинг кўп қаватли уйлари яқинроқ келиб қолгандай. Фақат Вейка дарёси қирғоғидаги чироқларнинг сарғиш нури ҳамон оқимтир буғ қўйнида сузиб юради. Вокзал ортидаги борган сари

аниқрок кўзга ташланаётган тепаликлар ҳар галгидек яширин ўйчанлик, улуғворликка тўла эдилар.

Вокзал томондан Ленинград поезда келганлиги тўғрисидаги эълонлар эшитилиб турибди. Сошнин жимгина, ҳеч кимга билдирмай, ҳамма-ҳаммани, энг аввало, ўз-ўзини тарк этиб, дунёнинг бир чек-касига кетиб қолгиси келди. Бу истак юрагида шу қадар кучли эдики, дод дегиси келарди. Қаёққадир, нима учундир жўнаб кетаётганларга яна бир қарра хавас қилди. Бу кишиларнинг қандайдир мақсади, машғулоти, ўйлари бор. Кимдир, нимадир уларни узоқ-узоқларга чорлайди. Эҳтимол, қаердадир, уларни кутишади ҳам.

• • •

Ўн бир яримда пардоз-андоз қилинган «Шимол ёвдуси» поезда Москвага жўнаши керак. Очик дарвоза ёнида, бир қатор турли русумдаги машиналар турар, уларнинг орасида Сошнин рақамини яхши биладиган қора «Волга» ҳам бор эди. Ву машина ҳозир шаҳарнинг казо-казоларидан бири бўлган Володя Горячевга хизмат қиларди.

Володя Горячевнинг тоғаси темир йўл Вейск бўлимининг бошлиғи эди. Кўзга кўринган маҳаллий раҳбар, жамоат арбоби бўлган бу киши транспорт, шаҳар ва шаҳар аҳолиси учун жуда кўп фойдали ишлар қилганди. Унинг хотини, табиатан жуда оккўнгил, ажойиб аёл Алевтина Ивановна негадир туюлмасди. Шу боисдан, Горячевка қишлоғида Горячевнинг серфарзанд синглиси казо қилганидан сўнг, улар кенжатой Володяни ўзларига фарзанд қилиб олишди. Эр-хотин болақайни жуда севиб қолишди, эркалаб, папалаб ўстира бошлашди. Йигитча шўх, шаддод, мустақилликни жуда яхши кўрар ва у темир йўл бошлиқлари яшайдиган

«тепа»дан «паст»га тушмаслиги, Граня хола хужра-часи атрофида уюшган «меҳнаткаш халқ» қаторига қўшилмаслиги мумкин эмасди.

Володя болаларга қўшилиб ишлар, энгил-бош йиртарди. Алевтина Ивановна «паст»га тушар, Володяга таъсир ўтказиб, уни меҳнат жамоасидан ажратиб олишга ҳаракат қиларди. Лекин унинг якка ўзи бутун бошли жамоага қарши нима ҳам қила оларди, дейсиз?

Кунларнинг бирида Володя касал бўлиб қолди. У иситмада ёнар, ҳеч нарса емас, «аччик олма», яна алланималар топиб беринг, дея чинқирганича Алевтина Ивановнани уйда ўтиришга қўймасди.

«Болани буздинг, хазон қилдинг! Қаердаги дайди, қаланғи-қасанғиларга қўшиб қўйдинг! Энди қилмишинг учун жавоб бер!» – Граня холага зуғум қиларди Алевтина Ивановна.

Граня хола ўйланиб қолди. Болакайларни у ҳеч қачон олма билан сийламаган, олма олишга пули етмасди. Лекин охири гап нимадалигини тушунган Граня холанинг чехраси ёришиб кетди. У қийикчада икки дона чўрда пиширилган картошка, бир ҳовуч майда пиёз, бир кафт кулранг, дағал туз-ни ўради-да, совғани меҳнаткаш, қимматли болажонига юборди. Кичик тўрача буларнинг ҳаммасини пок-покиза туширди. Оппоқ дастурхонни қасддан булғади ва шу кундан эътиборан тузала бошлади. Тузалгач эса, қулоқсиз болакай яна «тепа»дан «паст»га – темир йўлда ишлагани тушди.

Володя Горячев ўрта мактабни ҳеч сўзсиз олтин медаль билан тамомлади. Сўнгра Технология институтини ҳам албатта, имтиёзли диплом билан тугаллади. Шундан сўнг яна аллақандай академияга ҳам бош урди. Қарабсизки, у бирин-кетин амал курсиларини эгаллаб, тобора баландга

кўтарилаверди. Фақат унинг мартабаси темир йўл иши бўйича эмас, балки, қурилиш соҳасида эди. У катта вазифа икир-чикирларини тезда ўзлаштириб олди-да, Вейск шаҳридаги энг улкан қурилиш ташкилоти ҳисобланган «Вейскгражданстрой»нинг муносиб хўжайинига айланди. Бу улкан даргоҳда ўн мингдан ортиқ киши меҳнат қилар, уларнинг орасида қанча бекорчилар борлигини ҳатто, ташкилот бошлиғининг ўзи ҳам билмасди.

Сошнин касалхонадан оқсоқ оёқ билан қайтгач, вилоят ижроия кўмитасида тинчгина бир гўшада навбатчилик қилиб юрган кезларида Горячев билан тез-тез учрашиб турарди.

– Саломатлик тилайман, гражданин бошлик! – Володя Горячев қўлини чаккасига қўйиб, ўзининг темир йўл транспортида бирга ишлаган дўсти билан омонлашар, сўнг кучини синамоқчи бўлиб, атайлаб қўлини қисарди.

– Хуш келибсиз, бўлажак аристони! – зўр иштиёқ билан жавоб қайтарарди Сошнин ва Володянинг қўлини шундай қисардики, у ўтириб қоларди.

– Дарров одамни аристонилар қаторига қўшиб қўясан-а! – қўлини ҳавода силкитиб гўлдирарди Володя Горячев, – шунча кучинг бўла туриб, ўзингни ногиронликка урибсан!

– Куч-кувват бўлмаса, биз нимага ҳам арзирдик, – захарханда қиларди Сошнин, – билакда куч бўлмаса, сенинг тоифангдаги кишиларга бас келиб бўлмайди. Мана, сен бўлсанг, юрагим сезиб турибди, албатта, одил судлов органлари қўлига тушасан ва тўппа-тўғри кимё заводига ишга борасан. Чунки, сизлар ўғрилиқ билан шуғулланасизлар.

– Биз ўғрилиқ қилмаймиз, балки иқтисод қиламиз.

– Биламан, маҳаллий радиодан эшитдим, – Сошнин бармоғи билан радиоприёмнигини тақиллатди, «Вейскгражданстрой» жамоаси минг тонна бетон, темир ва қурилиш ашёларини иқтисод қилди. Афтидан, сизларга ашёларни ортиқча беришса керак?

– Э, ҳа, оғзингни очиб тур, албатта беришади. Бериб бўпти. Кетингдан олиб келиб беришади. Фақат кулоқ-чаккангга! Кўп миқдордаги нарсадан оз-оз олинадиган бўлса, бу ўғрилик эмас, бўлиб олиш, дейилади. Ўзимизнинг олтин давримиз – болалигимизни эслайсанми?

– Буларнинг ҳаммаси ёдимда, фақат сен унутмасанг бўлди...

– Биз нима бўлибмиз. Боғча болаларидай бир гап. Мана, сибирлик чакқон йигитлар бир миллиард иқтисод қилишга қарор қилишибди. Мана буни кўлам деса бўлади.

– Нахот, бир миллиард ўмаришмоқчи бўлса?!

– Оббо, ўзингга ҳам аристони мижозларингдан роса юкибди-да! Нега ўмаришар экан? Ҳеч қандай ўмаришнинг ҳожати йўқ! Агар сибирликлар дарёлар ва тайгада сочилиб ётган ёғочларни йиғиб олиб, чала қурилишларни қуриб битказиб, кишлок хўжалигида тартиб ўрнатишса, улар халқнинг бир эмас, эҳтимол, беш ёки ўн миллиард пулини ғазнага қайтарган бўлишади. Қайтараётганда кечирим сўрашни ҳам унутишмайди. «Биздан олдинги бошлиқлар буларни талон-торож қилишган, сотиб ичишган. Биз бўлсак, аломат кишилармиз, йиғиштириб олдик!» дейишади.

– Ана холос – пишди гилос!

– Мана сенга холос, мана сенга гилос!

– Демак, мени бир кун эмас, бир кун барибир, камокқа тушади, деб ўйлайсанми?

– Бу эҳтимолдан узок эмас!

— Ҳаётда янги давр бошланяпти. Ўгирилиб қарашга ҳам улгуриб бўлмаяпти. Нукул, давр, даврлар...

• • •

Пойтахтдан келган қайсидир «олий ҳазрат»ни кузатишмоқда. Дўстона, хайрихоҳ кайфиятдаги кишилар эътиборидан тантиқланиб кетган меҳмон мастона қилиқлар қилар, вагоннинг кенг очиқ эшигидан ичкарига киролмай, кузатувчиларнинг тайёр турган қўлларига тушиб кетаверарди. «Ҳазрат»нинг афт-ангори, биқинига осилган қоринчасига қараганда, у унчалик катта амалдорлардан эмас. Нар и борса, бирор бош бошқарма ёки вазирликда хизмат қилади. Лекин шунга қарамай, Вейск жамоатчилиги перронни тўлдириб турибди. «Вейскгражданстрой» бош инженери Ведерников, чакқонгина, вайсақи касаба уюшма арбоби Ҳаюсов шу ерда. Техника хавфсизлиги бўлими ҳисобидан маош оладиган икки жамоатчи нозанин ҳам келишган.

Яқиндагина Политехника институтини битирган, ихтирочилик бўлими ходимлари Добчинский билан Бобчинский, ўзларини сал сипороқ тутиб турган бошқа ичиб олган кимсалар ҳам кузатиб қолувчилар сафида эдилар.

Қовоғи солиқ, юзлари қизил доғларга тўлиб кетган Володя Горячев бир чеккада зерикиб, мунғайиб турар, «олий ҳазрат»га зўрма-зўраки жилмайиб кўярди. Володяни вагон ёнига таклиф этишди. У меҳмон билан бир қадахдан коньяк сипқорди. Жамоатчи нозанинлар, чапак чалиб қийқиришарди: «Охиригача ичинг! Оқ уринг, оқ!» Добчинский ва Бобчинскийга Николай Васильевич Гоголь шундай ажойиб тавсиф берганки, бундан яхшироқ тас-

вирлашнинг сира иложи йўқ. Шу боисдан, буюк ёзувчиларимизга узр айтиб, таъзим бажо этамизда, ўша таснифни эслатиб ўтамиз: «Петр Иванович Добчинский, Петр Иванович Бобчинский — шахар помещиклари, иккаласи ҳам паканагина. Қизиқувчан, бир-бирларига жуда ўхшашади. Ҳар иккаласининг ҳам қоринчалари сал осилган. Жуда тез гапиришади. Ҳаддан ташқари қўл ҳаракати, ишораларга зўр беришади. Добчинский Бобчинскийдан сал баландроқ ва жиддийроқ. Лекин Бобчинский Добчинскийга қараганда очикроқ ва чакқонроқ».

Вейсклик Добчинский ва Бобчинскийларнинг номлари Гоголь қаҳрамонларидан фарқ қилади. Бирининг номи Эдик, бириники Вадик. Бундан ташқари, улар юпқа мовутдан камзул эмас, замонавий чет эл костюмлари кийиб олишган. Қаймоқранг пўстинларининг очиқ ёқаси остидан кўкракларисидаги улар жуда олий маълумот эгаси эканликларини билдирувчи ҳаворанг нишон тез-тез кўзга ташланиб туради. Тўмтоқ кокилчалар ўрнига Добчинский ва Бобчинскийнинг аёлларникидай узун сочлари бор, ёш бўлишларига қарамай, оғизларида тўла ясама тиш. Бармоқчаларида белгилар, тўғнағичлари олтиндан, бўйинбоғлари рангдор, араб ёинки Эрон юртлиридан келтирилган. Добчинский ва Бобчинский мутеларча уддабуронлик билан «олий ҳазрат»нинг орқаларидан ушлаб, суяб туришар, у бўлса, ҳадеб сирпаниб, қўлларидан тушиб кетишга ҳаракат қилар, йиқилиб тушар ва бу билан Добчинский ҳамда Бобчинскийни беҳад шод этарди. Жамоатчи нозанинлар қийқирганларича думалаб кетган телпак ортидан чопқиллашар, оғизларининг таноби қочиб, ийиб кетиб, телпакни қимматли меҳмоннинг жуда доно, тепакал бошига қўндиришарди.

Айни пайтда, тузланган оқ кўзиқоринли идишлар, тол хивичидан тўкилган саватчаларда музлатилган клюква, ибодатхонада тайёрланган антиқа шарбатлар вагонга чиқарилмоқда, олий меҳмоннинг бўйнига уч жуфтлик ўйинчоқ лапта осилган. Зиғир матосидан кўлда тўкилган сержило сумкада шишалар жиринглаб турар, черковнинг катак-катак тизимчаси боғланган қоғозга ўроғлик, бир вақтлар нобуд бўлмайд қолган яна бир кадимий икона Вейскни тарк этмоқда эди.

Маҳаллий қалам соҳиби Костя Шоймардонов маст-аласт, ёқавайрон қичкирганича у ёқдан-бу ёққа югурар, фотоаппарат чироғи билан ҳамманинг кўзини камаштирар, зўр бериб кузатувчилар даврасида ўзини кўрсатишга уринарди. У яқинда касалхонага, Сошниннинг ёнига келиб, кўрсатган «қахрамонлигини ёритмоқчи» бўлганда, Леонид уни Хайловск туманини айланиб, қишлоқни ҳимоя қилиш учун матбуотда жиддий мақола билан чиқиш қилишга кўндирмоқчи бўлганди. Лекин бу текинтомок, ювиндихўрнинг қишлоқ билан неча пуллик иши бор?

«Шимол ёдуси» поезде эхтиром билан ўрнидан қўзғалди. Улуғвор киёфали проводник меҳмонни ҳурмат билан бир чеккага суриб, вагон зинасини бекитди. «Олий ҳазрат» эса, ҳамон телпагини силкитар, кузатувчиларга ҳавойи ўпичлар юборар эди. Нозанин жамоатчилар «Яна келинг! Яна меҳмон бўлиб келинг! Бажонидил таклиф этамиз. Келсангиз, бош устига!..» дея ҳиқиллашарди. Добчинский билан Бобчинский қоқилиб-туртиниб поезд ортидан югуришар, тезлик Гоголь замонасидек бўлганда борми, улар ўзлари сезмаган ҳолда Москвагача югуриб боришлари турган гап эди. Лекин ҳозир XX аср. Поезд буферларини гумбурлатиб, темир-

ларни фижирлатиб, моторини гуриллатиб, Добчинский билан Бобчинскийни ахлат босган гамгузор темир излари ёкасида етимлардек ёлғиз қолдириб, илдамлаб кетди.

Сошнин Володя Горячевнинг ёнидан индамай ўтиб кетмоқчи эди, бўлмади. У, афтидан, Леонидни олдинроқ кўрган шекилли, бош кимирлатиб омонлашдию осмон гумбазига нигоҳ ташлаганича ёнма-ён кета бошлади. Унинг юзидаги доғлар кетмаган, чамаси, ўзича сўкиниб борарди.

– Комедия ёзадиган бўлсанг, кўшиб қўй, бу кўринишни! Албатта, кўшиб қўй! Фақат, пировардида энди бошқарма бизнинг барча талабномаларимизни қондириши аниқ эканлигини ёзишни унутмасанг бўлгани. Ҳалиги, олий мақом одамча керакли кишиларнинг ҳаммасига Вейскда, айтайлик, Чебоксаридагидан кўра яхши кутиб олиб, иззатикром кўрсатишларини хабар қилади. Унинг шахсий дўкони йўқ. Ўғлим Юра куйлаганидек: «Чегарачи ўрнида турибди». Демак, буржуйлардан ҳам бирор нарса олиб бўлсан. Шунинг учун у кадрдон ватанида, ўз халқидан ўғирлай бошлайди, товламачилик қилади. Чебоксарига ажратилган скрепер, машина, йўл вагончаларини бизга беради, техника эҳтиёт қисмлари билан таъминлайди. Қарабсизки, биз уй-жой қурилиши режасини бажарамиз, паррандачилик фабрикасини муддатидан илгари ишга туширамиз, чўчкачилик комплекси тайёр бўлади ва ниҳоят, ёш томошабинлар театри қурилишини тугаллаймиз! Биз, ишчилар, зиёлилар, деҳқонлар – ҳамма-ҳамма учун яхши бўлади. Чебоксарига эса, режа тўлмагани учун хайфсанлар ёғилади. Битта-яримтасини ишдан олишади... Туф-е! Қуриб кетсин! Опасининг гўрига! – Володя Горячев оёғининг

остига тупурди. – Қачон қутуламиз бу расвогарчиликлардан? Қутулиш мумкинми, ўзи?!

Ҳали болалигиданоқ Алевтина Ивановнанинг уринишларига қарамай, Володя Горячев хулқатворда сиполикка эришолмаганди. Қолган умрини Володянинг уйида кечираётган Алевтина Ивановна ўғли ҳар гал болохонадор қилиб сўкинганида юрагини чангаллар, у ҳам тоғаси сингари раҳбарлик лавозимида ишлаш оқибатида, қуюшқондан чиқиб кетган, академияни битиргач эса, сира эплаб бўлмаяпти, дея тушунтирмакчи бўлар, бегуноҳ ва мусаффо набирачасига отасининг касри тегмасин, дея куйиб-пишарди.

Володя Горячев «Волга» эшигини очиб имлади:

– Ўтир, гражданин бошлик, обориб қўяман. Эвазига турмага тушсам, тегишли озиқ-овқатни навбатсиз ўтказиб юборарсан, ахир.

– Раҳмат, Володя, бироз пиёда юрмоқчиман.

– Оёғинг оғримайдими?

– Э, оёққа нима, жин урармиди? – Леонид кўлида фотоаппарат билан машинадан-машинага югуриб: «Йигитлар, кетдик. Ҳали емакхона столларида анча егулик турибди! Шунча нарса нобуд бўлиб кетаверсинми?» деб чақираётган Костя Шоймардоновни кузатиб турарди. – Оёк дуруст энди...

– Саёк, товламачи! – Шоймардоновнинг товушини эшитиб, афтини буриштирди Володя Горячев ва машина эшигини ушлаганича, мактаниб қўйди, – ҳозир биз меҳмонларни ресторанда эмас, ибодатхонанинг собиқ емакхонасида кутамиз. Квас, бочкада тузланган карам, кўзиколин, дудланган балиқ шўрваси билан сийлаймиз... Ана кўрдингми, биз тараққиёт ва режаларнинг уддаланиши учун нақадар юксак савияда кураш олиб бораёпмиз! – ҳорғин бошлик эшикни ёпди-да, ёқалашиш, йўлини

қилиш, гапнинг индаллосини айтганда, ишлаш, ишлаб туриб, каллани ҳам ишлатишда давом этиш учун машинасини физиллатиб, жўнаб кетди.



Аллақачон бекитилган Сазонтъевск ҳаммоми олдида Сошнин Лавря-казакнинг ола отига дуч келиб қолди. Жониворнинг эгаси эса улфатлари – Паша тоға, Аристарх Капустин, собиқ жангчиларнинг Леониднинг кўзи ўнгида қариб қолган аллақандай арзандаси билан хайрлашгиси йўқ эди. Леонид югани қўлига олди, аравани қайтарди, улфатларни ўтказиб, уларни шу яқин орадаги уй-уйларига элтиб қўйди. Энг охирида Лавря-казакнинг уйига жўнашди.

– Халиги мишиқи сени нариги дунёга жўнатиб юборишига озгина қолибди-да?! Биласанми, мен сени касалхонага кўришга бормоқчи бўлиб турувдим, лекин отни кимга қолдираман, боз устига, хотиним таъқиб этгани этган. Айниқса, оқшомлари ҳеч қаерга чиқишга қўймайди. Урушдан сўнг мен Вейскда жононлар билан роса маишат қилганман, казаклигимни намойиш этганман. Охир-оқибат ишончини йўқотиб қўйдим. Лёш, сенга ичиш мумкин эмасми, қиттайгина ҳам-а? Менда бор. Мана, – Лавря-казак қўлтиғидан қорамтир шиша чиқарди. Шишанинг қоғозига «Филдирак мойи» деб ёзиб қўйилганди.

– Йўқ, Лавря тоға, мумкин эмас, бир култум ҳам!

– Оббо, ит-ей, одамни не қўйга солиб қўйибди! Лёш, сен менинг отимни отхонага оборсанг бўлармиди?.. Оғирлашиб қолибман шекилли..

– Жоним билан, Лавря тоға, бемалол! Фақат, аввал сени уйга элтиб қўяй, сўнгра, майлими?

– Бўпти, Лёша, бўпти. Яраларинг эса тўйгача битиб кетади. Мана, мени кара, ҳамма ерим илма-тешик, бутун жойим қолмаган. Лекин зарари йўқ, отдайман! Зўр! Арақ ҳам ича оламан, онда сонда кампиримнинг ҳам кўнглини оламан, хо-хо-хо. Мен, қари аҳмоқни кечир, Лёш. Мен эмас, вино мақтантиряпти, вино! Лекин ҳозир кампирим шунақанги таъзиримни берадики, бунинг олдида фронт бир пул бўлиб қолади!..

Сошнин Лавря-казакни уйи эшигигача чиқарди-да, тез пастга тушиб, аравани ҳайдаб кетди. Чунки, Лавря-казакнинг хотини эри билан бирга келган кишига ташланиб қолади. Иш биргина ота гўри – қозихона билан тугай қолса, майлига эди. Лекин кампир сурпури билан ҳам тушириб қолишдан тоймайди.

Пастдаги хонадоннинг коржома чолворлари қопланган эшиги қия очик эди. Леониднинг ортидан еттинчи рақамли уй эшиги дабдаласи чиқиб кетган кесакига қарсиллатиб урилгани ҳамон, бутун ёғоч уйни қимирлатиб юборадиган бу зарбага кўниккан Тутишиха кампир кўриниш берди ва уни бармоғи билан имлаб чақирди:

– Лёш! Ҳой, Лёша! Буёққа кел! Буни қарагинчи, бизга нима обкелишди! – деди кампир ва бахтиёрликдан қийкириб юборди.

Олдинги хонада Тутишиха кампирнинг набираси Юлька ойна олдида куйманар ва у ҳам чексиз бахт туфайли ҳиринглагани ҳиринглаган эди. Юльканинг орзуси ушалган – унинг эғнида қора нафармон рангли барқут костюм бўлиб, чўнтаклари, ёқалари заррин хошияли эди. Лекин бу энгилбошда энг асосий нарса – шим. Почалари ёнла-масига мис куббачалар, ҳар ер-ҳар ерида учтадан кўнғирокча. Улар шунақанги жириглашадикки, симфония, жаз, рок, поп музика – ҳамма-ҳаммаси

шу думалоққина кўнғироқчаларда мужассамлашган. Дунёнинг жамики мўъжизаси, оҳанглари, бутун санъати, ҳаётнинг бор мазмуни, ўзига чорловчи сир-синоати шуларда! Костюмга кўшимча сифатида Италияда тикилган кордек оппоқ нимча, олтин ҳал югуртирилган баланд пошнаги туфлича, ипаксимон оқ рангли пахмоқ улама соч ҳам олинган.

– Вой, Лёша тоға! – Юлька Леониднинг бўйнига осилди, – мен шунчалар бахтлиманки! Буни менга дадам билан ойим олиб келишди. Ригада денгизчилардан сотиб олишибди. Албатта, жуда қиммат, лекин арзийди-да!..

«Қутулишибди! Яна ота-она меҳрини латта-путтага алмаштиришибди-да! – ижирғанди Сошнин Юльканинг суякдоргина кўллари буйнидан тўширар экан.

– Қувонганингдан бўғиб кўйма, тагин!

– Бўғаман ҳам! Янчаман ҳам! Ажаб қиламан! – деярли хушини йўқотгудек бўлиб чийилларди Юлька.

Столда бир шиша «Рига бальзами», оқ арак, бир ҳовуч дудланган майда балик, шоша-пиша, эви қилинмай очилган «Шпрот» консерваси, олмалар, қоғозга ўроғлиқ Рига қора нони бўлаги, телба-тескари ташланган алланарсалар. «Булар эвазига кампирнинг ҳам оғзини мойлаб кўйишибди!» – иложсиз хўрсинди Сошнин, бор кучи билан юзига қувонч, бахтга ҳамдамлик тусини беришга ҳаракат қилар экан.

– Табриклайман, Юля, муборақ бўлсин! Ўзингга жуда ярашибди! – қувонч билан сўзларди Сошнин, – энди темир йўлчилар кўрғони, э, темир йўлчилар нимаси, бутун Вейск шаҳрининг барча кўча ва туманлари куёвтўраларини сих кабоб қиласан! Шашлик қиласан!

– Кўйсанг-чи, Лёш тоға! Сен ҳар доим менинг устимдан куласан, масхара қиласан. Сен тўғриси айт, Лёш тоға, ярашганми ўзи? – Юлька орқага чекиниб, эркаланиб, шимини кўтариб, кўнғироқчаларини жиринглатарди. Тутишиха кампир қувонганидан ўйинга тушиб, қарсақ чаларди.

– Лёш, мен билан ичгин! Биз бугун шунчалар хурсандмизки!.. – дея таклиф қилди Тутишиха кампир сахийлиги тутиб кетиб. У қадахчага фақат «бальзам»нинг ўзини куйди, – жуда фойдали ичимлик. Сенга эса, бермайман! – набирасига кўзларини бақрайтирди у.

– Менга кераги ҳам йўқ! Татиб кўрдим, аччиқ экан. Шампан виноси бўлганда бошқа гап эди.

Леонид қадахдаги бальзамни бироз камайтириб, унга арақ кўшди ва кампирга бошқа ичмасликни тайинлаб, кетишга тараддудланди.

– Лёша, сенга бирор нарса пишириб бериш керак эмасми? Полларингни ювиб берайликми, ё? Бир оғиз айтсанг, бўлди? – деди кампир ва неварасига зуғум қилди: – Хой, сен шилта бўйинмишиқи, костюмни еч, бўлди энди!

– Вой, бувижон! Ётоқхонага, қизларнинг олдига бирров бориб келсамми, дегандим. Хўп, дея қолинг?!

– Кўзингга қара! Бир оёғинг у ерда, бир оёғинг бу ерда, тез бориб кел, – рухсат берди кампир.

Леонид бўғзига келган хўрсиникни босиб, ўз хонадонига кўтарилди. Соат салкам тунги икки ярим бўлибди. Навнихол латтапараст ўз матоҳларини кўз-кўзлагани кетади. Юлька тонг сахарда қайтади. Қайтмаслиги ҳам мумкин. Сўнгра кампир неварасини койиган бўлади. Бақириб-чакиради, сочиқни силкиб, ўдағайлайди, вассалом!



ТҶҶҚИЗИНЧИ БОБ

Тутишиха кампир темир йўлчилар кўрғонидаги еттинчи рақамли уйда, ўғли Игорь Адамович хузурида бундан ўн саккиз, эҳтимол, йигирма йил бурун пайдо бўлган эди. Лекин у ҳеч ёққа кетмаган, ҳеч қаердан пайдо бўлмаган, бир умр шу ерда истиқомат қилгандай туюларди. Шунга қарамай, Тутишиха кампирнинг таржимаи холи жуда рангбаранг, ҳаёти сермазмун эди. У ўзи ҳақида ҳикоя қилганда қўллари билан дераза ортига ишора қилиб, «мен хув, ана у Фарб томонларданман», дерди. У темир йўл бекатида буфетчи бўлиб ишлар, ичкилик ва эркак зотига жуда эрта ружу қўйганди. Бунақа кўнгилхушликлар билан жиноятнинг ораси жуда яқин – бир баҳягина. Камомадга йўл қўйгач, уни қайта тарбиялаш учун, ҳатто, Байкалдан ҳам нарироқда бўлган аёллар қамоқхонасига юборишди. У ерда узундан-узоқ темир йўл барпо этилаётганди. Шу боис иш жуда кўп эди. Асосан, тупроқ ишларини бажаришга тўғри келарди. Зоя буфетчининг қўлига каттакон белкурак бериб, ер казишга буюрдилар. У бўлса, оғир меҳнатга ўрганмаган, ёшлигидан бунақа ишларга ҳуши йўқ эди. Онаси, бекат ресторани ошпази қизига ҳеч қанақа иш буюрмасди. Азал-азалдан шу нарса маълумки, аравакашнинг оти доим зўриққан, беванинг қизи эса эркатой бўлади.

Зоя белкурак билан бир кун, икки кун, бир ҳафтача ишлаб кўрди. Сира таъбига ўтирмади. Шундан сўнг, у йўл-йўлакай, бехосдан конвой бошлигининг елкасига туртиб ўтиб, қийқирадиган одат чиқарди: «Оббо, қоракўзгинам-ей, ерга йикитишингга сал қолди-ку...» Конвой бошлиғи қанчалик тўпори бўлмасин, ҳар қалай, охир-оқибат, нозик ишора-

ларни тушуниб етди. Зояни хузурига таклиф этди, чектирди. Қарабсизки, орадан бир ой ўтар-ўтмас, Зоя буфетчини умумий ишлардан озод қилиб, ош-хонада идиш-товоқ ювишга ўтказишди. Хўш, кейин десангиз, у ердан ўзи орзу қилган раҳбар таркиб буфетига ўтиш унчалик кийин бўлмади. Бу вазифада Зоя ўзини жуда сипо тутди. Бошлиқлар кўз ўнгидида кўп ичмади, оилали эркакларга илакишмади.

Оқ-сарикдан келган, кадди-комати расо, дўндиккина бу аёл уч йиллик камокни ялло қилиб ўтказди-да, чўнтагига маълумотномаларни солиб, Фарб йўналиши бўйлаб жўнаб кетди. Лекин Фарбга-ча жуда олис йўл босиш керак эди. Узоқ кутилган озодлик эса, турли нағмалар билан йўлдан оздирарди. Зоя йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди, бир вақт қараса, қандайдир бекатга келиб қолишибди. Бекат ёнида чорбоғча, чорбоғчада ўриндик бор эди. Сарик хазон тўшалган ўриндикда икки эркак ўтириб олишган. Ўрталарида бир шиша арақ, катта бодринг ва бир буханка нон.

Зоя поезддан тушди-ю, халиги эркакларга сўз котди.

Халигилар қуйиб узатишди. Чақчақлаша бошладилар. Бир вақт Зоя қарасаки, поезд кетиб қолибди. Лекин у Фарбга томон кетаётганини биларди. Шошиладиган ери, излаб борадиган бирор кишиси йўқ. У темир йўл бўйлаб, қуёш ботадиган томонга қараб кетаверди. Қуёш ботадиган томон Фарб бўлишини у мактабда ўқиганди.

Зоя юра-юра жуда чарчади. Бир вақт олдинда сарик рангга бўялган уйчани кўриб қолди. Уйча атрофида ҳар хил ашқол-дашқол, ёғоч тўсинлар билан ўралган, ён томонида эса қудуқ, челак бор. Занжирбанд ит темир йўлга тикилганча кимнидир кутяпти.

Зоя уйчага қараб юрди. Ит тишларини қайраб, ириллаб унга ташланди. Зоя пинагина бузмади: «Хой, кўппак, хўп, сен мени еб кўйдинг ҳам дейлик. Лекин эс-эс-эрда икки юз миллион жон яшайди. Яна қанча қолишини биласанми? Ҳа, ҳа, ана шунақа! Ҳаммасини еб битириб бўпсан!»

Яна бир неча дақиқалардан сўнг кўппак ўз хатоларини англаб етиб, худди ўша тўпори конвой бошлиғига ўхшаб, Зоянинг кўксига бош қўйди. У аёлнинг лабларидан ўпар, ширингина тамшаниб, думини ликиллатар, садоқатга мойил товуш билан увиллаб қўярди.

Иморатчалар ортида, четан ичкарасида товуклар потирлаб юришар, пастаккина оғил эшиги ортида, чўчка яккаликдан нолигандай «ах-ах-ах-ах» деб қўярди. Чорбоғчада, ҳали қирқилмаган карам буталари орасида сигир сандироқлар ва ниманидир қавшарди. Зояни кўргач, маъради: «Мў-ў-ў».

Зоя «ҳа, ҳа» дея овоз берди, сигирга яқинлашиб, бўйнидан кучди, жафокаш обидийдалари тўкилди. Ювошгина сигир заъфарон хазон рангида бўлиб, пешонасида оқ тамғаси бор. Бир шохи рисоладагидек, боши узра ойдек қайрилиб турибди. Иккинчиси эса, негадир олдинга қараб, деярли кўзи устига осилган. Ҳойнаҳой, хўжайин арақ кайфидан сўнг, бош оғриғига ғажиган кўринади.

Уйча эшиги қулфланмаганди. Зоя ичкарига кирди, атрофга разм солди. Хона иккига бўлинган. Рус печкаси, ўтхонаси бор. Сал торроқ биринчи қисмда ҳамма анжом – жиҳозлари бўлган ошхона, вагон тахтаси қоқилиб, «Гудок» газетаси елимлаб ёпиштирилган тўсин ортида эса каравот, ёғоч стол қўйилган хобхона. Дераза токчасида гултуваклар, ёғоч тўсинга расмлар илинган. Ўнгда идиш-товоқ қўйилган жавон. Ҳамма анжомларга қатъий қилиб,

«МПС» сўзлари ёзиб қўйилган. Харна, бошпа-на, деса арзигулик жой. Фақат ҳамма анжом-ларда дағал эркак қўли излари сезилади. Керосин хиди анкиб турибди. Лекин керосин ҳидини босиб, сергўшт карам шўрванинг ёқимли бўйи димокни қитиқларди. Зоя печкага қаради. Худди ўзи ўйлагандай! Ўтхонада бир қозон карам шўрва, ёнида товада жингиртоб қилиб пиширилган картошка. Зоя жуда очқаб кетганди. Овқатларнинг буди-шудини печдан олди, даҳлизчадаги бочкада бодринг, печ тепасидаги саватдан катта-катта помидор топди. Мехмон стол тузади ва ниманидир ўйлаб, хона ўртасида туриб қолди. Бурчакда сўник шам ушлаган аллақандай ҳур қиз тасвирланган икона. Зоя фикрлаш, бош қотиришда давом этди ва бирдан қийқирганча ўзини даҳлизга урди. У ерда катта ёғоч яшик турар, олдида қум тўлдирилган тоғора. Яшикда керосинли бидонлар, белкурак, тормоз бошмоқлари ва шунга ўхшаш темир йўл анжомлари бор эди. Яшик тепасида эса, аптечка, аптечкада «МПС» сўзлари ёзилган идишда спирт бор эди. Ахир, спирт деганингиз аптечкада бўлмай, бошқа ерда бўлармиди! Зоя спиртни стаканда сув билан омухта қилди. Жунбишга келган кимёвий аралашма тинишини кутиб турди-да, бир томчи ҳам қолдирмай ичди. Сўнг эса, иштаҳа билан тушлик қилди. Карам шўрвада катта бир бўлак чўчка гўшти ҳам бор эди. Зоя уни инсоф билан тенг иккига бўлди, яна сув ва спиртни омухта қилиб, кучи кетмаслиги учун устини қоғоз билан бекитиб ҳам қўйди. Бироз ўйлаб тургач, сарқитларини кўппак олдига элтиб ташлади. Унга Пўлкан, деб ном қўйиб олди. Итнинг номи бошқа эди. Лекин кўппак шу кундан бошлаб ўз номидан ҳазар қила бошлади, уни бир

умрга унутди, меҳмон опа атаган номни худди мукофотдек қабул қилди.

Стол устини йиғиштиргач, Зояни уйқу босди. Тўшакни кўздан кечирди – эркак хиди келиб турибди. Чойшаб аллақачондан бери ювилмаган, кир-чир. Зоя сандикни очиб, чойшаб, жилд, сочик олди. Кудуқ ёнига чиқиб, оёқларини ювди. Совуқдан жунжикканича муздай сув таъсирида кирмизи тус олган тўқ, дўндиққина юзчасини кўллари билан сийпалаб қўйди. Девордаги ойнага қараб, сочларини таради, чап кўзини қисиб, ўз-ўзига карашма қилди. Унча-мунча ишлар ўз йўлида-ю, лекин кўз қисиш, қош қоқиш хунарини у яхши эгаллаганди.

* * *

Йўл назоратчиси Адам Артёмович Зудин адаши Одам Ато сингари ҳали бўйдоқ, сўққабош, Момо Ҳавонинг этагидан тутиб улгурмаган эди.

Одам Ато деганингиз бўйдоқ бўлиши керак-да, ахир. Унинг шаҳардан ўн икки чақирим олисдаги кулбасига бекатдан, ёинки, йўл ётоқхонасидан Момо Ҳаволар онда-сонда ташриф буюришар, лекин тайгадаги бир маромдаги зерикарли ҳаёт жонларига тегиб, тезда қочиб кетишарди. Мана энди, Адам – Одам Ато темир йўлни кўздан кечириб қайтиб келса, вой, онажоним-ей, уйида, унинг каравотида Момо Ҳаво ухлаб ётибди! Оқ-сарикдан келган, юзи тоза, мусаффогина. Бу хур қиз, жаннат филмони, албатта. Бошқача бўлиши мумкин эмас! Қаранг, хонага кирибди, нимаики зарур бўлса, ҳаммасини топиб олибди, тановул қилибди, ичибди. Лекин овқатнинг ҳам, ичимликнинг ҳам тенг ярмини қолдирибди. Момо Ҳаво ўзи шундай қилиши керак-

да! Чунки, Одам Ато билан Момо Ҳаво бир олмани тенг иккига бўлиб ейишган. Шунинг учун ҳам эр-хотин жуфтнинг ярми, дейишади. Кишилар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам инсоф-адолат юзасидан умр басар қилишлари керак. Адам шоша-пиша қарам шўрва ичар экан, шулар ҳақида ўйларди. У Момо Ҳаводан кўз узмас, овқат қошиқдан кўксига тўкилар, шўрва хўплагани сайин шошқалоқлиги ортар, сабр-бардоши тугаб борарди. Бу Аллох таолонинг иши! Худонинг ўзи марҳамат қилиб, ёввойилашиб қолган эркак ҳузурига шундай нозанинни юборибди. Ҳа, ўша ғамхўр, меҳрибон тангримнинг қаромати бу! Йўл бошқармасидан эса бунақанги қаромат кутиб бўпсан. Улар кетсин, пилик ва фонусларни жуда кам беришади, асбоб-анжом мутлақо йўқ. Асбоб-анжомни ҳам, озиқ-овқату аёлни ҳам ўзинг топ, дейишади. Ахир, бу аёл деганингиз, темир йўлда думалаб ётмайди-ку! Ёлғизлик, ғам юрагини эзган Адам баъзан ёмғир, совук, қорбўронга ҳам қарамай, йўл ётоқхонасига боради, битта-яримта аёл нигоҳига сазовор бўлармиканман, дея азият чекади. У ерда эса вазият ҳар хил бўлади. Адам асабийлашар, стулда безовта кимираб кўярди. Маълумингизки, қари эркак уч кунлик овқат бўлса ҳам еяверади, ҳозир эса... «Эҳ, шу қарам шўрвани ҳам, тушликни ҳам жин урсин!» Адам қошиқни ташлади, каловланиб, зўрға ечинди. Биргина ич кийимда қолди. Оёғини гиламчага хафсала билан артди, чойшабни кўтариб, яхшилаб иситилган тўшак қаърига шўнғиди. Адам бир муддат жимгина чўзилиб ётди. Қараса, ҳеч ким ҳайдаб солмади. Шунда Одам Ато Момо Ҳавога янада яқинлашиб, унинг пинжига тикилди. Қулоғига шу сўзлар чалинди: «Эҳ, сиз эркаклар! Ҳаммангиз йиртқич

хайвонсизлар! Совуқдан, шамол, изғириндан кела солиб, совуқ панжалар билан иссиққина баданни рижимлай бошлайсизлар-а!..»

* * *

Шундай қилиб, Адам уйланиб олди. Ўз қилмишидан ўзи лол, ҳайрон бўлди. Одам Ато ва Момо Хаво жуда қувноқ, ҳатто, жўшқин ҳаёт кечирардилар. Адам неча марталаб болта ёки мис-рангни боши узра кўтариб, хотинини тиркиратиб қувди. Лекин бир марта ҳам етолгани йўқ. Хотин қурғур чакқон эди. Милтиққа сочма ўқ жойлаб, отиб ташламоқчи бўлди – теккизолмади. Адам уйи деразаси олдида ўзини турникка осди – аркон узилиб кетди. Бечора Адамни шу кўйга солган нарса – Зоянинг ақлини шоширувчи эхтироси ва одамларга бўлган муҳаббати эди. Ўз навбатида, одамлар ҳам уни жуда яхши кўришарди.

Ўғли туғилмагунча, Зоя эри билан қонуний никоҳдан ўтишдан бош тортиб юрди. Ўғлига у Игорь деб ном қўйди. Ўғли эмин-эркинликда тез ўсди. Зоя ҳам ўзини босиб олиб, меҳрибон онага айланди. Пайт пойлаб, бекат буфетига қочиб қолишни бас қилди. Адам бўлса, яна бир қиз, бир ўғилни дунёга келтириб, Зояни ўзига маҳкамрок боғлаб қўйиш режасини тузди. Лекин хотин анойилардан эмасди. Ўзини серфарзандлик, майда-чуйда ташвишлар билан қул қилишларига йўл қўймади. Игорь улғайиб, электровоз машинисти бўлиш учун темир йўлчилар билим юртида ўқий бошлагач, Зоя аввалгидек куч-ғайрат билан маишатбозликни бошлаб юборди.

Онаси Вейскда, темир йўлчилар кўрғонидаги еттинчи рақамли уйда пайдо бўлганида, Игорь Ада-

мович ишга жойлашиб олган, уйланиб ҳам улгурган эди. Она эри қазо қилганини, бошқа борадиган жойи йўқлигини, энди ўғли билан яшажагини билдирди.

* * *

Шундай қилиб, у яшаб кетди. Яшаганда ҳам узундан-узок умр кечирди. Саккиз хонадонли бу уй сокинлари ишлари чиқиб қолганда, киного кетишганда, ёинки зудлик билан бирор ерга чақирилганда, болаларини пастдаги хона эшигидан киритиб юборишга одатланишди. Зудинлар хонадо­нида эса, одатдагидек хониш эшитиларди: «А-ту-ту-ти, А-ту-ту-ти, а-ту-ту-ти...» Бу Зоя бувининг товуши. У кимнингдир боласини, баъзан бир неча болани тиззасида аллалаб, ўйнатиб ўтирарди.

Зоя буви ҳаддан ташқари сўконғич, оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Ичкиликни яхши кўрарди. Ичиб олгач, ҳаёсиз қўшиқларга сал одам­шаванда тус бериб, куйлай бошларди. Қаҳри келиб қолганда кампир кўрган-кечирганларини ёдга олар, камоқхонада аристонлар, ҳар хил қаланғи­қасанғилар «ўз аёллари»га қандай хушомад қилишларини ҳикоя қилиб берарди.

Боласи тушмагурлар жуда ижодкор халқ. Улар кампирнинг қўшиғини ўз ҳолича қайта ишлашар, атрофни бошларига кўтариб, куйлаб юришар­ди. Володя Горячев Зоя бувининг оғзаки ижоди­ни ўрганиш учун еттинчи уйга яширинча келиб­кетиб турарди. Зоя бувининг эса, бора-бора ўз номи унутилиб, болалар туғилавергани сайин кам­пирнинг «ту-ти, ту-ти»си эртаю кеч тинмайдиган бўлиб қолди. Тутишиха кампир қўшиқ сўзларини, нақоратини ҳар мақомга солиб, ўзгартириб кўрди. Лекин еттинчи уй ва унинг атрофидаги болакайлар

бу янгиликларни ўзлаштиролмадилар. Кампир тути, ту-ти ўрнига «Уди» сўзини кўйиб кўрди, бу ҳам таъбига ўтирмагач, болаларникига яқинлашиб қолган акли билан янгилик йўлига ўтиб олди. Рус оғзаки ижодини шаддод бир янгилик билан бо-йитди: «А тути, тути, тутил, потерял мужик бутил, шарил-шарил – не нашел, сам заплакал и пошел».

Сўнги тахрир ҳаммани қаноатлантирди. Чунки, матнда хизмат ҳақи, қандай миннатдорчилик билдириш лозимлигига очикдан-очик ишора сезилиб турарди. Шундан сўнг холис хизмат учун ҳамма ҳисоб-китоблар унчалик катта ҳам, қиммат ҳам бўлмагани «бутил» – шиша ёрдамида амалга ошириладиган бўлди. Юлька исмли набирачаси дунёга келгач, Тутишиха кампир ўғлига буйруқ берди:

– Пенсия исроф бўлмасин учун, менга минбаъд ҳар ҳафтада чоракта арақ олиб берасан. Кампирнинг пенсияси ҳам ҳамин қадар. Унга йўл назоратчиси ёрдамчиси сифатида эски пул ҳисобида икки юз эллик сўм миқдорида нафақа белгилашганди.

Кампир набирали бўлгач, анча мулойимлашиб қолди. Унинг қора ўй-хаёлларини Юлькага бўлган бемаъни, аммо ёруғ муҳаббат туйғуси босиб кетдими, ёинки, улар ўз-ўзидан хира тортиб қолдими, ҳарқалай, касалманд, йиғлоқи, доимо бурни оқиб турадиган набирачаси бир нав юрганда кампир кўзларини юмиб олиб, вужудида йиллар деярли кўмиб юборган туйғуларни жонлантирарди. «Мен нариги қирғоқда черёмуха терардим, бунисига ўтдим-да, жонгинам-ла сайр этдим», «Сен кўприкда тик турма, папоғингни силкитма, энди мен сеникимас, жонгинам, деб атама!» Кунларнинг бирида у сассиз, кўз ёшларисиз бир наф билан ўша туйғуни жонлантиришга муваффақ бўлди: «Жоним, соҳибжамолим, шамъи-шабистоним, куй-

динг-ёндинг, севдинг ва туриб ташлаб кетдинг...» Кампир куйлаб бўлиб, ўрнидан сакраб турди, ҳеч ким қараб турмаганмикан, деб атрофга аланглади ва ўзи аллақачонлар тарк этган Ватани – Фарб томонга қараган дераза ойнасига серажин пешона-сини босди.



Юльканинг онаси идора хизматчиси эди. У тез-тез касал бўлиб турар, туғиши мумкин эмасди. Лекин у ҳомиладорлик воситаси билан тузалиб кетишига умид қиларди. Ҳақиқатан ҳам, бояқиш шу қадар соғломлашиб кетдики, темир йўлчиларнинг бепул чиптасидан фойдаланиб, ҳар йили сиҳатгоҳ-сиҳатгоҳ айланадиган одат чиқарди. Дам олгани эри билан ҳам, якка ўзи ҳам кетаверарди. Ана шундай саёхатларнинг биридан у қайтиб келмади. Айтишларича, Қора денгизда чўкиб кетганмиш.

Яхши касби, катта маоши бўлган ёш, салобатли Игорь Адамович бева бўлиб қолмади. Ўзи ўрта маълумот олиш учун ўқишни давом эттираётган ишчи ёшлар мактаби ўқитувчиси Викторина Мионовна Царицина унга оила қуриш ва бошқа айрим масалаларда савод чиқаришда тезгина кўмаклашиб юборди. Викторина Мионовна жуда ёшлигида пединститутда ўқиб юрган пайтларида Клара ва Лера исмли эгизак кизалоқларни орттириб олишга улгурганди.

Викторина Мионовнанинг темир йўл бошқармасига қарашли уйда хонадони бор эди. Игорь Адамович тез орада эски уйининг рақамини ҳам унутиб юборди. Оқибатда юзлари кўм-кўк, оёқлари ингичка, нимжон Юля ақлан заифлиги сабаб ҳатто, пединститутда ўқишни ҳам уддалай олмади. Викторина Мионовна уни бир амаллаб, мактабгача тар-

бия билим юртига жойлаштириб кўйди. Ана энди, бир неча йилдирки, Юля ўзини ҳам, таълим-тарбия тўғрисидаги фанларни ҳам қийнаб, шу даргоҳда овора бўлиб юрибди. Унинг ота-онаси икки қизни тарбиялаб, вояга етказгач, саёҳат ва дам олиш фикрига тушиб қолдилар. Маза килиб, тараллабедод умр кечира бошладилар. Улар Европа ва яқин атрофдаги мамлакатларда бўлишди. Дала-ховли сотиб олиб, гулчиликка меҳр қўйишди. Бу орада Юля жазманлари ердамида ўзига кафан бичарди. Унинг жазманлари орасида ўша почапўстинли, ўзи дўппослаган олифта ҳам борлигини Леонид бирдан эслаб қолди. У чамаси, улфатлари билан зина тагида Юляни кутиб ўтирган. Аксига олиб, тепадаги қўшни Леонид келиб қолганини, қаранг.

Тутишиха кампир Юлясиз яшай олмас, пиёда аскарлар ротасидаги фельдфебелга ўхшаб, оғзидан боди кириб-шоди чиқиб, унга ақл ўргатар, панд-насихат қиларди.

– Сен, ахир, дуч келганга илакишиб кетавермада, – чинқирқ товуш билан набирасини койирди у, – бўйингда бўлиб қолмаслиги учун кун сана ёки ампула ют.

– Капсула, бувижон. Ампула шишали бўлади.

– Хўш, шишада бўлса, нима қипти? Бир марта қийналасан, кейин эса, ихтиёринг ўзингда, маза қилиб юраверасан! Бўлмаса, қараб турсам, сенинг ҳар бир кўнгилхушлигинг эллик сўмга тушяпти. Сенларга бунча пулни даданг каердан топиб берсин? У бечоранинг бошида уч алвастининг ташвиши. Аксига олгандай, ҳар учаласи ҳам ўлгудай шахватпараст. Билмадим, кимга тортган булар ўзи? Мана, мен ўзим шунақа шўх, шаддод эдим. Лекин каллам жойида эди. Калламни ишлатардим! Ўқитувчи хонимнинг қизлари ҳам анча иштиёқманд кўринишади...

Кампир хуштаъм бальзамга тўйиб олиб, арақни ҳам ичиб битириб, ухлаб ётибди. Юля бўлса, ясантусан билан ақл-фаросатда ўзидан қолишмайдиган дугоналарини хайратга солади. Паша тоға эса, ҳамон минғирлаб, кўл ва ҳовузлардан номақбул усуллар билан балиқ овлаб юрган, виждонини йўқотиб қўйган қария Аристарх Капустинни тўғри йўлга солиб қўйишга ҳаракат қиларди. Қўйиб берса, Аристарх портловчи модда ишлатишгача бориб етади ва қарабсизки, турмага ҳам тушиб қолади.

Лавря-казак завжаи мухтарамаси зугумидан отилиб кетган вулқонга дош бериб, энди қизиган моддалар совиб, кратер тубига чўкишини кутиб ўтирибди. Ҳамма нарса жой-жойига тушгач, у оёқ учида юриб, ҳожатхонага киради. Шишалар, қоғоз халтачалар орасидан «ғилдирак мойи» деган сўзлар ёзилган идишни топиб олади. Шу идишда қолган лаънати бир неча томчи уни тинчгина ухлашга қўймапти. Етимхонада Граня холанинг кўзи зўрға илинади. Қуш уйқуси билан ухлаб, бахтсизлик туфайли етим бўлиб қолган, ота-оналари ташлаб кетган, ёинки сотиб ичган кичкина одамчалар уйқусини сергаклик билан қўриқлайди.

Кечаси клуб ва ўйингоҳлар, ресторан, кутубхона, маданият уйлари бекилади. Лекин самолётлар учаверади, соқчи ва қоровуллар ўз ўрнида туришади. Тугожилинолик Веня Фомин турма вагонидан каланғи-қасанғилар билан тикилишиб ухлайди, ўзини қаерга олиб кетишаётганларини билмайди. Уни эса, узоқ юртларга, жуда узоқ муддатга олиб кетишяпти. Эҳтимол, унинг худа-бехуда сарфланган умри қайтиб келишга етмай қолиши ҳам мумкин.

Эшикни ёғоч тамба, темир илгак билан маҳкам бекитиб олган эр-хотин Чашинлар қиздирилган иссиқ уйда бошқа-бошқа ухлашмоқда. Уйқусизлик қийнаган Маркел Тихонович «хоним»ни безовта қилмаслик учун ўғринча хўрсиниб қўяди. У набирачасини соғинган. Қизи, куёви тўғрисида ўйлайди, фронтни эслаб қолса ҳам, ажабмас. Одамлар орасида у урушни камдан-кам хотирлайди. Баъзи-баъзида хўрсиниб қўяди: «Энди бунақа қиёмат-қойимни сира худо кўрсатмасин...»

Билагонларни бир амаллаб ухлатган маҳаллий маданият мутафаккири Сироквасова эснаганича, аллақандай Сошнин деган кимсанинг дабдаласи чиқаёзган қўлёзмасини варақлайди.

Катта амалдор Володя Горячев ухлашга ҳозирланаяпти, юрагида меҳмонни, ўзи ўйлаб чиқармаган бўлса-да, гирдобга тортиб кетган ўша хушомаду тартиб-қоидаларни бўралаб сўкмоқда. Худо берган фарзанди қобилнинг чинқироқ овозини марҳум эри товушидан ажратолмайдиган Алевтина Ивановна бўлса, набирачаси Юранинг устини маҳкам бекитади, тунчирокнинг яшил нурини унинг юзидан бошқа ёққа буради. Дераза ортига, кўчага тикилади. У ўзига ишониб топширилган етимхона болалари ҳақида ўйлайди. Бу ерда у фарзандсизлиги учун гуноҳини ювмоқчи бўлгандай, болакайлар ҳаётидан, уларнинг бетайин, жинойткор оналари содир этган шафқатсизликни ўчириб ташлашга, келажак йўлини ўнглашга ҳаракат қилади.

Ишлаб чарчаган Лерка ва Света риштин иморатнинг тор ва диққинафас хонасида энсизгина ўринда бир-бирларини кучоқлаб ётишибди. Бу иморат янги давр талабларига мослаштириб, «меҳмонхона русумидаги уй» деб аталапти.

Бўлинма бўйича навбатчиликда кимдир Федя Лебеданинг ўрнига келгандир. Еттинчи уйда калтак еган ҳалиги уч шоввоз, аламларидан, қасд олгилари келиб, кимнидир дўппослашлари, майиб қилиб кўйишлари ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

• • •

Дераза ортида чирок силкинади. Сумалаклар шамол таъсирида майдаланиб, сочилиб кетади. Электровоз пешонасидаги прожектор нури, бўғик «дут-дут»лаш тунги йўловчиларни хотиржамлантирди. Эҳтимол, Юлянинг Болтиқ бўйидаги жуда расм бўлган сиҳатгоҳда дам олиб қайтган сахий дадаси биринчи кун ишга чиққандир. Кўчада одамлар борган сари кам учраяпти. Ер айланиши ҳам секинлашиб боряпти. Лерка билан Света ҳамон ухлашяпти... «Эй, худойим, фақат аҳмокона ходисаларни эслаб қолиш, кўриш мумкин бўлмаган нарсаларни кўриш, тинчгина яшамай, ўзини ўтга, чўкка уриш қобилияти менда қаердан пайдо бўлган?»

Леонид ўзи ҳақида ана шуларни ўйлашга улгурди. Эҳтимол, бир неча дақиқа ухлади ҳам. Бирданига майин чинқирик уни ўрнидан ағдариб юборди. Кимдир бировни сўймоқда, ёинки уйига яширинча қайтаётган Юляни бирор бадмаст ушлаб олиб, зина тагига судраган кўринади.

Сошнин шимини кияётиб, қориндор жавон ортидаги тонгги деразага хайрон бўлиб тикилиб турган ҳам эдики, ўзи беркитишни унутган эшик очилиб, остонага йиқилиб тушган Юля унга қўлларини чўзганича эмаклаб кела бошлади:

– Лёша тоға! Лёша тоға! Бувим...

Сошнин Юлянинг устидан сакраб ўтиб, бир сакрашда пастки эшик ёнига етди ва уни ланг очиб юборди.

Тутишиха буви курукшаган кўллари кўксига кўйиб, уст кийимлари, оёғида нимдош шиппак билан чойшаб устида ётар, юзида хайрихоҳ нимтабассум котиб қолган, ярим юмук кўзлари Леонидга боқиб турарди. Сошнин унинг совиб қолган кўзларини бекитди. «Рига бальзами»нинг сопол идишини чайқатиб кўрди. Кампир унинг маслаҳатига кулоқ солмаган, «фойдали» ичимликни охиригача ичиб кўйган экан.

Агар Леонид кечаси кампирдан бальзамни олиб кўйганида олам гулистон эди. Йўқ, у бундай қилмади, ахир, унинг ўз ишлари, ташвишлари бор. Бунақада бировнинг бировга иши бўлмай қолади-ку!

– Бас қил! – деди у эшикда ҳиқиллаб турган Юляга, – тез бориб дадангни, Викторина Мионовнани чақириб кел, мишиқи ойимча! Энди сен нима қиласан? Бувингсиз қандай яшайсан?!

– Во-о-ой, Лёша тоға, кетмагин. Мен бир ўзим кўрқаман... Кетма, хўпми... – пўстинини кияётган Юля тугмаларини ўтказолмай бидилларди, – мен ҳозир бир зумда қайтиб келаман.

Тутишиха кампирни боқий дунёга иззат-икром, дабдаба билан кузатдилар. Игорь Адамович туққан онажонидан ҳеч нарсани аямади. Кампирни янги, эскисига эндигина кўшилган, кабрестон тупроғига топширишди. Эски кабрестон ҳам унчалик кўҳна эмас, қирк бешинчи йилларда яланғоч, тош-тупроқли тепаликда барпо этилганди.

У ерда ҳозир қалин ўрмонзор пайдо бўлган. Бир қисм дарахтлар ўтқазилган, бир қисми дарё ортидан, Вейск ўрмони, темир йўл ихота дарахтларининг шамол учуриб келган уруғларидан кўкарган. Заминда ҳаёт давом этади, ернинг ўғити кўпайиб бораверади. Ҳаммаси ўз йўли, навбати билан.

Леонид Тутишиха кампирнинг атлас матох билан ўралган тобутига бир сиқим тупроқ ташлади-ю, ҳаво илигандан сўнг ёққан қор устидан тўғрига — эски қабристон томон юриб кетди. У қандайдир севинч билан илдам қадам ташлар, нигоҳлари онаси ва Лина хола қабрининг белгиси бўлган дарахтни изларди.

Кўзи янги бўялган, панжара олдида гимираётган темир йўлчилар кийимидаги бўйни қийшиқ кимсага тушди. Бу Граня хола эди. Леонид унинг тиловатига ҳалал бермаслик учун ёнидан индамай ўтиб кетди. У фақат Граня холадай барваста, салобатли аёл, худди мактаб боласидай кичрайиб қолганига ажабланди, холос. Чичанинг қабр тошидаги сурати офтоб, қор, ёмғир таъсирида кулранг доғ шаклига келиб қолган, лекин афтидан, Граня хола бу доғда ҳамон эрининг сиймосини кўра олади, унинг гуноҳларини кечириши учун Аллоҳга сифинади. Ўз навбатида, Аллоҳ таоло гуноҳкор бандаси — Граня холани ҳам унутмасин ва жонини ими-жимиди, азоб-укубатсиз олсин. Шаҳар Кенгаши эса, унинг жамият учун қилган хизматлари, фидойилиги эвазига, худонинг иродаси билан пешонасига битган умр йўлдоши ёнига, ана шу қабристонга кўмишга рухсат берармиди?..

Онаси ва холасининг қабрларини ўраб турган панжара ичкарасини қурум босган қалин қор коплаб ётарди. Шаҳар мўриларида бурқсиган қурум шу ергача етиб келибди. Леонид панжаранинг эшикчасидаги симни очиб ўтирмади. У панжаранинг ўткир тишларини ушлаб турар, бу сокин маконга тикилганча, ўзи учун энг азиз, қадрдон аёллар ер қаърида, қор тагида қандай умри басар қилаётганликларини тасаввур этмоқчи бўлар, лекин бунинг уддасидан чиқолмасди. Энди уларга

хеч қандай ёрдам қилиб бўлмайди. Қалб ҳарорати бахш этиш, меҳрибонлик кўрсатишнинг иложи йўқ. Мана шу кунни олайлик. Бу нима ўзи? Тубсиз осмон, қор оклигидан, тепадан нур сочган қуёш таъсирида янада ёркинлашган кун ва ғуж-ғуж одам кўмилган қабристон. Бу қабристоннинг тикилинч қаърида қор тагида, Сошниндан бўлак хеч ким танимаган, билмаган икки киши ётибди. Улар хеч қандай товуш чиқаришмайди. Қани улар, қаёққа ғойиб бўлишган? Ахир, улар бор эди, мавжуд эди-ку! Улар ухлар, хаёл суришар, ташвиш чекишар, ўз-ўзидан кўпайишар, мол-мулк йиғишарди. Муштлашишар ва яна ярашишар, қаёққадир боришар, кимнидир яхши кўриб, кимнидир ёмон кўрар, баъзан азоб чекиб, баъзан хурсанд бўлишарди...

Мана энди уларга хеч нима керак эмас. Уларнинг хеч ким билан ишлари йўқ. Ҳамма нарса тўхтаб қолди. Энди тириклар ўлим мазмунини тушуниш учун ҳар қанча уринишмасин, бунинг уддасидан чиқишолмайди. Ҳар қанча афсус чекишмасин, тирикларнинг бу ёруғ дунёни тарк этганлар олдидаги гуноҳи тугамайди.

Баҳорда қабристонда ахлатларни ёкишаётганда шамол туриб қолса бўладими? Аланга қабрлар, буталар оралай бошлади. Ҳамма ёғоч анжомлар ёниб кетди. Темир панжараларда эса бўёқ жизғанақ бўлиб қолди. Қабристондаги кўпгина қабрлар вайронлигича қор тагида қолиб кетди. Панжара ва ёдгорликларни чанг босди. Қабрлар хувиллаб қолди. Қор ғариб бошларни кўздан пана қилди, инсонлар ғам-қайғуси масканини оппоқ кафан, жуда серандух кафанга буркади.

Аланга Сошнинлар қабрига ҳам етиб келди. Панжара бўёғини эритиб юборди. Ярим аланга тешиклардаги суратларни куйдирди. Ёзда Леонид пан-

жара ва соддагина ёдгорлик лавҳаларини бошкатдан хаворанг бўёқ билан бўяб қўйди. Ўриндик ўрнатди. Лекин янги сурат қўймади. Нима кераги бор? Аввалги суратларда аёллар жуда ёш кўринишади. Сошниннинг ёдида қолган онаси, холасига сира ўхшашмайди. Уруш йилларида онасининг суратга тушишга вақти ҳам бўлган эмас. Лина хола эса камокдан қайтгач, Леониддан яширинча черковга қатнайдиган бўлиб қолди. Шундай бўлгач, етти ёт бегона, лоқайд одамларга уларнинг суратини кўз-кўз қилишига не ҳожат? Хўжакўрсинчилик кабристондан бошқа жойларда ҳам тикилиб ётибди.

Онаси ёдида, лекин у Лина холасини яхшироқ эслайди. Уларнинг ҳар иккаласини ҳам жуда яхши кўради. Соғиниб ғам чекади. Ўзи тириклиги, улар эса ер қаърида ётганлигидан азобланади. Улар жуда яқин орада ётишибди. Қўл узатса, етгулик. Лекин, аини вақтда, шунчалар йироқ. Ҳеч ким уларга етолмайди, кўролмайди, хафа ҳам қилолмайди. Туртиб юборишнинг, ҳақорат қилишнинг ҳам иложи йўқ. Бу армон Леонидга чексиз азоб беради, кийнайди. Ҳа, ҳеч кимни иситолмайдиган, бепарво қуёш нуридан шунчалар ёркинлашиб кетган осмоннинг ҳам уларга ҳеч қандай дахли йўқ. Улар ер қаърида ётишибди. Остларида ҳам, устларида ҳам қора ер. Эҳтимол, ер аллақачон уларнинг абжағини чиқариб, хокини ўз вужудига сингдириб улгургандир. Ҳозирга қадар у миллион-миллион оддий ва буюк, қора ва оқ, сариқ ва қизил одамларни, ҳайвонот ва ўсимликларни, гул, кўкат ва дарахтларни, бутун бошли миллатлар ва қитъаларни хоки туроб қилган. Ўзи аслида, ер ана шундай шафқатсиз, гунг, соқов, қора ва овир бўлиши керак. У агар ҳис қила олганида, азоб чекишга кодир бўлганида, аллақачонлар парчаланиб кетган, хоки коинот узра

сочилган бўлур эди. Ер ўзи ато қилган нарсаларни қайтиб бағрига олиш билан биргаликда, инсонлар ғам-аламини, дардини ҳам ўзига олади. Бу билан у кишилар ҳаётининг давомийлигини, ўзларигача яшаб ўтган инсонлар хотирасини ёд этиб туришларини таъмин этади.

– Онажон, Лина хола, мени кечиринглар. – Леонид телпагини ечиб, чуқур таъзим бажо этди ва негадир, тез қад ростлай олмади. Юрагида тўпланиб қолган ғам янада оғирлашиб қолди. Унинг ёрқин киш қуёши истиқболга бош кўтаришга, жойидан қимирлашга мадори қолмаганди.

Ниҳоят, у боши совуқ қотаётганлигини ҳис этди. Телпагини икки қўллаб, бостириб кийди. Атрофга қарамай, бўғзига тикилиб келган аччиқ кўз ёшларини йўтал билан енгишга интилиб, қабристон дарвозаси томон юриб кетди.

• • •

Эски қабристондан чиқаверишда у икки кишининг қорасини кўриб қолди. Уларнинг бири бели ингичка пальто, мўйна телпак кийиб олган, замонавий этикларини бир-бирига уриб кўярди. Иккинчисининг қомати кичкинагина, саллагулга ўхшаган боши катта, дум-думалок. Худога шукур, болани Лина холанинг жун рўмолига ўрашга ақли етибди. Пийма калиш, қўй жунидан тўқилган қўлқопчалар, қалин пўстинча кийган Света қўлчаларини кулгили тарзда кериб турарди. «Автобусдан кечикиб қолдик, ҳамма машиналар кетиб бўпти, биз ҳар эҳтимолга қарши янги қабристондан бу ерга келдик» қабелидаги ортиқча гап-сўзларни эшитиб ўтирмаслик учун Сошнин келасолиб Светани кўтариб олдию бағрига босди. Қизи индамайги-

на дадасининг бўйнидан қаттиқ қучди, оғизчасини унинг қулоғига босиб, секин иссиқ нафас пуфлади.

Леонид негадир серзарда қадам ташлармиди, ёинки Леркага шундай туюлдими, ҳарқалай, у одатдагидан кўпроқ оқсоқланарди. Унинг қор тўла бошмоқлари йўлнинг яхмалак сиртида қаттиқ фирчилларди. Нима дейиш, нима қилишни билмай қолган Лерка қутилмаганда болаларнинг масхара-омуз қўшиғини айтиб, уни кўнглида мазах қилишга тушди: «Бир сўм, беш тийин йўқдир текин, Олиш учун ишлаш керак лекин!»

«Менга нима бўляпти, – бирдан ўзига келди Лерка, – бутунлай эсим оғиб қолдимми, нима бало? Ёинки ёввойилашиб кетибманми? Унинг ахир оёғи азоб беряпти-ку! Афтидан, оғир милиция этигини кийиб юролмаса керак».

Хотин эркакка эргашиб, итоаткорлик билан майда қадам ташлай бошлади. Энди унинг ҳам этиклари фирчилларди.

Сошнин темир йўлчилар кўрғонига олиб борадиган нишаб йўлга бурилганда, Лерка: «Сен қаёққа кетаяпсан, ўзи?» дея норозилик билдирмоқчи бўлди. Лекин бундай қилмади. Чунки, Леонид: «Уйга! Бегоналарникида, бурчак-бурчакларда санғиб юрганларнинг етар энди!» – дея бақириб бериши турган гап. Бунинг устига, еттинчи уйда таъзия маросими. Граня хола ва Викторина Мироновнага ёрдамлашиб юбориш керакдир, эҳтимол. Бошқача бўлган тақдирда ҳам, Леонид кейинги пайтларда оғир, серғалва кунларни бошдан кечирди. Сироквасова билан адибади айтиш, аллақандай безорилар ҳужуми. Ўзи доим унга кимдир ҳужум қилгани қилган. Умуман, у доим ташвиш-тахликали ҳаёт кечиради. Нимага бундай қилади? Ахир, бусиз ҳам қабристонда янги

кабрлар тўлиб ётибди-ку! Уни яқин кузақда кенгайтиришган эди. Негадир, одамлар ўз умрларига ўзлари зомин бўладилар. Ахир, бунинг тескариси бўлиши керак-ку! Қийинчиликларни биргалашиб енгиш, камчиликларга тоқат қилиш лозим...

* * *

Еттинчи уйнинг оғир эшиги Леониднинг ортидан қарсиллаб ёпилиши биланоқ, Граня хола унга зуғум қилди:

– Сен қаерларда санғиб юрибсан? Одамларни иккинчи кур столга ўтқазиш керак. Бу ерга аллақандай фахрийлар суқилиб кириб, қўшиқ айтмоқчи бўлишяпти...

– Бунинг менга нима дахли бор, Граня хола?

– Ҳаммасини кувиб чиқар! Олиб кет!

– Мен энди милицияда ишламайман, Граня хола.

– Хўш, ишламасанг, нима бўпти?! Барибир, кимдир тартиб ўрнатиши керак-ку, ахир! Хўжайиннинг ўзи бўлса, араққа тўйиб олди. Хеч кимни кўргиси, эшитгиси келмайди. Онасининг ғамини чекапти.

Граня хола нимадандир қаттиқ хафа, дарғазаб эди. Ҳойнаҳой, етимхонадаги иш уни шу кўйга солган. Ҳали туғилган пайтларидаёқ қимматли оналари томонидан тақдирлари, ҳаётлари остин-устун қилинган болақайлар қисмати юракни юмшатмас, балки Граня хола сингари буюк сабот ва чидам эгаларини ҳам бағритош қилиб қўяр экан.

...Она аталмиш бир мавжудот ўз чақалогидан жуда айёрлик билан қутулмоқчи бўлибди. Боласини темир йўл вокзалидаги автомат юк сақлаш камерасига тиқиб қўйибди. Яхшиямки, Вейск милиционерлари соғ-саломат юрган собиқ қулфбузар ўғриларининг ҳаммасини яхши билишади. Вокзал

яқинида яшайдиган ашаддий кулфбузар ўғрилардан бири камера сандикчасини бир зумда очди. У ердан қирмизранг боғич билан боғланган тугунчани олиб, уни ғазабга тўлган оломон олдида баланд кўтарди. «Қиз бола! Миттигина кизалок! Ҳаётимни шунга бағишлайман. Бутун ҳаётимни! Фақат унга! – деди кулфбузар. – Чунки... Эҳ, қанжиқлар! Шундоқ митти болақайни!..».

Кўп марталаб судланган, ушланган, қамалган жафокаш бошқа гапиролмади. Аччиқ кўз ёшлари уни бўғмоқда эди.

Энг қизиқарлиси шундаки, ўша кулфбузар ҳақиқатан ҳам бутун умрини қизалокқа бахш этди. Дурадгорликни ўрганиб олиб, «Прогресс» ширкатади ишлай бошлади. Юмшоқкўнгил бир аёлга уйланди. Уларнинг ҳар иккаласи қизча қаршисида шунчалар титраб-қакшашади, шунчалар эркалаб, папалаб безантиришадики, асти қўяверасиз. Ҳатто, улар ҳақида газетада «Олижаноблик» деб аталадиган мақола ёзса ҳам бўлаверади.

Сошнин Светанинг уст кийимларини ечди, шўрвали қозончани плитага қўйди, қоғоз туташтирди ва печга ўтин қалай бошлади. Света печка эшикчаси қаршисидаги пастак курсичада бироз ўтирди, сўнгра супургини олиб, полни супура бошлади.

Лерка эшик кесакисига суяниб турар, ўша лаънати жавоннинг бир бурчаги кўриниб турган ўртадаги уйча эшигидан кўз узмасди. Хўжайин уни ечиниш, ичкари ўтишга таклиф этмас, печга ўтин қалаш билан овора эди. Унинг бирор бир бошқа эркак кимлигини билмаган «парипайкар»и эса ечинишдан, хонакилашиб қолишдан кўрқарди. Энди у эрига, уйига қайтиб кўникиши, тортинчоқлигини енгиши керак.

– Мен у ёққа кетаман, – деди Леонид боши билан эшикка ишора қилиб. – Боришим керак. Сен бўлсанг, Света, иссиққина шўрвани ичиб ол, истасанг китоб ўқи, истасанг, ўйна. Телевизор томоша қилсанг ҳам, майли. Лекин ишлайдими, йўқми, билмайман. Анча бўлди ундан фойдаланмаганимга.

Света супуришни бас қилди, дадасига чимирилди, сўнгра нигоҳини онасига қадади. Лерка индамайгина эшик кесакисидан четланиб, Сошнинни ўтказиб юборди.

Зинапоя тагида, ёйилиб кетган кўлмакда кулранг нарса ётарди. «Урна!» – фаҳмлади Сошнин. Тўйлар, тантанали кўнгилхушликларга бу саёқ аёлни анчадан бери йўлатишмасди. Лекин таъзия маросимларидан ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Урфодат шунақа. Бу ҳам ўзимизники – русларники.

– Ҳой, – Сошниннинг кўксига нимадир жунбишга келди. – Ҳой, хотин, бу ёққа кел, менинг ўйнашимни яхшилаб кўриб ол! – унинг қачонлардир бўлиб ўтган жанжални эслаш билан Леркани узиб олгиси келиб турган эди. Лекин ўзини дарҳол босиб олди. Лавря-казак жуда вақтида сўз қотиб қолди:

– Сен Леонид Викентьевич, украинлар таъбири билан айтадиган бўлсак, бирваракайига бутунлай қуюшқондан чиқиб кетибсан. Тез орада бадхоҳлик ботқоғига ботиб кетасан, жигарим!..

Кўлларини иягига тираган Лавря-казак пасттовушда кўшиқ айтар, Паша тоға, Аристарх Капустин, кўшнилари, Тутишиха кампирнинг кўп сонли «шоғирдлари» ва шунчаки таниш-билишлар дастрўмолчалар учи билан кўзларини хўллаб, фахрийларга жўр бўлишарди.

Игорь Адамович кишилиқ костюмида, ялтирок бошмоқ билан онасининг каравотида юз тубан ётар, қимирламас, товуш ҳам чиқармасди. Викто-

рина Мироновна назокат билан меҳмонларни сийлар, эри томонга ташвишли нигоҳ ташлаб кўярди. Анвойи камзул, ажнабий жубба кийиб олган Юля стол атрофида куйманар, у ҳаммага бегона, ҳеч кимга кераги йўқдек эди. Унинг нигоҳи хонага кирган Леонидга тушди, аянчли жилмайди.

– Буёққа кел, Лёша тоға, буёққа марҳамат!

Хонандалар Леонидни кўриб, куйлашни бас қилмоқчи бўлишганди, лекин у столга ўтириб, одатдагидек қаттиққўллигига бормаи, сўз қотди.

– Куйлайверинглар. Зарари йўқ. Зоя бувининг табиати очик эди, куйлашни яхши кўрарди...

– Вой, бувижоним, бувижонгинам! – Юля ёввойи бир товуш билан чинқирди-ю, Леониднинг елкасига бош қўйди. Леонид қизнинг кичик, беақл бошига мос бўлмаган, қулоғига тушиб қолган улама сочни силади, томоғига тикилиб қолган аччиқ бир нарсани йўқотиш учун кучаниб йўталди.

Лерка келди. Сошнин сурилиб, Викторина Мироновна уйдан келтирган тақир гиламча тўшалган тахтадан, ўз ёнидан жой бўшатди.

– Азиз бувижонимизнинг жойлари жаннатда бўлсин, – деди уялинқираб Лерка ва кенг вазадан бир қошиқ бўтқа олди, кафтини қошиқча тагида тутиб, авайлаб оғзига олиб борди. Кўзларини ердан кўтармай, узок чайнади.

Граня хола чўкиниб олди, сўнгра йиғлаб юборди. Қўшни аёллар бурунларини тортиб, кўзларини артиб колишди. Кимдир оддийгина қилиб, «Мана, умр деганлари шу экан-да. Бор эди, йўқ бўлди-қолди...» – деди. Бу сўз ҳар қанча оддий, ҳар қанча содда бўлмасин, унга ҳеч ким, ҳеч қачон кўниқолмайди.

Ҳеч ким бу ғамгин суҳбатни давом эттирмади, бошқа куйламадилар ҳам. Юракни гард-ғубордан

тозалайдиган узоқ суҳбат бўлмади, кишиларни биродарлик, ўзаро раҳм-шафқатга мойил этувчи гамгин кўшиқлар ҳам куйланмади.

* * *

Кечаси Сошнин оҳорли тўшакда қимирламай ётарди. Ёнгинасида, юпка тўсин ортида, қабристонда шамоллаб қолган Света пишиллаб ухляпти. Леониднинг пинжига журъатсизгина тикилганича Лерка ҳам уйқуга кетган. Леонид девордаги эски соат аниқ, чиқиллаб ишлаб турганини кўрди. Света уни калит билан бураб, тоб беришни яхши кўради. Леонид соатни бурашни доимо ёдидан чиқарарди. Оила иттифоқи дарз кетганидан сўнг бир кечакундуз ўтгач, соатнинг тошлари полга тиралиб, тўхтаб қолди. Жимжитлик. Тўртинчи хонадонда вақт тўхтаб қолган эди.

Сошнин яна қимматли ва расм бўла бошлаган бу соат йўқсиллар хонадонига қаердан, қандай килиб келиб қолгани тўғрисида бош қотира бошлади. Лекин ҳеч нимани эслай олмади, тўкиб чиқаролмади ҳам. Умуман, ҳеч нимани ўйлагиси келмас, унинг уйида ҳам, кўнглида ҳам омонатгина бўлса-да, ноёб бир ором ҳукмрон эди. У тирикчилигини бир амаллаб йўлга кўйиши, ҳаёт икирчикирлари тагига етиши лозимлигини тушунарди. Ёзув столига ўтиришдан олдин бошдан кечирган, кечираётган воқеаларни янғичасига таҳлил қилиш, кишиларга аввалгидек зийрак ва шафқатсиз, тезкор ходим кўзи билан эмас, балки бошқа соҳа одами назари билан қараш, тушунишни ўрганиш керак. Олдинги ишида арақзада, хотинбоз бевалар, мўлтонилар, кичик ва катта ўғрилар – «отахон» ва «малика»лар, қўшмачи ва юлғичлар, вокзал

ва чордоқ сокинлари, дайди ва бошқа қаланғи-қасанғиларни «саралаш» жуда осон эди. Лекин бу ахир фақатгина юз қатлам... Ёки пасткисимикан? Дераза тоқчасидаги чанг. Дераза, ойна ортида эса, ҳар хил кишилар тентирайди. Югуради, яшайди, рақсга тушади, хурсандчилик қилади, йиғлайди, ўғирлайди, сўнгги парча нонини бировга беради, ўзини, авлод-аждодларининг муқаддас нарсаларини фидо этади, жуда кўп одамлар, далалар, ўрмонлар туғилади, ўлади.

«Много лесу много вересиначек...» У ҳар қанча ҳаракат қилмасин, Полевки қишлоғида эшитган частушкани охиригача эслаб улгуролмай, ухлаб қолди.

У аввалига тинчгина ухлади. Кейин илакишиб қолган кўрқинчли туш азоб бера бошлади. Балиқчилар ифлослантирган, пармалар билан илма-тешик қилинган баҳорий муз устида қизил қалпоқчали қизалоқ диконглар, у ёқдан-бу ёққа югурарди. Муз бу қирғоқдан ҳам, наригисидан ҳам ажраган, хадемай, дарё жунбишга келади. Муз устида ўша қизалоқдан бўлак бирор бир жон йўқ. Леонид тикила-тикила қизча Света эканлигини таниб олди, бақирмоқчи бўлди, лекин худди шу аснода дарё ҳаракатга келиб, музларни қасир-қусур синдира бошлади. Сошнин қирғоқ бўйлаб югурар, аниқроғи, югурмоқчи бўлар, лекин бунинг иложи йўқ эди. У Светани чақирди. Лекин баланд товуш учун кўксиди ҳаво етишмасди. Шунда у ўзини дарёга ташлади-да, музни муштлари билан синдиришга уринди. Лекин муз синмасди. «Ёғоч, ёғоч билан синдир!» – Федя Лебеданинг товуши келди. Қаердандир тахта топилиб қолди. Леонид тахта билан музни парчалаб, кўксини ўткир парчаларга тираганича, қайнаб турган лойқа сувга то-

бора чуқурроқ кирар, Света томонга интиларди. «Хайриятки, сув совуқ эмас. Оқова. Шина заводидан чиқадиган иссиқ окова сув. Шунинг учун ҳам совуқ эмас-да». У бир амаллаб қизча ёнига ёриб ўтди. Қўлларини чўзди. Бирок худди шу сонияда муз бир неча қисмга бўлиниб кетди-ю, бепарво кулиб турган қизалоқ чеккасига қип-қизил «2» бахоси турган дафтар варағидек чирпирак бўлиб, у ер-бу ерини юлдузлар тешиб ўтган зим-зиё осмонга кўтарилиб кетди. «Бу ахир, нариги дунё-ку!» – фаҳмлади Леонид ва бор овоз билан «А-а-а!» – дея бақирди. Аслида эса, зўрға ғингшиди ва тўшакда бир сакраб уйғонди.

– Сенга нима бўлди? – шивирлади Лерка.

– Ухла, ухлайвер, ҳеч нима бўлгани йўқ, – Леонид енгил тортиб, нафасини ростлади ва Леркани кафти билан тўшакка қисди. Харакатсизликдан қўли карахт бўлиб қолгунча шундай ушлаб тураверди. Сўнгра қизидан хабар олиш учун ўрнидан турди. Қизалоқ чойшабни осилтириб, ёстикни тушириб юборганича қўл-оёқларини кериб, Лина холанинг сандиғини кучоқлаб, ухлаб ётарди. Унгача бу сандиқ Светанинг узок қариндошлари ихтиёрида эди. Улар бу сандиқда ўзларининг никоҳ кўйлаклари, одмигина сеплари, ҳар хил рўмоллар, бўҳчалар, чойшаб ва кашталарини сақлашарди. Света уларни ҳеч қачон кўрмаган ва энди кўролмайди ҳам. «Бу ўринда энди даврларнинг узвий боғлиқлиги ҳақида сафсата сотишнинг ҳожати йўқ. Бу узвийлик узилган. Узвийлик ҳақидаги ҳикматли сўз энди шоирона ташбеҳдай янграмайди. У ҳозир шундай қаҳрли маъно касб этдики, аҳамияти, мазмунини англаб етиш, эҳтимол, вақт ўтиши билан бизга насиб этар. Эҳтимол, биз ҳам эмас, балки, Света мансуб бўлган авлод, дунё бор-

лигидан буён энг фожиавий ҳисобланган ана шу авлод бу ишни амалга оширса, ажабмас...»

Сошнин эҳтиёткорлик билан ёстикни қизининг боши тагига кўйди, чойшабни тўғрилади ва сандик ёнига тиз чўкди. Ёноғини қизчасининг бошига секингина босди-да, ширин, ҳаётбахш бир ғам кўйнига ғарқ бўлди. У ўзига келганида юзлари ҳўл эди. Лекин у кўз ёшларидан уялмади, заифлиги учун ўз-ўзидан нафратланмади, серҳиссиётлиги учун одатдагидек ўз устидан кулмади ҳам.

Леонид ўрнига қайтди, қўлларини боши орқасига кўйиб, Леркага онда-сонда кўз қирини ташлаб ётаверди. Лерканинг боши эрининг қўлтиғига тикилиб қолганди.

Эру хотин. Эркак ва аёл. Бир ёстикқа бош кўйишади. Умр басар қилишади. Нон еб, сув ичишади. Йўқсизлик ва касалликларни бирга бартараф этишади. Бола, ҳозир эса, мана бунақа, болачаларни катта қилишади. Биттагина болани ҳам зўр-базўр ўстиришади. Уни вояга етказгунча ўзларини ҳам, фарзандларини ҳам беҳад қийнаб юборишади.

Эркак ва урғочи жонзотлар табиат ҳукми билан кўшилишиб, ҳаётларининг давомийлигини таъминлайдилар. Лекин инсонлар жамиятга кўмаклашиш, камолга етиш, юрак қонларини ёстикдошлари юрагига кўйиш, шу қон билан ўзларида бўлган жамики эзгуликларни ҳаёт йўлдошларига ўтказиш учун қовушадилар. Ота-оналари уларни бир-бирларига тортиқ этишганда ҳар бирининг ўз ҳаёти, табиати, одатлари бор эди. Энди эса ана шу икки хил ашёдан кўп асрлик мухташам бинода Оила аталмиш бир гўша бунёд этиш керак бўлади. Бу қайта туғилишга ўхшаб кетади. Заминда ўзига ўхшаганлар орасида сарсари кезган эркак ва аёл тақдир тақозоси, ёинки ҳаётнинг қудратли қонуни туғайли қовушадилар.

Эр-хотин бўладилар. Бир-бирини билмаган, борлигидан, ҳатто, хабардор бўлмаган аёл ва эркак қон-қариндош бўлиш, ота-оналаридан сўнг яшашда давом этиш, ўзлари ҳам ота-она қисматини бошдан кечириш, қўша қариш, сўнгги манзилгача бирга етиб бориш, бир-бирларидан ҳеч ким билмайдиган ғам, азоб билан ажралиш учун қовушадилар.

Нақадар, буюк сир-синоат! Уни англаш учун минглаб йиллар сарфланган, лекин худди ўлим сингари, оила сир-асрорлари ҳам тушуниб етилган, ҳал этилган эмас. Қайси сулола, жамият, салтанатда оила бузила бошласа, эркак ва аёл бир-бирини тополмай, сарсон бўлса, ўша салтанатнинг кули кўкка совурилган. Қайси сулола, жамият, салтанат оила барпо этмаган, унинг асосий қонуниятларини емирган бўлса, у ерда қўлга киритилган тараққиёт билан мақтаниб, қуро-л-яроғ жарангига зўр берадилар. Оила емирилиши биланок, ҳамжиҳатлик, иттифоқ ҳам инқирозга юз тутган, ёмонлик яхшиликдан устун кела бошлаган, оёқ остидаги ер эса, ўзларини одам деб юрган, аслида бунга ҳеч қандай асослари бўлмаган бир тўда қаланғи-қасанғи, мурдорларни ютиб юбориш учун тарам-тарам ёрилган.

Лекин ҳозирги телба дунёда эр хотинни тайёргина ҳолда олишни истайди. Хотин ҳам, ўз навбатида, яхши, иложи бўлса, жуда ҳам яхши, бенуксон эрни излайди. Дунёда энг муқаддас ҳисобланган оила ришталарини мазах қилган, ҳамма яхши аёллар вужудига оз-оздан сингиб кетган ёмон хотин ҳақидаги кўҳна ҳикматни сийқалаштириб юборган замонавий маҳмадоналар, афтидан, яхши эр хусусиятлари ёмон эркакларнинг ҳаммасига оз-оздан тарқатилганини билишса керак. Ёмон эркак ва ёмон аёлни қолга тиқиб, денгиз тубига чўктириш керак, вассалом. Бундан осон, жўн иш йўқ. Лекин,

энг аввало, ана шу жўнлик сари ҳаддан ташқари шалдиروق, хаёт бўронлари пачоклаган, сузувчанлигини йўқотган оила кемасида сузиб бориш керак.

«Эр-хотин – кўш хўкиз», «Хотин эрга ўлаўлгунча берилган» – Леониднинг оиладек мураккаб нарса ҳақида билган ҳикматлари шуларгина эди, холос.

«Қани, ўртоқ Даль луғатларида нима дейилган экан?» У Лерканинг устидан секин ошиб ўта бошлади. Света билан бирга ухлаб, унинг ҳар бир ҳаракатини кўришга одатланган, яккаю ягона фарзандининг ҳатто, нафас олишини эшитадиган Лерка уйғонмаёқ кўли билан ёнини пайпаслади.

– Сенга нима бўлди? – яна бўғиқ товуш билан сўради у.

– Ухла, ухлайвер, ҳеч нима бўлгани йўқ, – яна паст товушда жавоб берди Леонид хотинининг устини чойшаб билан ёпар экан, – печкани ёқаман. – Света совқотди.

Хона совуқ бўлмаса-да, у печкани ёқди. Очик эшикчаси олдида ўтириб, иссиқ ҳаводан нафас олди. Чиройли, тетиклик билан рақс тушаётган алангага тикилди. Ўз сочларига ўралиб, эмин-эркин чўзилиб ётган Леркага кўз кирини ташлаб, стол томонга йўналди.

Қачонлардир Вейск станцияси техник идора-сида эскиргани учун яроқсизга чиқарилиб, Лина холага бутунлай бериб юборилган ёзув столи тепасида дарслик китоблар, мактаб анжомлари учун токча қокиб қўйилганди. Ҳозир бу токчада дераза томонга қийшайганича луғат, қўлланмалар, сеvimли китоблар, шеър ва кўшиқ тўпламлари турибди. Улар орасида семафорнинг яшил чироғидай бўлиб «Рус халқ мақоллари» китобининг муқоваси кўзга ташланиб турибди. Ёш адиб ва оилавий ишлар-

да чиникқан эр қалин китобнинг ўртасидан очди. «Эр-хотин» бўлими кенг, мўл – ўн икки варақни эгаллаганди. Ўтган асргача ёш рус миллати оила масалаларида анчагина тажриба тўплаган ва уни оёзқи ижодда акс эттирган эди.

«Яхши хотин ва ёғлиқ карам шўрва – бундан ортиқроқ бахт излаб юрма», «Жуда ақлли, ўрнида айтилган ган» захарханда қилди темир йўлчилар кўрғонининг мутафаккири. Лекин тез орада саҳифаларда шунақанги очик-ойдин фикрлар кўпайиб кетдики, унинг пичинг қилгиси келмай қолди. «Ўлим ҳам, хотин ҳам худонинг иродасидир», «Уйланиш бор – ажралиш йўқ», «Ким билан никоҳ ўқилган бўлса, ўша билан жаноза ҳам ўқилса», «Қуш қаноти билан кучли бўлса, хотин эри билан гўзалдир», «Эримнинг паноҳида бўлсам, ҳеч кимдан кўркмайман». «Шунақа! Бўлмасам-чи! – Леонид бу дафъа халқ мақолини қувватламади, – сизларни замонавий аёл билан таништириб қўйганда, билардинлар!» У беихтиёр Леркага кўз кирини ташлади. «Хотин этик эмас, оёқдан ечиб ташлаб бўлмайди», «Тўппа-тўғри», – хўрсинди Сошнин ва китобни ўз жойига қўйди. Луғатларда бўлмаса ҳам, Тутишиха кампирнинг ўғитлари одамшаванда ҳаёт кечириш учун етиб-ортади. «Оилаларнинг бузилиб, аёллар эркаклар билан ажрашиб кетишига сабаб нима, биласизларми? – сўрарди у. – Сабаб шуки, эр-хотин бошқа-бошқа ётишади. Болаларини, бир-бировларини ҳафталаб кўришмайди. Оила нима билан мустаҳкамлансин, ахир? Адам билан ғижиллашган, баъзан муштлашган пайтларимиз ҳам бўларди. Лекин эр-хотин жанжаллашишса ҳам, бир кўрпа тагида ётардик! Кечаси, Адам, билмасдан, қўлини устимга қўярди. Мен бўлсам, иссиқдан оёғимни унинг устига ташлайман. Бир

вақт қарабсизки, уйда жимжитлик, хотиржамлик, ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлиб қолибди...»

«Бу ҳам тўғри, – хўрсинди Сошнин. – Кампир мураккаб вазифаларни ортиқча гап-сўзсиз, оддий, лекин аниқ усул билан ҳал этарди».

Леонид хона ўртасида бир муддат турди, бошини сийпалаб қўйди. Жавон ортидан тонг мўъжазгина нигоҳ ташламоқда эди. «Лекин бу тобутни, барибир, ўтин қилиб юборишга тўғри келади», – деди у қўтир иншоотни силаб қўяр экан. Жавон эса, қари кўппакка ўхшаб, ғадир-будир тили билан унинг бармоқларини тирнар, кафтини хайрихоҳларча китиқларди.

«Бошқа илож йўқ, дўстим, замонавий туриш-турмуш қурбонлар талаб қилади! Бизда бирор бир янгилик қурбонларсиз юзага келмайди», – захарханда қилди тўртинчи хонадон хўжайини.

Сошнин осойишта ухлаётган оиласи бағридаги фароғатдан лаззатланиб, кучига ишониб, столга қапишганида тонг аллақачон рутубатли қор уюмидай бўлиб, ошхона деразасидан думалаб кирмоқда эди. Леонид кийқирмаслиги учун столнинг шалдироқ танасини қўллари билан ушлаб, эски идора чироғига чўзилди. Темир қалпоқни буриб, нурни тоза, оқ коғозга туширди ва унинг тепасида узоқ вақт жим туриб қолди.

1982–1985 йиллар.

Овсянка – Красноярск

Адабий-бадиий нашр

ВИКТОР АСТАФЬЕВ

ФАМГИН САРГУЗАШТ

Роман

Муҳаррир	<i>Ф. Ҳидоят</i>
Рассом-дизайнер	<i>Б. Зуфаров</i>
Техник муҳаррир	<i>Т. Харитонов</i>
Кичик муҳаррир	<i>Д. Холматова</i>
Мусахҳих	<i>Ш. Шоабдураҳимова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>Ф. Ботирова</i>

Нашриёт лицензияси А1 № 158.14.08.2009.
Босишга 2015 йил 23 июнда рухсат этилди.
Бичими 80x100^{1/32}. Газетная пухлая қоғози.
«Peterburg» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Нашр табоғи 8,29. Шартли босма табоғи 8,88.
Адади 3000 нусха. Буюртма № 15-417.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10
e-mail: iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Астафьев, Виктор: роман / **Гамгин саргузашт**
А 85 – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2015. –
192 б.

ISBN 978-9943-28-322-0

УЎК: 821.512.133
КБК 84(2Рос-Рус)



“O‘ZBEKISTON”

ISBN 978-9943-28-3



9 789943 283